

440
1948/11

ШАРК ЮЛДУЗИ

4
11

1948
ТОШКЕНТ

1870

1870

1870

ШШАРҚ ЮЛДУЗИ


ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САН'АТ ЖУРНАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

4

11

НОЯБРЬ



ТОШКЕНТ

1948

46554
1977

ҒАФУР ҒУЛОМ

ИНСОНИЯТ БАЙРАМИ

Тонг отур; шафақларнинг алвонранг товланиши
Таққоссиз умримизнинг файзидан бериб хабар.
Қуёшга пешвоз чиқмоқ ўз туғма одатидек
Яна улуғ халқимга бўлаолди муяссар.
Кoinот соатининг секундига хатосиз
Букун ҳам ўз вақтида ўкиролди гудоклар.
Эрка табассум блан тўлғониб уйғонмоқда
Бағримизда барқ уриб ухлаб ётган гўдаклар.
Байрам тонг отари бу ва бу менинг оялам
Улуғ совет ватандан узилмас инжу пора.
Катталарнинг ғурури, ёшларнинг шод қийгоси
Ташаккур айтмоқдадур қалбидан бу наҳора.
Коммуна қураётган халқларнинг оиласи
Муборак улуғ юртда муқаддас байрам қилур.
Тонг отур, шу дақиқа Сталинийн табриги
Ердош захматкашларнинг шарафига ўқилур.
Халқимнинг юрагида қайнаган севинчини
Урал тоғларига ҳам қилиб бўлмайдн қиёс.
Боши баландлигига кўкни ўхшатолмайман,
Осмон деган нимадир? — Тўнкарилган эски тос.
Даҳшат, қоронғиликлар, йўлсизлик, зулму бедод
Барчасига зўр келиб, янги дун'ё қурган халқ.
Осмон деган нимаю, қуёш деган нимадур? —
Барчасидан устунсан, ўзинг яшна, ўзинг болқ!
Мўйсафид Сталинийн тенгдошлари оталар
Оппоқ соч-соқолингиз субҳ дамлар сабаби.
Бу сафнинг илғорисиз, биз изингиз босамиз,
Арзиган ғурурларла, нурда йўғрулган каби.
Кўкси пок, мушфиқ, озод, мухтарама оналар,
Улуғ айём кунидир, байрамингиз муборак!
Бахт бешигин қучоқлаб бизни улғайтирдингиз,

Қаққашон¹ юлдузлари сутингиз бўлса керак.
 Бўй етган авлодларнинг кеча тўйин ўтказдик,
 Ленин комсомоллари — кўркам эди шунчалар...
 Замон, замин, келажак, бахту, вақту саодат
 Бариси шуларники, бари гуллар, ғунчалар.
 Ўз йигитинг ягрини қал'аларнинг девори,
 Ўмрови ўз халқ учун пўлатдан қуйма қалқон.
 Қалби саломатлиги миназига солиб акс
 Қандил олма сингари юзи тарам-тарам қон.
 Кулкуси—сўздай аниқ, сўз — кулкуга ҳамоҳанг,
 Меҳнат, муҳаббат, билим барчасида баркамол,
 Шундай етук қизлар бор ма'рифат офтобидек,
 Астойдил тикилсанг кўзни элитур жамол.
 Манглайининг нуридан жилвасин тинмай солур
 Тимқора ўсуқ киприк қуйи қобоққа соя.
 Чинакам бир кулкунинг вазнин ўлчамак учун
 Бу бахт оидасига а'зо бўлиш кифоя...
 Букун бир архитектор ўзи чизган бинонинг
 Шукуҳини қилмоқда теварақдан тамоша.
 Битта кекса инженер ўз қурган машинасин
 Манглайин силаб айтар — „болам, минг йиллар яшаг'
 Рассом, бир лавҳасини, йилларча қалам чекиб,
 Талантини эритиб ёзиб тугатди кўркам.
 Қани энди Рафозэл қайта бошдан туғилиб,
 Шу минутнинг завқини кўраололса баҳам.
 Букун Сталинград — қаҳрамон шаҳар аро
 Қайтадан икки гигант бир-кетин кўтарди қад.
 Харобалар боиси фашистларнинг қадами
 Бу эзгу тупроқларни босмас абадулабад!
 Пахтакор ўз халқичун ўстирган олтинларин
 Грамм-грамм теради шон иши, виждон иши.
 Бешйиллар яратади, ишчи ўз дастгоҳида
 Инсонлар бахти учун чолишмоқ инсон иши.
 Шоир ўз асри учун обида қўяйин деб
 Йиллар кеча ухламай шунй қилади ижод...
 — Йўқ, йўқ, жаноболийлар, лордлар, Маршалл,
Черчяллар.

Дўқингиз қилаолмас ижодимизни барбод!
 Кишилиқ тафаккури зулматлардан нур томон
 Поя-поя ўсаркан санаб ўтган зинада
 Тарихий йўллар ошиб, улуг инсоннинг зеҳни —
 Чин халос маш'алини топди коммунизмда.
 Одамлик шарафига чин ма'рифат муносиб,
 Ма'рифат, маданият бу бизнинг идеямиз.
 Гарчанд миллиардлардан сўнг, кекса Бернард Шоу¹ ҳам
 Бу чўнг аксиомага иқрор бўлиб букди, тиз.

¹ Қаққашон юлдузлари — „Сомончи йўли“ юлдузлари.

¹ Бернард Шоу — инглизларнинг ҳозирги барҳайт ёзучиси.

Инсоний камолатни қирғин блан чеклаган
 Маршаллар, Черчилльларнинг вабодан не фарқи бор?
 Капиталистик дун'ё одамлардан қўрқади,
 Инқилоб океанининг тўфони бор, фарқи бор.
 „Демократия“ деб номланган алдоғингиз,
 Билиб қўйинг жаноблар, шунда бўлар бир чақа.
 Гитлер қабри устида бўлганидек, сизга ҳам
 Иблис истеҳзо блан солажақдир қаҳқаҳа.
 Буюк Хитой қўзғолди, чўчингиз Чан-Кай-шилар!
 Бечора улуғ халқнинг ғазаби дўзахча бор.
 Бу ўтда кишан эриб, доллар дудга айланур,
 Ла'нати „хўжалар“дан қолмайди гарду-ғубор.
 Ява халқлари чеккан қонли азоб, уқубат,
 „Мағрибли қўш меҳмон“дан токай олар ҳимоя.
 Голланд босқинчисининг хомхаёл калласига
 Сўнги ўч-интиқомнинг шарпаси солур соя.
 Бепадар янглиш қоннинг бузуқ жўшқинларила —
 „Янки“ни¹ бобом деса, деяберсин Елчинлар.
 Лекин эндиги тарих, аёвсиз панжасила —
 Бу Геббельсваччани ҳам жаҳаннамга парчинлар.
 Шарқнинг азамат фили, залвордор хартумила
 Тўймас, қари „арслон“нинг белини букажақдир.
 Ниҳоят, эрк карвони қардошлик юкин ортиб
 Мазлум халқлар кулбаси олдида чўкажақдир.
 Катта революция ўз голиб байроғини
 Куни эрта тикажак жаҳонимиз томига.
 Ҳароми ниятларла кашф этилган бомбалар
 Эритиб қуйилажак мал'унларнинг комига!
 Енгилмас Октябрьнинг дағдағаси, шукуҳи
 Бутун қудрати блан мрамарга қазилган пайт.
 Не ажаб, букунги тонг жаҳон Октябрининг
 Туғилган куни бўлиб тарихга қилинса қайд.
 Инсон, чин инсон бўлур — умид, умтилиш, блан
 Бўғовларни парчалаш унинг хоҳиши, иши.
 Не ажаб, букун-эрта олам даричасидан
 Озодлик қуёшининг нурга тўлиб, кулиши.
 Яша Ленин — Сталин, яшасин коммунизм,
 Яша улуғ партиям, яшасин порлоқ иқбол!
 Яша азиз Ватаним, ватандош қон-қардошлар,
 Инсоният чароғи топмасин ҳаргез завол.
 Саломат бўл эй қалам, тонготарлар йўлдошим,
 Тилингдан сатрларга оқади ҳамиша нур.
 Одамзод улуғлиги ёзилган ҳар варақнинг —
 Сўзи бриллиантдан, нуқталари жавоҳир.

5 октябрь. 1948 йил

¹ Янки — Америка бойларининг лақаби.

М. ОИБЕК

ҲАМЗА

Достон

Фарғона. Олтин селдай тошаётир ёз.
Дарахтлар кўк булути йўлларга сиғмас.
„Виллис“ шунғир қўнғиздай кўм-кўк мавж аро
Ёз тўйини бошлаган қуёш серзавқ, маст.
Дала шаббодасига югурар йўллар.
Ер кўм-кўк, шод, —

Меҳнатнинг кўрки блан бой;
Пахтакор меҳри яшнар ҳар қаришида.
Ариқ, ариқ сув.

Пахта,

пахта ҳамма жой.

Бу водида йиғитлар, бобойлар, қизлар
Қиш ва ёз яратади колхоз шонини.
Жийдазорлар ёлқуни, сўрилар аро
Қора кўз болаларнинг шўхлик шовқини...

Қизгин „виллис“ ҳонсираб кирар Водилга.
Муаззам тераклардан қуйилар салқин.
Чойхоналар, суфалар ҳаводор, сўлум.
Йўллар тошлиқ.

Тоғларнинг нафаси яқин.

Адирлар орқасида оппоқ чўққилар.
Йўллар қинғир, буралма,

пружина каби

Кириб борар тоғлиқлар қалбига чуқур.
Ҳар бурилишда янги бир манзараки,
Кўзларнинг соққалари айланиб кетар...
Хазинасин ёйибди бунда табиат.
Ранглар, шакллар чексиз, паст-баланд чексиз.
Ҳар манзарада жонли оҳанг ва қудрат.
Тош ва сув,

Гул ва кўкат..

Бужур ва дағал

Қоялар кал бошларини тираб осмонга,
Майса гиламга қурмуш чордона девдай.
Сел излари юксакдан жарларга шўнғир,
Ўпқинлар сукути чанг солғудек жонга...
Шамоллар гувуллайди пастдан, баланддан.
Юзларга қор ҳидини, сув чангин урар,
Оғочзорлардан ясар кўм-кўк бир гирдоб,
Қизғалдоқлар чўгини ҳар'ён учирар.
Кўпик пахтасин саваб тошлиқда „оқ сув“
Югуради, кўшиғи келар ҳарёқдан.
„Кўк сув“нинг тўлқинлари ёзги осмондай,
Чақнар ўнгдан ва сўлдан,

яқин, узоқдан...

Ваҳим тош қирраларда шўх раққосадай,
Ўйнар, сакрар эчкилар.

Кичкина чўпон

Физиллар юксакларда, бир пасдан кейин
Ёнингда кулади у — эчкидай чаққон.

Йўллар бурмаси битар, сув шовқини ҳам.
Қат-қат мингашган тоғлар омбори даҳшат!
Азим тош уюмлари, дев бўй қоялар —
Тош бойлигини ағдармиш бунда табиат!
Жимжитлик чуқур,

бу ер жимжитлик таги.

Гоҳ метин қасирғадан боқар на'матак.
Бармоқдай қушча ёлғиз, чийиллар гоҳ-гоҳ.
Кўл сари юксаламиз эртақдагидак...

„Кўли Қуббон!“ — бир парча тиниқ кўк гўё
Узилиб тушибди-о!

Майин, фусункор

Жимирлар у. Эртақда парилар кўли —
Сингари гўзал, тоза ва му'жизадор...
Оқарган бошларини кўрмоқ учунми,
Бир-бирининг кифтидан мўралайди жим
Кўл — ойнага тоғлар, —

тоғлар қари, чўнг.

Ҳарёқни оғир сукут тўлдирган лим-лим...
Кўзлар узилмас кўлнинг кўк лаганидан.
Ваҳим гумбурлаб кетар акс садолар, —
„Олой“нинг тош юраги жонланар бир зум,
Ҳазилдек ҳар сўзингни юзингга солар.
Бир қултум сув ичаман, ўйларим оғир
Ичимда тўлқинланар алам ва фироқ:
Бу ерларда кезганди бир шоир оғам.
Қани излари? Ўпсам! —

Сўйла, ел,

кўл,
тоғ!

Шоҳимардон! О, тоғлар қўйнида пинҳон
Гўзал диёр, кўксингда даҳшатли, аччиқ
Қандай қонли сирлар бор?— Юрак зирқирар.
Босади хотиралар — қора босирёқ...

Бу ерларга келган у — халқ ўғли, шоир,
Ватан тоғлари сари очиб қучоғин.
Илҳомлари нурланган, хаёли баланд,
Ўйлари ва ҳислари тоза ва ёрқин...
Гоҳ қўлида китоблар, гоҳ қўлида соз,
Бу ерларда у куйчи хаёлчан юрди
(Болаликдан чанқоқди билимга, куйга!)
Фикрида не-не гўзал режалар қурди.
Эгнида шўх беқасам Фарғонача тўн.
Яп-янги чуст тўпписи бошда яшнайти.
Қийиқ, катта кўзлари ўткир ва ўйчан,
Юзя рангпар, тимқора мўйлаб чақнайди...
Шоирнинг умидлари ёрқин ва гўзал —
Бу диёрнинг гулшан ранг тонглари каби.
Қўшиқлар тўқийди у чашма бошида,
Чолғусида куйлайди чўпон юраги...
Нақадар ажиб диёр? — суқланар шоир.
Ҳаяжонсиз боқалмас атрофга бир зум.
Бир тепа хунук, чиркин! —

Унга боқаркан

Кўзларида қайнарди ғазаб ва зуғум
Шоҳимардон! —

„Авлиё“ қабри тепада,
Келин тобути каби хашами совуқ.
Одамнусха чаёнлар бунда қурмиш ин.
Асрлар оғуланар узоқ ва ёвуқ!
Алининг қабри эмиш! — Араб чўлида
Бир парча жой тополмай, унинг жасади
Оқ тевада чайқалиб қилганмиш сафар.
Мозори ҳам саёқдир ўлиги каби...
Қаерда мурдор шайху, риекор эшон,
Унда пайдо отининг туёғи изи.
Ҳаром қуллар ясайди Алига мазор.
Бу ер бўлади талов, хурофот ини...

Зиёратчилар ўпар, суртар кўзларга
Шайхларнинг ўғри қўлин; сўрайлар ду'о.
Алдоқчи қабр тошин қучиб гумроҳлар
Бахт тилар, фарзанд тилар, дардига шифо...
Очкўздир шайхлар каби, истар пул ва қон
У ернинг ҳарбир толи, ҳарбир чинори.
Бу ердаги қушларнинг тезагини ҳам
Пуллашга тайёр, мўлтон ҳар мутавали.
Ҳарёқдан қўшоқ-қўшоқ қўй, эчкиларнинг

Ияғлоқи ма'рашлари — бугизда пячоқ...

Мина чўл кемалари чўкар бақриб,

Кўзларининг ғазаби ёлқинли янтоқ.

Шоир юрар, бошини ўйлар эговлар.

Ҳар муюшда кўрар у хўжа ва эшон.

Қор салла, сари мой юз, алдоқ кўз бари.

Ҳаёт уларга ёлғиз текин дастурхон.

Муштумзўрлар лапанглар — муғомбир, писмяқ.

Ер-сув хатарда кабия жонлари қақшар.

Ҳа, ана сельсоветнинг деразасидан

Эски амалдор юзи бир дам қийшайар...

Кечаги босмачилар изғир ҳар'ёнда,

Қайбир бўрида тасбиҳ, салла — тақводор!

Тунларда шайхнинг, бойнинг уйда меҳмон.

Қайбири бирон ишга бўлмоқчи саркор...

— „Мозор қора кучларга бўлибди қал'а!“ —

Ўйлар шоир, ичида бурқийди нафрат.

Олтин ҳаво, тоғ ели, куйчан сув, чаман —

Та'рифи йўқ гўзаллик!

Мислсиз ваҳшат!

Ўн бир ёшга кирибди куёш — Октябрь.

Саводсиз юрт очибди дорилфунунлар,

Курашмоқда Шарқ учун бўлмоққа маш'ал.

А бу ерда қағиллар мурдор қузғунлар!

Мана чиқиб келмоқда Бошоқбой жардан,

Қуш қидирган овчидек у жим ва хўш'ёр.

Ҳамзанинг туйғулари ёришди тонгдай,

Уни кўрмаса бир кун қиларди хуммёр.

Бошоқбой қарчиғай кўз, буйдор, дўнг кўкрак.

Мардона қош устида ўқ изи ҳусн.

(Босмачиларга қарши жангидан дарак!)

Қушчилар бошлиғи у, тоғ боласи чин.

Ўтирдилар майсага яйраб ёзчаси.

Тераклар кучоғидан кетмайди шамол.

Шоирни тинглар қотиб шунда Бошоқбой —

Меҳнатда, жангда пишган бир вақтки қорол.

— „О, бу ерда табиат қандай кўркам, бой!

Ҳавосида эсади ҳаёт жавҳари.

Меҳнаткаш халққа бўлсин бу ер оромгоҳ.

Қузғунларни қувайлик, қолмасин гарди!“

— „Ота¹ ҳам келганида деганди шундай;

Сўзлари ёдимдадир, жуда серҳикмат —

Дер Бошоқбой — броқ бу „азиз“ қузғунлар

Бир кишт блан қувилмас! —

Қора фалокат

¹ Йўлдош Охунбобоев демакчи.

Тошдан ясабди инни! —

Минг куз, минг қулоқ!

Дастлаб қўшчи фикрини қилайлик равшан.
Одамнинг бор сараси қўшчи тўпида.
Кўзи очилган деҳқон бир туриб берса,
Шайхлар тугил, мазор ҳам яксон бўпти-да!
Ҳамзанинг кўзларида ёнар куч, ишонч.
— Қўшчиларни йиғамен, — дейди Бошоқбой. —
Бу — менинг элим, жоним... Сиз — ма'рузачи.
Билим ва сўз бобида сиз мисли „Олой“!

Шоир мағрур кезади, қалбида илҳом.
Қояларга минар, сув хўплар булоқдан.
Боғлар эмас, таптақир тошлар ҳам гўзал.
Қор шу'лалари чақнар ёзда ҳарёқдан.
Пастда қишлоқ, тошларга қапишибди зич —
Фақир уйлар қалдирғоч инлари каби.
Ҳаёт дастгоҳи кўҳна.

Янги кун нурин

Тўсади қора бало — шайхлар зулмати...
Қишлоқ оралаб юрар шоир ўйга ғарқ.
Қангир деволлар тўсмиш аёллар юзин...
Бунда ёшлар газетдан, китобдан узоқ,
То бешикдан тотганлар хурофот тузин...
Мана дилкаш чойхона сув яқасида.
Толдаги қафасларда тинмас „битбилдиқ“.
Кўк чойни ялқовланиб хўплар аломон.
Йўқ кулги, жонли суҳбат ва шўх қийқириқ...
Шоир жим ўтиради тахта суфага.
Ёшларнинг даврасида сирли бир шивир:
— „Ҳамза!“
— „Шоир!“

— „Танбурни хўб қияр экан!“

Кўзлар севги, ҳурмат-ла тикилар бир-бир.
Ҳамза чой чақирришга улгирмасданоқ
Содда йигитча тутар кичик пиёла:
— „Қани, муллака...“ дейди. —

Даврада шоир.

Ёшлар унинг дидига тушар қофия.
Пиёлани қўлида гулдай тутиб у,
Нозик табассум блан сўзга киришар.
Дулвор йигитлар: деҳқон, чўпон, тақачи...
Бирини муштумзўрда қорол дейишар.
Ёлғиз бири жимгина дер: „мен комсомол!“
Белбоғи орасидан билет олиб у
Кўрсатар-да, яна тез яширар уни.
— „Файрат қилинг, йигитча, қишлоқ қоронғу...“
Дейди шоир, атрофга кўз ташлар бир зум.
Кўчанинг у юзида, қари дов терак —

Остида ўқраяди қандайдир эшон;
Юзин буриштирган ғазабнинг мавжи.
Илон башара берар унга кўзойнак.
Жирканиб боқар Ҳамза.

Гўё нур, зулмат
Қаршилашар сўндирмоқ учўн бир-бирин..
Мана зулмат чекинар, —

қўрқоқ ва маккор,
Ҳассасияни йўллайди тепага секин.
Хонақода бошлайди у энди игво.
Разил шерикларига дейди: ҳуш'ёр бўл!
Гумроқ муридларини курашга ундар,
Нажот истаб қабрга у бошлайди йўл...

Ҳамза оғир хўрсиниб, суҳбатдошларга
Зимдан боқар: комсомол боғлиқ шунқордай.
Ўзгалар боши қуйи, гашдай диллари.
Қорол дейди: „қарғишга қолдик-да талай!“
— „Қайғирманг иним, уни замон қаргаган.
Букун бор, эрта унинг ўчар қораси!“
Ҳамма кўзлар шоирга жовдирар ҳайрон:
„Қандай одам! —

Мунча зўр сўзи, ҳамласи!“

Бедоналар сайрайди, гувлар тегирмон.
Муаззиннинг овози янграб баландда,
Подалар шовқунидан эриб йўқолар.
Қуёшда тошлар ёнар, ранглар чаманда.
Тоғ этаклаб, бурулма йўлларда шоир
Юради илдам, унга комсомол йўлдош.
Дам қучади боғларнинг яшил салқини,
На'матаклар саломлаб бош эгар ювош.
Дам тошқинлар устида қилтираган, тор
„Шайтон кўприкчалар“дан ўтади чаққон.
Ҳамроҳи узилмасдан ундан бир қадам,
Тушунтирар кўрганин, —

Хурсанд, беармон.

Чашма бошида шоир дам олар бир пас.
Сувнинг қайнар кўзига тегизар лабин.
Майсага заи ёнбошлаб сўйлар комсомол:
Шайхларнинг кирдикорин, қора юрагин.
Ҳамзанинг кўзларида ёнар чуқур ўй:
Нега мунда қора куч ҳоким ҳали ҳам?
Нега мунча бепарво бўлди Самарқанд?
Саволлардан манглайи буришар бир дам..
Бирдан кўзғолади у: „Юринг, Ҳатамжон,
Кўрсатинг анав сувнинг бошини менга!“
Йигитнинг кўзларида: уҳу, қайда у?
Кўлни кўрмоқчиди-ку, аиниди, нега?

— „Сув боши — ҳаёт боши!“ — дер шоир кескин.

У тирмашар, эмаклар тик қояларда
Қуёшнинг яллуғида пишиб, ҳонсираб,
Кўзлари оппоқ ёнган шалолаларда...

* * *

„Ғўл тоғ“ йўлида борар икки йўловчи,
Чориқлар эски, йиртиқ,

қалпоқлари кир.

Ҳовлиқиб дейди чолга ўспирин батрак:

— „Сўзни қийди-я, бай-бай! —

Мунча серфирк?

Шайхларнинг пустини шилиб, тузлади роса.

Қойилман Ҳамзасига... Қўшчи элни ям

Кўнглини зап кўтарди. —

Ленин йўлини

Яққол кўрсатди қўйди. Тулвишди миям.

Ер гули, юрт эгаси сиз, бизмиш, бобой!“

— „Ҳақ гапни айтди Ҳамза. Бермаса деҳқон,

Шайху — мулла не ейди? — дейди чол уйчан, —

Шакка олди қабрни... Бу — сирри ниҳон!“

— „Шайхга берсанг ошингни, ютар бошингни...

Эшон топади олтин, олади хотин...

Мозор зулматга тортар. мактаб қуёшга!

Чечан экан гапга у...“ — Йигитда шавқ чин.

— „Шоир-де, болам, билгич, — дейди кулиб чол —

Шоирнинг юрагида қайнармиш булоқ.

Шоир сўзнинг деҳқони. —

Хирмони ҳикмат.

Ёқди қўшчига Ҳамза.

Ғозланди Бошоқ!“

Шўх ўғилчасин шу чоғ етаклаб, хушқол

Кезади шоир „Оқ сув“ бўйларида жим.

Катта нутқдан кейин у сезмас ҳорғинлик

Қандай ма'ноли мажлис!

Хурсандди ҳарким.

Кўшчилардан у рози. Қандай асил халқ.

Гўё улар ичида ҳали ҳам шоир,

Даланинг ва меҳнатнинг исин сезгандай...
Бундай эрлар шайланса, ҳар ишга қодир...
Келажакка ва нурга интилар юрак.
Учар хаёллар ёрқин уфуқлар сари.
Ҳаётни гўзаллатиш — унда зўр орзу.
Ҳар тош бўлсин орзунинг гўзал асари!
Бошоқбойни тўхтатар шоир тўсиндан:
— „Ҳайкал қўямиз худди шу ерга, лочин!“
— „Ҳайкал?“ — ҳайрон кўзларин тикар Бошоқбой

— „Ҳа, ҳа, ҳайкал. —

Юксалсин бу ерда Ленин!

Бошоқбойнинг юзини қоплар табассум.

Майдонни чамалаб у боқади ҳар'ён.

Сўзлашга уринару, тутилар тили.

Шоирнинг қўлини сиқар хурсанд ва ҳайрон...

• * •

Шоҳимардоннинг пасту-баландликларини

Айланиб ҳар кун режа қуради толмай.

Қишлоқнинг тош, гувала деволларидан

Ҳаёт сирини кўрар шоир каптидай.

Чойхонада ўқийди газета — китоб.

Сталиннинг илҳомкор сўзларини у

Англатар содда деҳқон, содда чўпонга.

Элда янгилик сари сезар у орзу.

Қишлоқ ёшлари аста кўяр муҳаббат.

Саломлардан кўзларда садоқат яққол.

Кейинча атрофини қуршар бир тўп ёш.

Ҳарбирининг кўнглида эсар ёш хаёл.

Бирида музыкага чин севги ёнар.

Бири театр дер-ку, бири трактор.

Отлиқ аскар бўлмоққа бирида армон.

Яна қанча орзулар! — Ҳамзада ишқ зўр.

Чойхонада очишар қизил бурчак ҳам.

Алвонлар, шиорларнинг шафақи аро

Сузилади Лениннинг доно кўзлари.

Деҳқонлар диққат блан қилар тамошб.

Савод учун курашга киришар шоир.

Дағал, қадоқ қўлларда илк даф'а қалам.

Латинча ҳарфларни ёзиб деҳқонлар,

„Уҳ“ тортар, қалпоқ блан елпиниб ҳар дам.

— „Қалай, ўхшаши ёрми?“ — сўрар серсоқол.

— „Қаламга ром бўлибди қўлингиз, соз, соз!“

Боладек қувониб у хатга бош эгар.

Ҳамзанинг юрагида ғайрат қайнар боз.

Қўлида китоб ё соз кезаркан шоир

Илондай бош чўзади шайхлар инидан.

— „Ҳамза!“

— „Динсиз!“

— „Большевик!“

Заҳар, кин томчилайди ҳар шайх тилидан.

Хонақода ва қабр теварагида

Улар энди муттасил ғазабни қайрар.

Кутургандек кўзлари тиканли, ёмон.

Тулғанишар, ичларин чаққандек илон.

Алдоқчиларнинг пири ва мозор боши

Гиштга асабий урар ирғай¹ хассасин.
Лайлак инндай салла вазмин тебранар,
Хириллайди буггандай алам нафасин:
— „Иблис, иблис, иблис у!—

Чанг солмоқчи у

Бу муқаддас қабрга, имонимизга!
Нажот йўлин ахтаринг мал'ун шаридан.
Оҳ, софдиллар, мушкул иш тушибди бизга!⁴
Шайхлар, хурофотчилар қотади бир зум,
Бошлар ичида, гўё ургидай яшин.
Мактаб, клуб, тўгарак, Ҳамза ва ёшлар
Қуршар уларни гўё.

Ҳалокат яқин!

Йиқиладельтир гўё мозор, хонақо.⁵
Текин, тотли луқмага кимдир солар чанг...
Мол-мулк ёнғинда, ёнар суяклари ҳам.
Кўршапалаклар нурга очмоқчилар жанг.
Ҳамзани қарғайдилар қўл очиб бирдан:
„Даф' эт иблисни биздан эй худовандо!“
„Яксон эт сакбаччани, ё Шоҳимардон!“
Қарғишга қўшилади гурлаб хонақо...
Мана эшитилади сиртдан мағрашлар
Югуришади шайхлар қувиб бир-бирин.
Башаралари бир зум авлиёнамо.
Зиёратчилар турар эгишиб қаддин.
Ҳар шайхнинг кўзи ёлғиз эчки, қўйларда.
Бир-бирига ўқрайиб талашар назир.
Бир-бирининг қўлидан юлқигидай пул.
Чўккалаб эмгудайдир келса бир сигир!

* * *

Ойдин кеча хуснини кўр бу диёрда,
Бир хўрсиниб ёдлайсан умрбод уни.
Хаёлий шакл олар қорли чўққилар.
Нақадар сирга бойдир ойнинг ўйини?
Қоялар қанотли дев, ўпқинликлардан
Қайгадир учаётир, бошқаси ана
Туттиш учун узатмиш гигант қўлларин.
Кал сиртлардан боққандай ҳар нав' башара...
Ўрлар, жарларда сузар кўлка булутдай.
Бужур харсангларда сув ёнар нақ олмос.
Оғочлардан ой нурин қоқади шамол.
Шунча булбул! бир дарахт хофизсиз эмас...
Ҳамза гоҳ хаёл сураб, гоҳ юради жим.
Янги ше'рларни ушар қоғозда шамол.
Қофиялар галаси шоир бошида.

¹ Чўлда ўсадиган жуда пишиқ дарахт.

Тоғ бошида юлдузлар ёнгандек хушҳол.
Гоҳо бехосдан учар лабларидан куй.
Янги оҳанглар сирҳи қучади бир он.
Қайдан келди қўлларга скрипкаси?
Қиллар дилбар янграйди куйлагандек жон...
О, мусиқий! — Шоирнинг қалбида мудом
Куйловчи садоларнинг мавжи лиммо-лим.
Қўқоннинг қинғир ва чанг кўчаларида
Ялангоёқ болалик ўтар экан жим,
Илк, ше'рларнинг илҳоми садоларнинг ҳам
Севгисин очмишди бола шоирда.
Унинг қулида қайси чолғу сайрамас?
Устоз кўрмай, чин устоз бўлди охирда...

Шамол елпади қорли тоғлар нафасин.
Жунжийди, уйқу келмас. Шоир ёп-ёлғиз.
Ўтиради сайр этиб манзараларни.
Дам хотиралар босар ёрқин ва чексиз.
Хотирдан кечар мактаб, салладор домла,
Узун беҳи таёқнинг зарбаси, шовқин.
Қари табиб отанинг панд насиҳати.
Чанг кўчаларда, ясси томларда ўйин,
Мадрасада дилни хун этган пуч дарслар...
Илк севги қийноқлари. Паранжили ёр!
Узоқ, яқин шаҳарлар. Илм гадоий.
Тентирар — на муаллим, на китоблар бор...
Она Ватан саводсиз, ҳаёт жаҳаннам.
Элатларнинг юзидан тўқсони қашшоқ.
Халқига бахт, юртга шон қидирди, брок
Ҳар ерда кўрди жабр, ҳақсизлик, ситам...
Ўмиди халққа хизмат —

Ба'зан адашди:

Қаҳрамон атагани — разил бир қўрқоқ.
Халқ отаси дегани — олчоқ ва расво.
Ўксинди, тун қўйнида излади чироқ...

Бу қандай кун? Дун'ёнинг силкинди таги.
Ҳаёт бўйнидан тушди қора занжирлар.
Минг йилги орзуларнинг ёлқинларидан
Туғилган қуёш эзик дилларни силар...
О, у кунлар! —

Ҳамзанинг боши осмонда.
Ишчиларнинг маш'алидек ол байроқлари
Остида дадил юрар озод халк блан.
Юрагидан кўчган ғам қатқолоқлари...
Шоир ва композитор ҳаяжон блан
„Интернационал“ куйлар. Уйда Ленин —
Сузук кўзларин ташлар унинг ше'рига.
Қалбида қўшиқ гуллар, ғайрати тошқин...

Уфуқлар очик, ер-кенг, Октябрь — байроқ.
Большевикча ҳамла эт, жанг қил, мактаб оч.
Эски дув'ёни ур,
йиқ,

ўчсин қораси!

Советларга ким қарши, аямай ўқ соч,
Қарши турган буржуйни шартта-шартта от!
Илк қизил қўшиғида шоир ҳайқирди.
Янги ўзбек ше'рининг бу темир гули —
Синфий жанг қуроли — тарихга кирди.
Кундан-кун кучли, гўзал ҳаёт тўлқини.
Ҳамза дам мактабда-ю дам театрда.
Саҳна-чун ёзар, ўзи артист, режиссёр.
Сан'атга ишқ руҳида ва жон томирда...
Фронтларда хатарга отар ўзин.
Оқлар пулемётидан кўк карланаркан,
Қизил ботирлар руҳин тоблар сан'ат-ла.
Атакада ўткирди сўзи нўйзадан...
Қора кучлар бошини совет янчиди,
Фронтлар бирин-кетин келтирар зафар.
Москва ғамхўр она қучар халқларни,
Бахтли ҳаётга, нурга, ижодга йўллар...
Фарғона кўкида ҳам кўчар фиғон, дуд.
Босмачи парчаланган. Тинч куйлар деҳқон.
Мана Ҳамза Самарқанд боғлари аро
Юради дўстлар блан хурсанд ва ҳайрон.
Қадим шаҳар! —

О, ҳаёт қандай ёш, гўзал.

Ҳарёқда қувноқ, эркин ёшлар беҳисоб.
Деволлар орасидан чикибди қизлар,
Юлдузланар кўзлари, қўлларла китоб.
Қадим, юксак пештоқлар остида, кўҳна —
Чинорлар соясида, билимга чанқоқ
Дарс тайёрлайди улар. Хиёбонлардан
Қўшиқлар юксалади жонли ва қувноқ...
Ёш пойтахтда чарлайди Ҳамзани раис.
— „Халқ шоири унвони бўлсин муборак!“
Шоирнинг қўлини сиқар ота, дўст каби, —
Охунбобоев Йўлдош — кечаги батрак.

Хотираларда яшар — кўп юрган, кўрган...
Кечирмишлари „Сомон йўлидай“ чексиз.
Онлар кечирар — онлар аччиғ ва ширин.
Севгилар, айрилиқлар...

Гирдоб — гирдоб ҳис!

Ногоҳ у уйғонгандек бўлади тушдан:
Тепасида туради Ҳатам ва аёл.
— „Адашибди қидириб. Яхши йўлиқдим.
Арзи бормиш опанинг...“ дейди комсомол.

Дил хаприғи сезилар паранжидан ҳам,
Уҳ тортар, ҳадиксираб боқар, у ҳайрон.
— „Дардим кўп, қайбирини айтай!“—дер хотин.
Сўнг очар сирни, аста кўтарар чочвон.
Сўзларининг ёлқини ошар ҳар минут.
Гоҳ қайнайди кўзларнинг қора булог.
Гўзал юздан ойдинда томар суюқ нур.
Гоҳ рўмол-ла елпинар ёнгандек чоғи...

Бодом туғилибди-ю, бахт не билмайди.
Насиб бўлмайди она сутига қониш.
Бешигин тебратибди ёт, золим қўллар.
Боши узра „алла“мас, ёғибди қарғиш.
Тақдир қаҳрига боқмай яшабди қизча.
Етаклабди чоракор ота кўп йиллар.
Ёз дала-даштда, кир-чир,

сочлари жизғинак.

Ота оғир меҳнат-ла топар юндилар.
Қишда уларга маскан — бой отхонаси.
„Ичкари“нинг зуҳмидан қизча дили хун.
Ёш юзин безамабди бир он табассум.
Бу етмагандек, бало қақшатар бир кун:
Отани босмачилар ўлдирмиш йўлда...
Урибди ҳар эшикка қидириб юмуш
Ўн якки ёшли сўққа бошини етим.
Ўн бешда қаря шайхга „назир“ этилмиш.
Ҳам чўри, ҳам учинчи хотин...

О, қисмат!

Олти йил заҳарлабди „эшон ойилар“,
Замон оғир, қочар, деб қари мунофиқ,
Қамаб қўяр: финг десанг бошинг чопилар!

Шоирнинг киприклари ёнар ғазабдан.
Ҳатамжон дер: „Биласиз ҳов чойхонада
Бир куни ҳаммамизга заҳар сочган шайх...“
— „Сизга келдим, қутқаринг!“ — дер Бодом яна —
Уйда сизни эрта-кеч тинмай қарғашар.
Шундан билдим, бу одам — яхши, раҳимдил.
Фирқа деганлари шу, дедим-да, келдим...“
Ҳамзанинг юзларида табассум енгил:
— „Оппоғим! дер туриб у,— энди сен озод.
Қуёшга интил энди. Сен — халқнинг қизи!
Тошкентга юбораман, ўқи мактабда.
Сянглим бўл, унутмайлик бир-биримизни!“

Бағрига олар уни шоир хотини —
Сўзи, хулқи ўзбекча рус аёли у.
Ҳамза ойдинда кезар енгил, илҳомкор.
Йўлайди: „Бодом — артист! Саҳна гули бу!“

Бир кун тонгда қишлоқнинг азаматлари
Тоғлар сари тирмашар дадил, вақти хуш.
Елкаларда кетманлар ва қўлларда лом.
Шундай бир тонг бошланар

сув учун юриш!

Илгарида Бошоқбой ва шоир-мироб.
Тоғ оралаб у борар чўпондай эпчил.
Юрагини қучгандир севинч, ҳаяжон:
Эл азм этди — ешилар энди тош чигал!
Мана сув! Азиям тоғлар сирли қўйнидан
Сирли йўллар блан сув силжиб бирикар.
Қояларнинг дев танин ювиб, инжудай
Ўқинларга сочилар, яна терилар.
Ҳамза оппоқ тошқиндан юлар бир ҳовуч.
Ҳалқумини кесади, сув муздай, тиниқ.
Сув йўлини шоир-ла режага олган
Чол деҳқон дер:

„Бу ердан қазилгай ариқ!“
— „Қарининг билганини билмасмиш пари —
Ҳамза силар кексанинг кўркам соқолин.
Туй ё байрам сингари ҳамма руҳли, шод.
Асбобларни шайлашар аҳил ва шошқин.
Каптларин ишқаб шоир урар илк кетман:
— „Янги ҳаётга, бахтга хизмат қилсин!“ дер
Чатнайди тош парчалар ҳар томон чарс-чарс.
Сунг лом блан қўпорар харсангни шоир.
Бошланади қизгин иш, ломлар ўт чақар.
Кўтарилади шундай меҳнат сурони.
Қўлларнинг мускуллари қайроқдай маҳқам.
Ҳаракатлар, ҳамлалар, саслар бурони...
Кетманларнинг яшини ўйнар ҳавода.
Томчилар оқар тинмай қизгин манглайдан.
Бу — ариқ қазिश эмас, тош тарнов йўниш!
Броқ, ҳечким демайди: бу ташвиш қайдан?

Мана илғор Бошоқбой, комсомол Ҳатам,
Қўпорадилар тинмай харсанг пайдар-пай.
Куч, чидамлик, жасорат талашар ҳар ёш.
Зарбалардан олисда гумбурлар Олой.
Шоир елкасин силар содда бир деҳқон:
— Бас! — Бас! — дер у меҳр-ла — иш ортмас биздан.
Сизга қалам ярашар, қалам — му'жиза.
Юқори ҳечнима йўқ қаламингиздан!

Тоғлар учидан майин кўкимтил туман.
Кўз илғамас баландда сузади шунқор.
Бужур, қора бир қоя остида шоир

Дун қумғонлар қайнатар. Тутун ва шамол.
У тиз чўккан қабариқ қўллар иякда.
Ҳорғин кўзларида бор умид, чуқур ўй.
Ватаннинг гўшасида у эмас ёлғиз,
Эл блан у бошлади бу кун сулум тўй...
Деҳқон илтифотини ўйлайди ҳамон:
Мақтаб гардин тотмаган саҳройи оми
Қўпол тошлар ичига сингган олтиндек,
Унинг юрагида ҳам халқ донолиги...
Баҳор бўз дашт — чўллардан гул ундиргандай,
Большевиклар ғояси халқ кучин қўзғар.
Шарқнинг тунларин мангу ёритган улуг —
Кунлар қурмоқда бунда фаровон рўзгор...

Дун қумғонлар биқирлар ўзишгандай тез,
Шоирни қучган севги, хаёллар каби.
Тоғлар белин камардек чирмайди ариқ.
Қацоқ далада яшнар ҳаёт гулшани!
Социализм даласи шоир кўзида:
Бахтини ундирмоқда боши тик инсон.
Қабарган қўлларига шоир бир нафас
Қарайди: „Ошмоқ керак ҳали кўп давон!“
Шунда суронлар аро учар бир қўшиқ.
Сесканиб бутун кўнгил, бадан жимирлар.
Беихтиёр, жимгина қўзғолар Ҳамза.
Қулоқларига қўшиқ шивирлар сирлар...
Суронлар орасидан юксалар қўшиқ.
Илк баҳордек садолар сузар ҳавода.
Тонг нурлари блан у ювгандек жонни...
Қандай қўшиқ? — Сўзлари ўтдек-ку, содда.
Ҳайрон ва ҳушсиз бўлиб йўлланди шоир.
Қандайдир хаёл тушди имлаган каби.
Мағрур чўққилар куйга шунғийди гўё.
Ким куйлайди? —

Ҳа, ана жар лабидаги

Гул буталар ичида қазучилардан —
Қўсқни тўнли, қалпоқли кўримсиз деҳқон!
Куй тинди. Сўрар шоир: „бунни тўкди ким?“
— „Кўнгил бир сайради-да!“ — дер хофиз хандон.
— „Ҳай, олиб кел танбурни!“ — қичқирди Ҳамза.
Қани, ўтиринг, хофиз, қилайлик бир машқ“.
— „Ишдан қочиб“ —

— „Иш унар қувнатсак элни.
Товушингиз асил. Булбул арзир қилса рашк!“
Мана жаранг сайради танбур ҳавода.
Шоир боши тебранар майин, оҳангдор.
Қалпоқни лаган этиб куйлайди деҳқон.
Қопчиғайлар янграйди. Эл дер бахтиёр:
— „Яшанглар, ҳой яшанглар!“ — иш қизғин яна.

Тошдан чанг, кетманлардан сочилар учқун.
Бошоқбой, ёшлар ишлар жар тепасида.
Тер мўл, юраклар куйдан баҳордай гулгун...

* * *

Хўмрайган эди тоғлар шом қорасида
Жимжитликка қуйилар пастда тегирмон.
Зир югурар қишлоқда паст-баланд ошиб,
Қари шайх, боши оғир —

Салласи чўян!

Ғазабидан кўзи ҳам, ҳассаси ҳам кўр.
Қайдан топсин Бодомни, гўзал чўрини?
Аравага тушиб у жўнади бугун,
Паранжисиз, шод, мағрур...

Уйнинг тўрини

Берсин, ялинсин унга кайтмайди Бодом!
Ўқийди, фирқа бўлиб келади бир кун.
Тош чақади шайхларнинг бошида у чоқ.
Қасдан ёпишар унга ҳаммадан бурун.
Қандай қочди қамоқдан у мохов бўлгур!
„Нега осмадим ясаб сочидан арқон?“ —
Соқолларини чайнар, кўзи тўла дуд.
Ичида тўлғонади оғули илон.

Қави, Ҳамза бўлса-ю, заҳрини тўкса...

Қарғар ва ҳасса блан у ерни савар.

Ана қоронғилиқда одам шарпаси.

Тепадан қор кўмадай салла юмалар.

— „Юринг, бир маслаҳат бор, — дер мутавали. —

Шайхни ҳушга келтирар сирли бир шивир:

— „Фарғонадан келибди яширин вакил...

Ишимиз ўнг, Ҳамзанинг таги бўш, тақсир“

Қоронғида юришар пусиб ўғридай.

Мана қарши тепада милтирар чироқ.

У ердан оқар майин шоир чертган соз.

Шайхлар, қарғар, шивирлар...

Соз учар янгроқ.

Ватанфуруш у вакил жарда, панада,

Ўқдиради режасин — дарғазаб, бўғиқ.

Қорли чўққилардан ҳам ошиб, юлдузлар —

Чаманига юксалар соз, эркин қўшиқ...

* * *

Жонли каштасин йиғиб ўтар олтин ёз.

Чўпон пўстинга, тоғлар кирар туманга.

Зикр тушган хонақо сингари шамол

Совуқ гувуллар, ҳаво тўлар ҳазонга.

Хонақо ҳам гувуллар, авжида зикр.

Гир айланар юзларча салла давраси.
Зулук қошин чимириб гердаяр эшон.
Хириллайди „ху-ху“лаб унинг подаси.
Муридлар қонин сўрар тасбиҳдор бўри.
Ҳар сўзи томчи заҳар дилга, мияга.
Бўғилади „ху-ху“лаб катта оломон.
Эшон буюрар: йиғланг, уринг сийнага!
Мана қуршар уйдирма қабрни шайхлар —
Ҳарбири сафсатанинг мутахассиси.
Уларнинг қармоғига илинар дарров
Косиб тўни, деҳқоннинг сўнгги эчкиси!

Шу қишлоқда „Оқ сув“нинг нари ёғида,
Бир том узра ҳилпирар олов ранг байроқ.
Бунда ҳаёт, ақлнинг қуёшдор йўлини
Очмоққа азм этади меҳнаткаш қишлоқ.
Бунда янграр чолғулар, қўшиқлар баланд.
Пардаларда учаркан сихрли, енгил,
Деҳқонча чўнг бармоқлар — Ҳамза ҳам ҳайрон.
Шогирдларини тинглаб ким демас: „Қойил!“
Қақраган ариқларни сув яшнатгандек,
Чорақор, батрақларнинг гуллар юраги.
Қалпоқлар ва телпақлар тебранар тивмай,
Бужур юзлар, соқоллар нурланган каби...
Чолғу тинар.

— „Ҳай, дўст! Дўст!“ —

Ҳайқирар Бошоқ

Столга маҳкам тираб чўнг муштумини —
„Ҳамза аканинг пича сўзлари бор. Жим!“
Эл нафас олмай тинглар шоир нутқини...

Ҳар содда сўзда тошар ма'но, ҳаяжон —
Замон аҳволи, янги ҳаёт талаби,
Билим, совун, техника, ҳаммом, музика
Фойдаларини жонли тасвир этади.
Омоч-ла тракторни қилади қиёс.
Ба'зан нутқини безар ўткир латифа.
(Кўкраклардан портлайди қаҳ-қаҳа бир зум).
Гоҳ шайхлар биқинига санчади найза...
Сунг, ўртага ташлайди „артель“ сўзини.
Уқдиради меҳнатда бирлик ма'носин.
Чорақор, каррандалар ялпи жонланар.
Шоир байроқдай тикар „артель“ шиорин.
— „Халқ! Артель бўламизми?“ — қичқирар Бошоқ.
— „Бўламиз!“ —
— „Қани ўзи?“ — гурлар оломон.
— „Артель бўламан, деган, қани қўл кўтар!“
Ўттиз қўл — азамат қўл юксалар шу он,
Бошланар чойхонада, кўчада гап-сўз.

Болалар қариларга, қарилар вазмин
Уқдирар кампирларга соқолин қашиб.
Ҳамма дейди: ҳеч шундай бўлмаган йиғин!

Бошоқбой шоирга дер ҳаяжон блан:
— „Мен номига хурсандман. Қандай ном! —

— „Ҳамма яхши ишларнинг боши — ^{„Ўртоқ!“}уртоқлик“ —
Дер Ҳамза кулимсираб, қўлида дутор.
— „Ўртоққа“ от-арава эмас ясоғлик.
Уруғлик, ҳўкиз, бино... Эҳе тоғ-тоғ иш.
Биз ҳозирдан тузайлик „Ўртоқ“қа рўзғор,
Юрнинг ботирлари!“ — дейди Бошоқбой қайноқ..
Йигитлар бошида у жўнар — зўр, бўйдор.
Шоир боқар, табассум рангпар юзида.
Сўнг, бирдан бормоқларин узар дутордан.
Бошоқбойлар изидан югурар енгил.
Броқ ўзи хабарсиз уйда рўзғордан...

* * *

Қишлоқда зўр тантана. 8-нчи март!
Ҳавода байроқлардан олов чайқалар.
Аёллар тўда-тўда тоғдан — қўйдан.
Қаршилар уларни куй ва шўх садолар.
Ҳамза яна минбарда. Келишган, адил.
Беқасам тўнда ёнар кўклам қуёши:
Ёнида комсомоллар — тоғлик ёш бўғия,
Хотини, ўғилчаси, жасур йўлдоши —
Бошоқбой. Ерда, тошда, тепа—қояда
Деҳқон аёллар, қизлар, ҳатто кампирлар..
Аёл эрки, ҳўқуқи, паранжи туви
Ҳақида шоир тўляб — тошиб гапирар.
Ёшлар ёқади гулхан: зулматни ёндир!
Бир қиз паранжисини отар латтадай.
Қарсақлар ва кулгилар, музика блан
Бошлардан ўтга учар чимматлар талай..
Олов гувуллаб ҳар он юксалар баланд.
Асрларнинг зиндони, кўз ёши, дарди,
Чўрилиқ насибаси гур ёнар. Кулин —
Совуради илк баҳор ели жар сари.
Тоғ оралари тўла ёш, ёрқин қўшиқ.
Ҳамза созида учар зафар садоси.
Қуёш ва кўклам кулар эркин дилларда.
Бошларда байроқларнинг лола даласи.
Инига ўт кетгандек сарсон, беқарор
Шайхлар, қулоқлар изғиб, элни қаргайди..
Кошки тоғлар ногўхон ўрнидан кўчиб,
Байрамчилар устига ағдарилсайди!
Ҳар тошнинг орқасидан илон боқишлар

Жарларда йиртқишлардек эшонлар изғир.
Баланд тоғларни қучар шоирнинг сози.
Шайхларнинг ўрони¹ бу: уни ур, синдир!

* * *

Артель чойхонаси бўш. Бор „Ўртоқ“чилар
Кеча кўчган қайроқ ер эгаллагани.
Қорлари чақнаб, тошқин югурган тоққа,
Очылган деразада кўклам елкани.
Гидамда қуёш сариғ мушуги ухлар.
Чойхоначи жим тинглар—самовар ғингшир.
Ҳамза кўк чой ичади қуриб чордона.
Гоҳ ўғлини эркалар — бола шириндир.
Буқун қайтган Қўқондан — катта йиғиндан.
Айтгулик гаплари кўп, фақат йўқ „Ўртоқ“.
Бошоқбой Фарғонада.

Бирнеча ёш дўст
Ҳозир кетди тепага. Жангда бу синоқ.
Ҳозирдан юлинажак мазор „безаги“:
Девларнинг соқолидай от думи, туғ, ҳам
Қўчқор шохлари, минг хил латта-путталар.
Шайхларга назир бугун топажак барҳам!

Шоир қарордан мамнун. Ғалаба блан
Дустларини биров сўнг табрик этажак.
Кейин қувилур шайхлар.

Қабр ғиштлари
Комсомоллар қийқириб жарга тўкажак!
Ҳамза мамнун. Силайди ўғилча бошин.
Юрагида мавжланар ҳарвақтги орзу —
Ўзбекча бир опера яратиш ўйи.
Бу ерга келтирган дард эмасмиди шу?
Қаҳрамонлари куйлар унинг кўксиди.
Не қилсинки кураш зўр, соат шошқолоқ.
Яна пианиносиз. Бу ҳақда ёзди.
Самарқандга неча бор хат варақ-варақ!
— „Ҳаммаси бажарилур —

Қайнасин кураш!
Сан'атим қадрлайди халқ ва партия.
Мен халқ шоири! — берди бу унвонни ким?
Анав комиссар эмас... Берди партия!“
Ҳамза мамнун, бахтиёр, қалб тўла ишонч,
Ўғилчани эркалар, ширин ва қизиқ
Бир қўшиқ ҳам айтади гўдак тилида.
Нима бўлди? — Олисдан ваҳим қичқирди...
Ҳамза лой, кўлмак кечар, тошлардан сакрар:

¹ Пароль.

„Кўтаргандир-да очкўз махлуқлар жанжал“
У далада борар. Лекин мана олисда
Шовқинлар ҳам тингандек... Соз, масала ҳал!
Нима бу! Ер тубидан бош кўтаргандек,
Қаршисида бир тўда таниш балолар:
Шайхлар, хўжалар блан қўй тери кийган
Каллакесарлар тўпи.

Кўзлари ёмон,
Товушлари хириллар ғазаб зўридан.
Қийшайган юзларидан қўрқар йиртқич ҳам!
Шоир тўхтади ҳайрон.

Сўнг боқди дадил.

Билди иш ёмон.

Ёлғиз, ёлғизди шу дам!
Қани бўлса Бошоқбой ва қўшчи дўстлар!
Пайит пойлабди душман маккор ва қўрқоқ.
Шоир боқади жасур,

қалб тўла нафрат.

Бирдан тош тўпалони — қора қалдироқ...

* *

Она тупроқда шоир ётибди баланд.
Бир-биридан чўққидор тоғлар давраси
Та'зимкор қуршобди эрк ва нур куйчисин.
Тоғлардек юксак, маҳкам халқ хотираси!
Қалбимиз тўла севгинг, кучоқларда гул,
О, Ҳамза биз бош эгдик қабринг олдида.
Бир қабрки, ҳамиша ҳурматга лойиқ,
Наслларнинг ҳамиша хотирасида.
Қонинг блан кир доғни ювдинг ҳаётдан,
Кураш ўғли, зулматнинг ботир душмани!
Зафарларинг абадий шонланди „Олой“,
Оғушидан ҳайдадинг чиркин кўлкани...
Сен қўшиқ қанотида учдинг қуёшга.
Ҳаёт далаларига меҳрингни элтар —
Сен қаздирган бу ариқ жонли куй блан.
„Ҳамзаобод“ да ҳаёт кун сайин сербар.
„Ўртоқ“ гуллайди, дўстлар ватанда шондор —
Жангда, меҳнатда бари асил қаҳрамон.
Ҳаёт, нур тантанасин кўйлаб насллар
Ўтмоқдадир ёнингдан сенга ўқиб шон!

1948 йил, август
„Қибрай“

ШАЙХЗОДА ШЕ'РЛАРИ

БУЮК ОКТЯБРЬГА

(Музыкали баллада)

Кўп қадимий замонлардан,
Тарихлардан, афсоналардан,
Башарият излади толи'
Бир толи'ки, Зухрадай олий
Излади уни,
Кўзлади уни!

Билмадики, у қайси жойда,
Пайдо бўлур у қайси ойда,
Қайси йилда туғилур толи',
Бир толи'ки, Зухрадай олий.
Излади уни,
Кўзлади уни!

Йиллар ўтди қаторма-қатор
Билмадики, тонг қачон отар,
Асрларга кўз тикди асир,
Одамзодга ечилмади сир.
Излади уни,
Кўзлади уни!

Ленин келди ёриди дун'ё,
Сталин келди ёриди дун'ё,
Одамзодни бахтга қўллади,
Хурриятга, эрққа йўллади.
Йил шу йил, деди,
Шуни бил, деди.

Русиядан келди башорат,
Чин умрга ундан ишорат.
Одамзодни бахтга қўллади,

Ҳурриятга, эрка йўлади:
Жой шу жой, деди.
Ой, шу ой деди.

Тарих сирин қилдилар та'бир,
Изланган ой чиқди Октябрь,
Удир барча ойлардан ширин,
У ечалди тарихнинг сирин.
Сенга йўл, деди,
Озод бўл, деди.

Ўттиз бир йил Октябрь яшар,
Унинг умри юзлардан ошар,
Йиллар сайин порлайди шу ой,
Осмонда яшагандай ой.
Шу Ватаннинг латофатига,
Октябрнинг шарофатига:
Деймиз: офарин!
Деймиз: офарин!

ОҚШОМ

У қирларда эркин шаббода
От ёлининг торларин чертар,
Сўнгра ўйнаб бир паст саҳрода
Сайхун томон югурар — йўртар.
Яйдоқ елга отланиб чопар
Ҳур элларда оқшомги лапар.
Куркулдакнинг нари ёғида
Кўкимтил чанг қалқар уфуқда,
Милтиллайди колхоз боғида
Электрик нуқтама-нуқта.
Видо'лашиб кетганда балки
Йўлга чиққан бир ошиқ каби —
Офтоб шунча қаттиқ ўпганки,
Қонагандир булутнинг лаби.
Бўстонларнинг базму тўйдан
Қумриларнинг „ҳу-ҳу“си келар.
Адирдаги хирмон бўйдан
Шўх қизларнинг кулгуси келар,
Пахтакорни, ғолиб колхозни,
Жануб кузин, чинни тарбузин,
Ҳовузни ҳам, ану қизни ҳам,
Чўққисоқол дўст — раисни ҳам,
Ойни, сувни, боғни, булутни,
Фақат севмак мумкин бу юртни.
Ҳаммасига муҳаббат ширин,
Сўрасангки: айтиб бер сиррин —
Дерман: бари сенга аён-ку,
Бу ер, бу эл бизники мангу!

МИРЗА

Кўп соатлар кутдириб турган
Ҳар образни шоир севади,
Севганидай милтиғин мерган,
Қизнинг гулга сиғгандай ҳадди...
Рақамлар-чи... Қуриқ сонлар-чи...
На атри бор, ва на куйлайди,
Йўқ азизим, сонларда гарчи —
Қофия йўқ, аммо суйлайди,
Балки уйлайди.

Бир Мирзани танир эдим ман,
Колхозда у саркотиб эди,
Жадвалида рақамлар қасддан
Қучоқлашиб саф тортиб эди:
— Бу сонларни сиз қуруқ деманг,
Ашула ҳам, палов ҳам бундан.
Тандирдаги олов ҳам бундан,
Ше'рингиз ҳам бундандир дейман.
Қачон ёзсам қоғозга „юз“ деб —
Севинчимдан тунда йўқ уйқу,
Биласизми ишга зафар эп,
„Зафар“дан хуш, ширин хат йўқ-ку!

Хирмонларнинг тарозусидан,
Аравалар ҳой-у-ҳусидан,
Пахталарнинг оқ чўққисидан
Мирза дили бағоят хурсанд
Одамларга мафтун, ихлосманд,
Ҳу... пахтакаш карвонлар юрар,
Мирза эса жадвал тўлдиран.

ҚУЁШ, ОЙ ВА ҚИЗ

(Пахта балладаси)

Уфуқдан илк кўз ташлаб қуёш —
Кўрди: қирда эпчил қиз ишлар,
— Бу қандай гап, бу қандай бебош?
Нега мендан рухсатсиз ишлар?
Мендан олдин уйғонибди-ҳа?
Бир қочириб қилайин хафа!
Жаҳл блан ёғдиран қуёш —
Шу'лаларин... Ҳаво дим, иссиқ,
Аммо қочмас даладан „бебош“,
Йўқ, қиз ғоят дилшоддир... Қизиқ!
— „Офтобжон, кўп раҳмат—дейди —

Бохудага димоғинг куйди!
Кунга қараб салом беради,
... Пахта теради.

Тоғ ортидан ўрмалаган ой,
Кўрдик, қиз мунтазир унга.
— Бу қандай гап, ишлар пойма-пой,
Фарқ йўқмикин кундузга, тунга?
Шабистондир менинг диёрим,
Осов қизга ташлай кўрпамни.
Ухлатмоққа бор ихтиёрим,
Айтиб берай сутли алламни,
Ой сепад кумушранг нурын,
Шароб қадар уйқубахш, лазиз,
Туш париси қўнмасдан бурун —
Лекин ўйлар режасини қиз.
Жилваланар ёруғда олам,
Нурга тўлган қизнинг қалби ҳам.
— „Моҳтобхон, кўп раҳмат, — дейди, —
Хизматингга дил сени суйди!“
Ойга қараб саломни беради,
... Ялла кўтарар.

„Ўжар“ қизга етолмай кучи,
Бирон чора топмоқлик учун,
Кўк қасрида кўришиб хилват
Қуёш ва ой қилишди суҳбат.
Қарор чиқди: бу совет қизи,
Биздан доно, ернинг юлдузи.
У юрт эмас бизга бегона,
Биз ҳам бўлсак қизга дугона.
Қуёш деди:—унга бағишлай
мардлик мажолин!
Ой дедик:—унга бағишлай
қизлик жамолин

НАФИСАХОН

У ҳамиша йўлчи булутлар,
Куз фаслидан элчи булутлар —
Парча-парча осмонда сузар,
Кўк қизининг жамолин тўсар.
Қизарибди ўрик барглари
Кўп ўтмайин сарғаяр, тушар,
Боғнинг гулдан холи арклари —
Келаси йил меҳрида яшар.
Нафисахон пахтазор бўйлаб

Юрар,

кўрар,

тинмайин терар,

Ҳассос, нозик қўлларин шайлаб

Тинмай терар, хирмонга берар.

Либосининг бичими десанг:

Шаҳарлик қиз, толиба балки,

Лабхандаси шунча гўзалки,

Дерсан: „кулгинг блан бўл эсон!“

Қайси базму-зиёфатни, деб,

Чиққан экан шу узоқ йўлга!

Ким ва'да этган унга зийнат-зеб?

Ё келгандир ишқий висолга?

— „Йўқ оғажон, мен ҳам теримда.

Ўзга эмас шу Ўз еримда.

Онам менга айлаб ҳикоят:

Қонли уруш чоғида деди,

Биз шаҳарда қийналгач ғоят

Колхоз аҳли ғам еган эди.

Улар бизнинг аҳволни билди,

Лазиз мева, озуқа келди.

Бир оила шаҳар ва қишлоқ,

Ишда, тўйда, курашда ўртоқ.

Ҳозир мен ҳам бу теримга банд

Ҳар очилган кўсакдан хурсанд!“

Деб юради оралаб гўза

Ҳордиқ куни гўзал Нафиса.

ҲАМИД ҒУЛОМ

ОЛМОС ҚИЗИ*

Повесть

ИККИНЧИ БЎЛИМ

1

Разведкачилар бўлинмасидаги 11 жангчи ичида Степан блан Йигитали бир-бирларига жуда суюнишиб қолдилар. Улар иккови ҳам илгари мерган бўлган, шахсий ҳисоб дафтарида анчагина ўлдирилган фрицларнинг сон-саногини ёзилган йигитлар. Йигитали ҳам, Степан ҳам шу бўлинмада бир йилдан бери хизмат қиладилар. Разведкага ҳам кўпинча иккови бирга бориб-келади. Аммо буларнинг қадрдонлашиб қолишига бошқа сабаблар ҳам бор. Улар иккови суҳбатлашганда, бошларидан кечган саргузаштлар бир-бирига жуда монанд бўлиб чиқди.

Улар иккови бир-бирининг кўнглига йўл топди. Аслида, иккови ҳам урушгача колхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. Степан Кубаньдаги „1-Май“ колхозида, ғалладан рекорд ҳосил олиб, донг чиқарган. У — қизиқ табиатли йигит. Урушдан қайтиб борганимда тақаман, деб Ленин орденини онасига бериб келибди.

Степан Катерина деган ёш ўқитучи қизни яхши кўрар экан. Эртага тўй деган куни уруш бошланибди. У, Йигиталига қараб:

— Сен бир кеча роҳат қилипсанку, биз доғда қолдик! — деб куларди.

Йигитали блан Степан бу кун ҳам ўрмон ичидаги блиндажда ёнма-ён ўтириб овқат едилар. Йигитали Степаннинг ҳам котелогини олиб бориб, овқат суздириб келди, бу гал ҳам иккови жавдар нон блан ёғлиқ бутқани еб ўтирганда, Степан гап бошлади:

— Солдатмиз, ўртоқ. Солдат деган гапда ма'но кўп. Я'ни Ватанимизнинг таянчимиз. Тушинасанми? — Степан Йигиталига қараб қўйиб, гапини давом этдирди. — Ўртоқ Сталин ҳам бизга ишониб: енгамиз, деди. Керак бўлиб қолса, солдат жонини ҳам аямайди. Кеча менга автомат тўғрилаган новча немисни сен

* Боши 10-нчи сонда.

отиб ташладинг. Чунки солдат солдатнинг қадрига етади. Раҳмат, ўртоқ...

Буларнинг олдига Ваню Кецовели келди.

— Кацо, — деди у қувноқ йигит. — Чекамизми?

Степан шинелининг чўнтагидан махорка халтасини олди. Булар учови махорка ўраб тутатдилар. Степан зажигалка ёқди. Улар чекдилар. Степан шундай тортдики, махоркадан олов чиқиб кетди.

Шу вақт бўлинма командири сержант Приходько блиндажга кириб келди. Жангчилар ўринларидан турдилар.

— Капитан Давидовдан буйруқ бор, — деди сержант. — Учовингиз ҳозир унинг блиндажига боринглар.

Учала жангчи баравар:

— Есть, борамиз! — деб жавоб қайтарди.

Разведкачилар ротасининг командири капитан Давидов булар блан узоқ гаплашмади. Ҳол-аҳвол сўради. Ҳар учала жангчини бошдан-оёғигача тикилиб кузатди. Кейин:

— Қани, кетдик! — деди.

Улар блиндаждан чиқиб, қор босиб ётган „виллис“ машинасига ўтирдилар. Машинани капитан Давидовнинг ўзи ҳайдаб кетди.

Машина ўрмон ёқалаб узоқ юргандан кейин, яна ўрмон ичига кириб, ёғочдан ясалган кичик бир уй олдида тўхтади. Капитан Давидов соқчига парольни айтди. Жангчилар машинадан тушиб, капитаннинг орқасидан уйга кирдилар.

Капитан Давидов генерал Петровга доклад қилди:

— Ўртоқ генерал, дивизия разведкачиларидан Степан Тарасенко, Йигитали Полвонов, Ваню Кецовелиларни олиб келдим.

— Яхши, — деди генерал, капитаннинг орқасида қотиб турган жангчиларга қараб. — Утиринглар, ўртоқлар!

Аввал капитан, кейин жангчилар тахтадан ясалган скамейкага ўтирдилар.

— Сизларга топшириқ бераман. Дивизиямизнинг муваффақияти шу топшириқни бажаришингизга боғлиқ. Топшириқнинг муҳимлигини шундан ҳам билсангиз бўлади.

Йигитали генералнинг опшоқ сочига, мош-биринч қошларига тикилиб, унинг босиқ, вазмин сўзларини тинглар, бу сўзларни мяясига бирма-бир жойлар эди.

Генерал ўрнидан туриши блан, Давидов блан жангчилар ҳам ўринларидан турдилар.

Петров деворга тортиб қўйилган пардани ширр этиб тортди. Харита очилди. Генерал стол устидаги чўпни олиб, харитадаги чизиқ ва нуқталарни кўрсатабошлади.

— Бу ердан 7 километр ғарбда Нахимовка қишлоғи бор. — Генерал харитадан кўрсатди. — Мана... Ўрмон ичидан борасиз. Ғарб томонга уч чақирим юргангиздан кейин, жарлик келади. Сой бор...

Генерал жангчиларга қаради. Йигитали беихтиёр:

— Тушиндим, ўртоқ генерал! — деб юборди.

Петров Ваню блан Степанга қаради:

— Сизларчи?

— Тушиндик.

— Харитани бермайман. — Генерал сўзида давом этди. — Эслаб олинг!. Соёга етгандан кейин, жар яқалаб, ўнг томонга яна уч километр юрасиз. Сув музлаган. Соёнинг нариги томонига ўтасиз. Қишлоқда немисларнинг штаби бор. Штаб ҳужжатларини қўлга тушириб келиш керак. Вазифа шу. Лекин ҳарбир қадамда ғов учраши мумкинлигини унутманг!

Учала жангчи бирдан:

— Бажарамиз, — деди.

Генерал разведкачиларга оқ йўл тилаб қолди. Улар капитан Давидов блан бирга, ротага қайтиб келдилар. Капитан ўз блиндажида соатига қаради.

— Соат 16.00 — деди у. — Йўлга чиқаберинглар. Бир оздан кейин қоронғи тушиб қолади. Қуроолларингиз шайми?

— Қуроолларимиз шай, — деди Степан.

Ҳар бир жангчида автомат, ўқ, граната, ханжар бор. Улар қуроолларини кўздан яна бир кечирдилар-да, капитан Давидов блан хайрлашиб, йўлга чиқдилар.

Улар бир оз юрганларидан кейин, Степан шерикларига қаради.

— Генерал тўғри айтди. Ҳарбир қадамда ғов учраши мумкин, — деди у. — Шунинг учун учга бўлинамиз. Олдинда мен бораман, мenden юз қадам орқада Вано, энг кейин сен, Йигитали, юрасан.

Шу гапларни айтиб, Степан илгарилаб кетди. Бир оздан кейин, Вано унинг орқасидан борди. Йигитали уларнинг узоқлашинини кутиб турди.

Капитан Давидов тўғри айтибди. Сал ўтмай, қоронғи-тушабошлади. Чиндан ҳам, тун аввал ўрмондан бошланади.

Қор босиб ётган қарағайлар ғира-шира зулматда аллақанақа шарпаларга ўхшаб кўринади. Сукунат... Бир нарса шитир этиб кетди! Йигитали ўзини ерга ташлади. Қулоқ солди. Ҳеч нарса йўқ. У, қор устида сургалиб, илгарилайбошлади. Ваного этиб олди. Кейин, Вано илгарилаб кетди. Вано Степанга этиб олгандан кейин, Степан эмакляб юрабошлади. Шундай қилиб, улар узоқ юрди.

Степан жарликка чиққанда, соатига қаради: 18.30. Таажжубланди: 3 километр йўлни 2 ярим соатда босипти. Уёқ-буёққа аланглади: қор, сукунат, дарахтларнинг пастликка осилиб тушган даҳшатли илдиэлари... Вано этиб келди.

Степан, Кеэховелининг қулоғига шивирлади:

— Вано, ўнг томонга юрамиз...

Степан қарағайларнинг даҳшатли илдиэларига осилиб пастга тушди. Вано уни кузатди, „заб абжир йигит Степан, қойилман“, деб қўйди. Йигитали этиб келди. Вано бир эгри илдиэга осилиб, пастга тушмоқчи бўлган эди, тойиб кетди. Жарликка гуриллаб қор тўкилди. Вано бошқа бир илдиэни ушлаб қолди. У, Степаннинг олдига борганда, ундан роса танбиҳ еди. Степан унинг қулоғига:

— Шарманда қилма, ўртоқ, — деди.

Шу гапнинг узи Ваного кифоя эди.

Сой музлаган, ҳаммаёқни қор босиб ётипти. Лекин разведкачилар сой устидан — осон йўлдан юрмадилар. Улар қоронғида, минг машаққат чекиб, илдизларга осилиб, нариги соҳилдан қараганда кўринмайдиган пана жойлардан юрдилар.

Степан сойнинг у томонидаги зулмат қишлоққа қарар, ўйларди: бундан ярим йил илгари ўша ерда чароғон қишлоқ бор эди. Қувноқ турмуш, ўйин-кулки, тўй-тамоша, Ильич чироғлари... Энди эса: зулм, зулмат, ваҳима, немислар...

Разведкачилар, бемалол юрганда бир соатда босиш мумкин бўлган йўлни салкам беш соатда ўтдилар. Вақт ярим кеча бўлиб қолди. Степан сойнинг ул юзига қаради: тепада баланд дарахтлар ўсиб ётипти. Шу вақт унинг кўзига алла ниманинг шарпаси кўринди. У, энди силжимай, шерикларининг етиб келишини кутиб турди. Аввал Ваного, кейин Йигитали келди.

— Тепада соқчи бўлиши керак, — деди Степан аста. — Уни, товшини чиқармасдан йўқотиш керак. Йигитали, сен бор. Биз кутиб турамыз.

— Есть! — Йигитали кетди.

Ваного блан Степан ерга ётиб, автоматларини тўғрилаб турдилар.

Йигитали сойнинг у қиргоғига ўтди. Тепага қаради. Аввал ҳечким кўринмади, кейин тепасига қор тушди. У қимирламади. Узоқ кутди. Шундан кейин, икки немиснинг сўзлашган гаплари эшитилди. Бир немис иккинчисига алланималарни гапириб, хахолади. Кейин, бақирди. Йигитали қулоқ солиб турди. Ўша бақирган немис қишлоқ томонга кетди.

Совуқ йигиталининг вужудини қақшатди. У, флаконидаги арақдан икки қултум хўплади. Тепага боқди. Ҳечнарсани кўрмади. Салдан кейин, уёқ-буёққа юраётган немиснинг оёқ товушларини эшитди. Немис совуққотди шекилли, ер тепабошлади. Шу пайтда қаттиқ изғириқ шамол турди. Дарахтлар қасир-қусир садо чиқариб, қор бўралаб берди. Шовқин-сурондан фойдаланган Йигитали, дарахт илдизларига осилиб, тепага кўтарилди. Бахтини қараганки, немиснинг орқасидан чиқиб қолди. Фурсатни ўтказмади. Ўзини фрицга отди, уни ерга босиб бўғди, мал'уннинг кўкрагига ханжар санчди. Кейин, ўша ерда тураберди.

Фрицнинг шериги алланималарни гапириб, арақ кўтариб келди. Йигитали индамай тураверди. Немис туника кружкага арақни қуйиб, Йигиталига узатди. Йигитали ханжар тутган қўлини узатди, бу мал'унни ҳам саранжомлади... Сўнгра, Степан блан Ваного „келаверинглар“, деб қўли блан ишора қилди.

Ваного блан Йигитали фрицларнинг жасадларини қорга кўмдилар. Улар учови Нахимовка қишлоғида қорама-қора юриб, бир кўримсиз хатанинг орқасига ўтдилар, четан девордан бирин-кетин сакраб, қор босиб, ётган ҳовлига тушдилар.

Степан блан Йигитали автоматларини елкаларига осиб, ҳовлида айланиб юрди. Ваного хата занжирини суғириб, ичкарига

кирди. Хата бўм-бўш кўринди. Вано уёқ-буёққа аланглади. Ичкаридаги хонада, тахта кроватда бировнинг ухлаб ётганини кўрди. Қўлидаги ханжарини қаттиқроқ сиқиб, ўша одамнинг тепасига борди.

Ухлаб ётган бир кампир эди.

— Она, туринг, — деди Вано аста.

Кампир чўчиб уйғонди.

— Ким? — Кампир қалтираб сўради.

— Қўрқманг, мен ўзимизникиман. Хатангизда бошқа ҳечким йўқми?..

— Иккита немис бор. Ҳали келгани йўқ...

Вано кампирга яна далда берди:

— Қўрқманг, она. Мен сиздан бир нарсани сўрагани келдим...

Кампир устига ёлиб қўйган эркакча пўстинига ўралиб, ўридан турди.

— Кимсан? — деб сўради яна у. — Мендан нимани сўрамоқчисан?

— Мен русман. — деди Вано. — Немисларнинг каттаси қаерда туришини биласизми?

— Билмайман. — деди кампир. — Хўш... Рус бўлсанг, Пётрни танийсанми? Пётр Никитич Иванов... Менинг ўғлим. Армияда. Ўшани танийсанми? Қачон келади? Жуда қийналиб кетдим. Хўрлик ҳам шунчалик бўлади...

Вано сумкасидаги нон, гўшт, ёғларни кампирнинг столи устига қўйди.

— Хафа бўлманг, она. Пётр келиб қолади. Яқинда ҳаммамиз келамиз... — Кейин, у яна сўради. — Бу, дейман, она, немислар қайси томонга кўпроқ қатнайди?

— Ҳа, — деди кампир, бир нарсани тушингандай. — Шу ердан ҳу ана у томонга юрсанг, — кампир қўли блан кўрсатди. — Бир чорбоғ келади. Колхоз идораси бор. Немислар ўша ерга кўп қатнайди.

— Раҳмат, она, — деди Вано. — Хафа бўлманг, Пётр келади...

Бирор соат ўтар-ўтмас, уч разведкачи кампир айтган чорбоғнинг уч томонида, штабга бостириб кириш учун, пайт пойлаб ётар эди.

Бинонинг тўрт бурчагида тўрт соқчи туради. Улар бир-бирлари блан хабарлашиб қўядилар. Енгил машиналар, мотоцикллар бино эшигига тез-тез келиб, кўп ўтмай, яна қайтиб кетади.

Йигитали чорбоғдаги дарахтлар орасида анча вақт қимирламай ётди, кўзини соқчилардан олмади. Бир соатча вақт ўтди. Бино ичидан 3—4 немис чиқиб, мотоциклларга ўтириб жўнади. Шундан кейин, немис соқчиларидан иккитаси бино ичига кириб кетиб, қайтиб чиқмади. Қолган икки соқчи бино атрофида айланиб юрди.

Яна бир соатча вақт ўтди. Тун оғиб қолди. Ҳар учала разведкачининг юраги урабошлади: „Агар ҳозир ҳаракат қилмасак, тонг отиб қолади, қўлга тушамиз...“

Степан қўли блан ишора қилди. Йигитали блан Вано ўринларидан туриб, мушук сичқонни пойлагандай, немис соқчиларини

пойлаб турдилар. Немислар орқалари блан ўгирилиб юрабошларлари блан, улар ўзларини соқчиларнинг устига ташладилар, олишакетдилар...

Степан ўзини бино ичига олди. Коридорда ҳечким йўқ... Бинога кирган бояги икки соқчи кўринмайди. Степан чироғ ёниб турган хона эшигининг тирқишидан қаради: Бояги икки соқчи ерда ухлаб ётипти. Степан эшикни аста очиб хонага кирди, ухлаб ётган немисларни бирин-кетин ханжар санчиб ўлдирди. Шундан кейин, шу хонадан кириладиган иккинчи хонага кирди.

Стол усти ясатилган: арақ шишалари, тузланган карам, оқ нон, пирожнийлар... Тўрдаги диванда оқ сочли новча немис генерали, оёқ томондаги диванда унинг ад'ютанти хуррак тортиб ётипти. Степан аввал ад'ютантни ўлдирди, кейин генералнинг бошига келиб, унинг ёнидаги топпанчасини олди. генерал чўчиб уйғонди.

— Мен русман! — деди Степан. — Биласанми, мен русман!

— Русин... — генерал даҳшатга тушди, тили ғулдуради.

Степан генерални бўғиб ўлдирди, унинг ҳужжатлари, орденлари, штаб қоғозларини олиб, орқасига қайтди.

Степан бинодан чиқиб, немис соқчиларининг ўрнида соқчилик қилиб турган Вано блан Йигиталига „кетдик“ деб ишора қилди. Улар қорама-қора, тез узоқлашдилар.

Разведкачилар жарга яқинлашганда, қишлоқдан ала-тўпалон, отишма товушлари эшитилди.

— Аблаҳлар сезиб қолди. — деди Степан. — Йигитали, сен бу ҳужжатларни олиб югур! Мен, Вано немислар блан отишиб турамиз.

Йигитали Степаннинг дала сумкасини олиб, жарликка ўзини отди, сойнинг бу юзига ўтиб олиб, шитоб блан юракетди.

Степан блан Вано ҳам сойга тушдилар. Шу вақт немислар етиб келишди. Отишма кучайди. Степан тепада кўринган немисни автоматдан отиб йиқитди.

— Вано, тонг отиб қолгани ёмон бўлди...

Степан блан Вано сойнинг бу қирғоғига ўтиб олдилар, илдиэларга осилиб, немисларнинг ўқ ёмғури остида тепага чиқдилар. Лекин шу вақтда Степан миясидан ўқ еб, йиқилди.

Вано Степанни елкалади, қорда минг машаққатлар блан сурғалиб, ўрмонга кириб олди...

... Степан Москва яқинидаги қишлоқларнинг бирига дафн этилди. Дафн маросимида Генерал Петров СССР Олий Совети Президиумининг Степан Тарасенкога Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилгани тўғрисидаги Фармонини ўқиб берди, Степаннинг немис генералини ўлдирганини ҳикоя қилди.

Митянда сўзга чиққан Йигитали:

— Дўстим учун қасос оламан. Берлинга ғалаба байроғини тикамиз! — деди.

Бугунги ишдан кўнгли тўлмаган Санобар даладан ғамгин қайтди. У, йўлда келатуриб, яккачўп орқали сойдан ўтиладиган ерда тўхтади; сув бўйига тизчўкиб, ўйга толиб қолди. Сувга қаради: сув тиниқ. Сойнинг тагида ирғиб-ирғиб оқаётган тошлар кўриниб турибти. Кеч кузнинг изғирин шамоли эсди. Қиз калта пахталигининг тугмаларини солди, бошидаги қора шол рўмолини бўлақдан танғиб боғлади, шу ўтирганча ўтириб қолди.

Қуёш ботиб кетган. Чор атрофдан чигирткаларнинг чириллаган овози келади. Уфуқда ним пушти шафақ сўнаётган кўкда бир гала қалдирғоч чуғирлаб учиб ўтди, яна сукунат чўкди.

Санобарнинг уйга боргиси келмайди. Уйга борса, дадасига нима дейди? Бугун бир таноп ҳам ерни шудгор қилолмадик, одамларнинг ярми ишга чиқмади, ерга солиш учун бузилган эски девор тупроғини ташиб келтирмадик, деб Мамажон акани куйдирадими?

Қизнинг кўзларига Йигитали кўриниб кетди. Айрилиқнинг алами ёлғизликда қаттиқроқ ўтади. У ҳозир қаерда? Омон бормикан? Нега жуда оз хат ёзади? Ёки севмай қўйдимикан? Йўқ! Унга ҳам қийин...

Санобар ўз ишини Йигиталининг жангига таққослаб кўрди. Яна кўнгли тўлмади. Дуруст, бу йил ҳар гектар ердан бултургидан кам пахта бермади, юрт олдида юзи ёруғ бўлди. Лекин, ёндичи?.. Келаси йил тараддудичи? Шу ерга келганда, у уятли бўлиб қолди. Бултур шу вақт ер шудгор қилинган, ўғитланган эди. Бу йил эса шудгор ҳам қилинмади, ўғит ҳам келтирилмади. Декабрь ҳам охирлаб қолди. Бу аҳволдан Йигитали хабар топгудек бўлса, нима дейди? Унинг Санобардан умиди шундаймиди?

Дали даладан қайтатуриб, сой ёқасида танҳо ўтирган Санобарни кўрди. Ҳайрон бўлди: „Ёпирай, ўзи тинчликми?..“ Унинг юраги шув этиб кетди. „Йигиталидан бирон ёмон хабар келдимикан“?.. Даланинг юраги ўйнади. Шу пайтда Санобарнинг олдига бориб, унга юрагини очмоқчи, ёзда қилган номақулчилиги учун узур сўрамоқчи бўлди. „Худо ишимни ўнглади, хижолатдан қутиладиган бўлдим...“.

Дали пешонаси ёрилган кундан бери Санобар блан гаплашгани йўқ. У, Бобонор аския ўртага тушиб, колхоз даласига қайтиб келганидан буён, Руқия бошлик звенода оддий кетманчи бўлиб ҳалол ишляпти, ҳурмат тахтасига ҳам ёзилди. Лекин Санобар блан гаплашишга ботинолмади.

Дали Санобар ўтирган ерга келди. Аммо ўнғайсизланди, гапиролмади, зўрма-зўраки бир-икки йўталиб қўйди. Қиз чўчиб тушди, орқасига ўгирилиб қаради.

— Ёлғиз ўтирган экансиз... — деди базўр Дали. — Тинчликми? — Тинчлик... Узим... — Санобар бошқа ҳечнарсга демади.

Дали ўзини тутиб олди, қизнинг ёнига ўтирди, ерга қараб гапирди:

— Катта аҳмоқлик қилдим... Шундай қилиш мендан лозим эмас эди. Уятлиман. Узур сўрашга пайт тополмай юрган эдим...

Санобар индамади.

— Йигитали билмаган бўлса бас... — Дали қўшиб қўйди. — Хатга солмаганмидингиз?

— Йўқ — қиз бепарвогина жавоб берди.

— Хайрият... — Дали ўрндан турди. — Мен сизга халал бердим шекилли. Кўнглингиз ёлғизликни истаганга ўхшайди...

Санобар Далига қаради.

— Утиринг, гап бор.

Дали оёқ учида, омонатгина ўтирди.

— Ишимизнинг мазаси йўқ. — Қиз гап бошлади. — Келаси йил уятли бўлиб қоладиганга ўхшаймиз. Йигиталининг чин ўртоғи бўлсангиз, маслаҳат беринг: нима қилайлик?

Дали бу саволдан анча енгил тортди. „Аҳмоқлигимни кўнглига олмаган экан, хайрият“, деб ўйладую, қизга савол назари блан қаради:

— Чунончи, нима тўғрида?

— Қишки ишлар тўғрисида, чунончи, шудгор... МТС юборган трактор бузилиб ётипти. Янги трактор келмайди. Нима қиламиз?

— Қўш блан ҳайдаймиз, — деди Дали дадил. — От блан ҳукизлар яхши боқилган. Асбоб-ускуна бор. Олтита қўш бўлса, Набижон, мен, яна тўрт киши астойдил киришсак, сал кунда шудгорни таомлаймиз.

— Қўшимиз тўртта... — Санобар ўйланиб қолди. — Ма'қул... Идорадан яна иккита қўш сўрайман. Энди ўғит масаласи бор... Битта арава блан ташиб етказолмаяпмиз...

— Бунинг ҳам йўли осон, — деди Дали. — Ҳар ким ўз ерига ташисин. Чунончи, биз ўз звеномиз ерига ташийлик. Шундай қилсак, иш чиқади. Ким кам ҳосил олишни истайди дейсиз?

Санобар жилмайди.

— Тўғри, — деди у. — Тўғри айтасиз. Туппа-тузук одам экансизу, бемаза ишлар қилиб юрибсиз!

Дали мулзам бўлди. Санобарнинг томига тармашиб чиққан пайти эсига тушиб кетди.

— Ҳар тўқисда бир нуқсан, Санобар... Кечиринг...

Санобар ўрндан турди.

— Сизларнинг звенонгиздан бугун Руқия ишга чиқмади. Уйдан хабар олинг. Хайр...

Қиз „якка чўп“дан липиллаб ўтиб кетди. Дали орқасига қайтди, даланинг нариги чеккасига — Руқиянинг уйи томонга қараб кетди.

Санобар Булоқбошига етганда, чап томонга бурилди, якка оёқ йўлдан пастга — Йигиталининг уйига қараб юрди.

Бу вақт қишлоққа кеча пардаси ёйилган, Олмосни қоплаб олган баланд-паст дарахтлар аллақандай шарпалардай кўринарди. Қатор мирза тераклар тепасида тиниқ зангори осмонда янги ой олтин танга мисоли яшнайти. Қиз қайрағоч тагидаги пастгина уй олдида тўхтади. Пахталигининг чўнтагидан калидни олиб, оғир қулфни очди, эшик занжирини тушириб, ичкарига кирди.

Санобар гугурт чақиб, токчадаги ўнинчи чироқни ёқди. У ёриди. Тожи хола Санобарларникига деярлик ҳеч нарса олиб бормаган. Йигиталининг ҳамма буюми шу ерда. Қизнинг кўзи деворга осиглиқ қўш тиг милтиққа тушди. Милтиқни чанг босиб кетибди. У рўмоли блан чангни артди. Кейин токчага териб қўйилган китобларни кўздан кечирди. „Бўрон болалари“, „Тирилиш“, „Сўна“. „Ўлим ёвга...“

Қиз китобларнинг чанггини қоқди, уларни бўлакдан терди. У қалин дафтарни кўриб таажжубланди: „Хотиралар“... Тикилди. Ҳа, бу — Йигиталининг хати! Санобар севиниб кетди. У „Хотиралар“ни, бир-иккита китобни, севганининг расмларини олиб, ташқарига чиқди, эшикни қулфлади...

Айвонда кўсак чувиб ўтирган Тожи хола идорадан келган Мамажон акани ўрнидан туриб қаршилади.

— Ўтираверинг, қудабону, ўтираверинг. — Мамажон ака айвонга чиқди. — Қалай, ишлаб ҳормадингизми? Ўҳў, анча чувиб қўйибсизку!...

— Кимираган қир ошар, деганларидай, хийли чувиб қўйипман...

Тожи хола ўтирди, Мамажон ака ҳам тиз чўкиб, кўсак чувийбошлади.

— Санобар келмадими?

— Бемаҳалга қолди... — Тожи хола ташвишланиб гапирди. — Қизи тушмагур ҳеч тинмайди. Унга ҳам оғир...

Мамажон ака чўнтагидан хат чиқариб, конвертни йиртди, тикилди.

— Қариб қолдим, қудабону, — деди у. — Кўзим ўтмаяпти...

Тожи хола унинг гапини қувватлади.

— Юртнинг ғамини осон биласизми, айланай қуда! Тағин ҳам, бардошингизга балли!..

Шу вақт бир даста китоб кўтариб, Санобар кириб келди.

— Кел, қизим, манов хатни ўқиёлмай, қийналиб ўтирган эдик...

Санобар дадаси блан қайин онасига салом бериб, айвонга чиқди.

— Қани, ўқичи!

Санобар хатни ўқийбошлади. Хат капитан Давидовдан эди.

— Командири ёзипти, — деди қиз. — Русча экан...

Санобар жумлаларни бирма-бир ўқиб, дадасига билганича таржима қилиб берди. Мактубнинг қисқача мазмуни қуйидагича эди:

„Ўғлингиз Йигитали Полвонов кеча икки ўртоғи блан разведкага бориб, немис штабига ҳужум қилди, бир генерални ўлдирди ва муҳим ҳужжатларни олиб келди. Бунинг натижасида, қисмимиз ҳужумга ўтиб, катта бир шаҳарни душмандан тозалади. Шундай қаҳрамон фарзанд тарбиялаганингиз учун сизга Қизил Армия номидан ташаккур билдираман. Мард ўғлингиз блан ҳарқанча фахрлансангиз арзийди“.

— Офарин! — деб юборди Мамажон ака. — Офарин! Ана, қудабону, ўғил деган бунақа бўлади! Куёв танлашда янглишмаганмиз, қудабону!

Тожи хола севингандан кўзига ёш олди.

— Илоҳи, умри узун бўлсин! Ой бориб, омон келсин!

Мамажон ака ғамгин ўтирган Санобарга тикилди.

— Хафа кўринадан, қизим...

— Трактор бузилиб ётипти. — деди Санобар. — Қўшимиз етиш-маяпти. Битта арава блан тоғ отмайдиганга ўхшайди. Бошим қотиб қолди...

Мамажон ака қизининг кўнглига таскин берди.

— Қўш берамиз. Яна битта от-арава юбораман. Тракторни тузатирамиз. Хафа бўлма!.. Ундан кейин, бригаданга эртага ўзим бораман. А'золаринг блан тузуқроқ гаплашамиз. Маскавдан ёвни қувлаган, немис генералини ўлдирган ўғлонларнинг ота-оналари, сингиллари, ўртоқлари ерни шудгор қилолмаса, уят эмасми?

Дадасининг сўзлари Санобарга қаттиқ та'сир қилди.

— Раҳмат, дада, — деди қиз. — Ёрдам беринг...

— Энди қалам блан қоғоз ол! Хат ёзамиз.

Санобар уйдан қоғоз блан қалам олиб чиқди.

— Ёз. — Мамажон ака ўйланиб қолди. — Командирининг оти нима эди?

— Давидов — деди Санобар.

— Ҳа, ёз. „Ўртоқ Давидов, хатингизни олдиқ. Йигиталига биздан дуо денг. Хурсандимиз. Биз ҳам сизларнинг юзингизни ерга қаратмаймиз. Келаси йил ҳосили учун тайёрликни қизитиб юборамиз...“

Санобар дам ёзар, дам дадасига қараб қўяр эди. Мамажон аканинг юзини ажин босиб кетипти, у айниқса кейинги 2—3 ой мобайнида хийли қариб қолипти. Мамажон ака тез-тез айтиб турди.

— „Колхозимизда кўпчилик аёллар қолган. Лекин, ўртоқ командир, шернинг эркаги ҳам, аёли ҳам бир бўлади. Бўш келмаймиз. Биздан кўнглингиз тўқ бўлсин. Ба'даз гап шулки, Гитлерни енгиб, Олмосга меҳмон бўлиб келинглар. Бедовларни теракзорга боғлаб қўйиб, ғалабанинг тўйини қиламиз.

Сизларга умр тилаб қолғучи: Отангиз Мамажон“.

Мамажон ака хатни қайта ўқитиб эшитди, кейин қўл қўйди.

— Баллие, — деди яна у. — Генерални ўлдирибди-я! Ота ўғли шунақа бўлади, а лаббай, қудабону!

Тожи хола:

— Рост айтасиз, — деб кулиб қўйди.

III

Дали Руқияларнинг эшигини уч-тўрт марта босим қоқди. Ҳечким жавоб бермади.

— Дедавой ака, ҳо Дедавой ака!

Яна жавоб бўлмади. Дали уёқ-буёққа аланглаб қаради. Одам боласи йўқ. Кейин яна чақирди:

— Руқияхон, ҳо Руқияхон!

Ичкаридан:

— Кираверинг! — деган садо чиқди.

Дали узун қоронги йулакда туртина-туртина ичкарига кирди. Кенг ҳовлининг жануб томонидаги қатор уйларнинг бирида электр чироқ ёниб турарди. Уша томонга юрди. Парда тутилмаган деразадан уй ичига қаради: ерга ёзилган ўринда Руқия ётипти. Ҳечким йўқ. Дали ўйлади: „Кираверсаммикан? Қандай бўларкин?“.

Руқия уни кўрди шекилли, ётган ерида кулди.

— Чучиманг, кираверинг!

Дали уй ичига кириб, кафшандозда тикка туриб қолди.

— Тузукмисиз, ишга чиқмадингиз?

— Сиз сўрагандан бери тузукман. — Руқия яна кулди. — Хизирни йўқласам бўлар экан. Шу топда сизни ўйлаб ётган эдим. Яқинроқ келинг, ўтиринг!

Дали таажжубланиб, оёқроққа тиз чўкди, қўрқибгина сўради:

— Уйдагилар қаерда?

— Чучиманг! — деди Руқия, — Дадам районга арава олиб келишга кетган. Аям Хатча холаникида кўсак чувияпти.

Руқия кўрпа ичида тўлғониб, бир ўгирилиб олди.

— Иситмам баланд, томиримни ушлаб кўринг-а...

Дали истар-истамас қизнинг бошига борди, унинг биллагидан ушлади, бармоғи блан томирини босди. Руқиянинг томири чиндан ҳам қаттиқ ураётганмиди, ёки унга шундай туйилдими, ҳарқалай, баданига титроқ югурди.

— Қалай? — деб сўради қиз.

— Ўткур, — Дали жавоб берди. — Тез ураяпти. Доктор чақириш керак.

— Йўқ, йўқ, — Руқия ўрnidан туриб ўтирди. — Ҳожати йўқ. Мен доктордан кўрқаман. Дориси аччиқ бўлади. — Қиз таннозланди. — Вой анов йигитни, қўлимни қўйиб юборинг. Сиздай одам томир кўрсин экан...

Дали қип-қизариб кетди. У, қизнинг гапига маҳлиё бўлиб, унинг томирини ушлаганича қолган экан.

Руқия сайрай кетди.

— Бунақалингингизни билганимда билганимни ушлатмаган бўлардим. Қизлар айтишарди-я, Дали жуда шўх деб... Борингге, нега тикилиб қарайсиз?..

Дали ичида: „қуруқ туҳматга қолмасам гўрга эди...“ деб ўйларди. У гапни қисқа қилишга шошилди.

— Мен кетаман, ишга қачон чиқасиз?

— Анов кишини қаранг... — Қиз бўш келмади. — Мен богдан келсам, у тоғдан келади. Беморни кўргани келган одам ўтиради-да, — қиз токчага қаради. — Туринг! — деди Далига у, — токчадаги ўсма блан пиёлани олиб беринг!

Дали токчадан бир тутам сўлиб ётган ўсма блан хитойи чинни пиёлани олиб берди.

Қиз жилмайди.

— Ўсма сиқишни биласизми?

— Худо сақласин... Билмайман.

Руқия томдан тараша тушгандек, кўққисдан савол берди:

— Нимани биласиз?

Дали ўнғайсизланди. Жавоб бермади. Қиз бўлса, пиёланнинг орқасидаги чуқурига ўсмани сиқатуриб, ҳикоя бошлади.

— Боя, алаклаб ётиб, туш кўрдим. Тушимда, Намангандаги богда сиз блан қўлтиқлашиб юрган эмишман. Иккаламиз турмуш қуришга аҳд-паймон қилипмиз. Кейин концертга кирдик. Турсуной „Парвонаман“ ашуласини айтганида, сиз „дод“ деб юбордингиз. Мен қўлингизни чимчилаб қўйдим. Менга „Туйлар муборак“ деган ашула ёқди. Кечаси извошда қишлоққа қайтдик. Биласизми, йўлда менга нима дедингиз: „Руқияхон, сени суйиб қолдим. Сўзим чин. Эртагаёқ тўйни бошлаймиз. Оҳ, жоним...“ дедингиз. Қишлоққа азон паллада етиб келдик. Ҳамма ясан-тусан, карнай-ногоралар чалинапти. Иккаламиз тўппа-тўғри чимилдиққа кириб кетипмиз. Шундан кейин... бағрингизда ухлаб қолипман... Кўзимни очсам, шу ерда алаклаб ётипман..

Руқия қошига ўсма қўйди.

— Қарангчи, текис қўйдимми?

Дали қаради. Қизнинг туташ қошларига ўсма чиндан ҳам текис ёйилган эди.

— Уста экансиз, — Дали ихтиёрсиз кулди. — Қойилман... — У гапни бошқа ёққа бурди.

— Энди ишга келайлик. Мен эртага звеномизнинг ерига қўш соламан. Шудгарни тугатиб қўйишимиз керак. Сиз чиқиб, қизларга бош бўлинг. Гўнг блан тупроқни ташиб қўяйлик. Бугун-эрта ҳаво ганимат.

— Хўп, Далижон, хўп. Аввал бир гапни охирига етказайлик, кейин ишдан гаплашамиз.

— Мен уйингизга топшириқ блан келдим. — Дали жиддий гапирди. — Тушингизни та'бирлашга келганим йўқ. Бунинг устига, фолбин ҳам эмасман. Сиз звеномизга бошлиқсиз. Бизга раҳбарлик қилишингиз керак. Уйда ўсма қўйиб ётган блан экин битмайди. Агар касал бўлсангиз, докторга кўрсатинг..

Руқия Далининг гапларини писанд қилмади, ўрнидан туриб, даҳлизга борди, офтовадаги сувдан қошига томизди, юзини ювди, қозикдаги сочиқни олиб артинди, кейин Далининг қаршисига келиб ўтирди, кўзига ёш олди.

— Сизни ўзимга яқин олиб, дилимни очган эдим. — деди Руқия, — юрагингиз тош экан. Майли, ўзингиз биласиз. Бошингизга муҳаббат тушмаган экан...

Шу дақиқада Далининг кўзига Санобар кўриниб кетди. Бешикда ширин ухлаб ётган чақалоқ уйғониб кетганда, она қандай аҳволга тушса, Дали ҳам шундай аҳволга тушди, шошиб қолди, кейин бошини қўйи эгди.

— Биламан, бировларни севасиз, лекин фойдасиз...

Дали ялт этиб Руқияга қаради. Руқия шу пайтда унга бошқачароқ, гўзалроқ кўринди. Оплоқ, лўппи юзли, қирқ кокили орқасини тугиб ётган бу қиз Далининг ишқидан хабардор эканда? Таажуб...

— Эрталаб ишга чиқаман. Ташвиш тортманг, ишни бўшаштирмаймиз...

Руқия ўрнидан туриб, девордаги қозикқа осиглиқ дуторни олди, созлади, Далига пичинг қилди:

— Фурсатингиз бўлса, эшитинг...

Дали миқ этмай ўтирди.

Қиз кўнгилнинг аллақаерларига тегучи пардаларни босди. Аслида, дутор эмас, қиз қалбнинг энг нозик пардалари сўйларди.

Дали ҳусн, куй сихрида қолди. Руқия куйлай кетди:

Дар'ёларнинг ул юзида шофтолизор,
Шофтолизор тағларида мен интизор.
Пояндоздир йўлларингга қаро зулфим,
Келақолгил кутганимда, сеvimли ёр.

Дуторимнинг торларида дилим бордир,
Мадҳинг учун ширин-шакар тилим бордир,
Бевафолик кўчасига кирма, ёрим,
Қўлларимда сенга тутган гулим бордир.

— Раҳмат, — Дали жуда завқланиб кетди, — Энди тушиндим Сан'атингизга беш кетдим.

Дали ўрнидан турди.

— Бизга жавоб. Кампир уйда овқатини сузмай кутиб ўтирган бўлса керак. Тезроқ борай. — У, бир оз жим туриб, қўшиб қўйди. — Сиз блан алоҳида гаплашар эканмиз...

— Энди овора бўласиз! — деди Руқия. — Ҳаркимнинг ўз иззати бўлади.

Бу гап Далига та'сир қилди.

— Хайр, омон бўлинг!

Дали Руқиянинг уйидан бир аҳволда чиқиб кетди. Ўз уйига келганда, онаси Ҳумайра опа тергай кетди.

— Нега ярим кечага қолдинг, ошим ланж бўлиб кетди. Ё яна эгри юрияпсанми?...

Дали ҳечнарсa демади. У ошдан кейингина гап очди.

— Дедовой аканикига иш блан борган эдим. Руқия ёлғиз экан. Гаплашиб қолдим. Тоби йўқ шекилли...

Кампир Далининг гапидан ҳечнарсa тушинмади.

— Нимага борган эдинг?

— Ишга чиқмади. Хабар олдим. Кўйинини очиб қолди. Ашула айтиб берди.

Ҳумайра опа севинди. У Руқиянинг Далини севиб қолгани учун эмас, ўглининг бўлган гапни яширмай гапирабошлагани учун хурсанд бўлди.

— Узинг биласан, — деди Ҳумайра опа. — Тақдир бўлган бўлса, ҳечгап эмас...

Эртаси кун пешин вақтида, Дали ҳўкизларни қўшдан чиқариб емга қўйди, ўзи эса звено шийпонига овқатга борди. Йўлда унга Қумри учради.

— Ҳорманг, Дали ака!

— Бор бўлинг, Қумриой!

Қумри ҳиринглаб кулди.

— Муборак бўлсин!

Дали тушинмади.

— Нима муборак бўлади?

— Кеча Руқияга оғиз солибсизку? — Қумри яна кулди.

Билагини ҳам ушлабсиз...

Дали сирни бой бермади:

— Тўғри. — деди у. — Кўкламда тўйга бораверасиз...

Қумри хахолаб кулиб юборди.

IV

Йигиталининг икки ўртоғи блан бирга, немис генералини ўлдиргани ҳақидаги хабар бутун қишлоққа тарқалди. Бригада йигитида Мамажон аканинг ўз оғзидан бу хабарни эшитган Дали ҳар кунлик иш нормасини 200 процентга етказиб бажаришга сўз берди. Руқия Қумри бошлиқ звенони социалистик мусобақага чақирди. Набижон бутун бригада номидан гапириб, шудгорни тугаллай деб қўйган Бобонор ака бригадаси блан беллашамиз, деди. Паст бўйли қотмадан келган, кўзлари чақнаб турган бу боланинг гапи Мамажон акага ҳам, Нодира опага ҳам жуда ма'қул тушди.

Мамажон ака блан Нодира опа кетгандан кейин кўп ўтмай, қишлоққа янги хабар ёйилди.

— Бугун Олмосга меҳмонлар келар эмиш...

Колхоз идорасидан бутун а'золар клубга йиғилишсин деган бўйруқ келди.

Санобарнинг бригадасидаги а'золар клубга етиб келганда, клуб одамлар блан тўлган эди.

Нодира опа қисқача гапирди:

— Ўртоқлар, — деди у. — Ҳозир 21 та ёш бола, 12 та аёл қишлоғимизга келади. Меҳмонлар — фронтда урушаётган жангчиларнинг оналари ва болалари, немисларнинг дастидан бошпанасиз қолган кишилар. Биз уларни уйларимизга қабул қилиб олишимиз керак.

Клубга йиғилган одамларнинг юрагида сўнгсиз шафқат, ҳаяжон жўш урди. Ҳамма кўчага чиқиб, ҳозир келиши керак бўлган машиналарни кутабошлади. Кўп ўтмай, иккита юк машина етиб келди. Олмослилар ёш болаларни, кампирларни машиналардан туширдилар, тугунларини, чемадонларини кўтариб, уларни клубга бошладилар.

Набижон 3 — 4 ёшар чамасидаги иккита ёш болани иккала қўлига кўтариб олиб, ҳа деб гапга солади.

— Здрасти! — дейди Набижон.

Сариқ сочли, озғингина қизолоқ:

— Здрасть! — деб жавоб берди.

Лекин қора кўзли, қотмачадан келган ўғил бола ҳечнарсга демай, бирдан йиғлаб юборди.

— Ненада, — Набижон унинг пешонасидан ўпди. Ненада, брат... — кейин ёнида келаётган ғамгин кампирга қаради. — Пойдём, мамаша. Ты будешь моя мамаша.

Кампир жилмайди, бир сўз ҳам демай, Набижоннинг орқасидан клубга кириб кетди.

Набижон клубдаги одамлар орасидан онаси Зухра опани қидириб топди.

— Эна, дарров эшикка бориб, чой қўйинг, ошга ўт ёқинг. Зухра опа уйига кетди.

Набижон болаларни эркалади:

— Сейчас палов будем кушать!

Одамлар меҳмонларни бўлишиб олдилар. Ярим соатдан кейин клубда ҳечким қолмади.

Булоқбошидан энг кейин Бобонор аския блан Дали кетди. Бобонор ака иккита болани кўтариб борарди. Дали қўлини узатди:

— Менга беринг, кўтаришай!

— Овора бўлсан! — Бобонор аския Далига ўқрайиб қаради. — Сенга бола кўтартирадиган аҳмақ йўқ! Фарзандсиз эдим, буларни менга худо етказди... Э, кароматингдан ўргулай, яна иккови ҳам ўғил бола-я! Келин бувинг суйинадиган булди-да!

Улар анча ергача гаплашмай боришди.

— Рус тилини биласан-а? — Бобонор ака Далидан сўради.

— Ҳа.

— Сўрачи, бу қора кўзларнинг оти нима экан?

Дали рангсиз, лўппигина боладан сўради:

— Как тебя зовут?

— Миша, — бола чўчибгина жавоб берди.

— А тебя?

Оқиш сочли, озғингина бола:

— Алек, — деб дадил жавоб берди.

— Бўпти, — деди Бобонор ака. — Бунисининг номи Мамадали, мана бунисиники Аҳмадали. Эй, жўжуқларей! Сенларга ўзбек тилини ҳам ўргатаман. Эй, жигарларимей!

Бобонор ака, болаларни бироз эркалагандан кейин, Далига қаради:

— Ишларинг қалай?

— Яхши, ака. Хафа эмасман.

— Қани, тўғрисини гапиравер. Уялма!

— Бу йил мавсумда олти минг килограмм пахта тердим. Бир қуй мукофот олдим. Энам ҳам ишляпти. Ростини айтсам, кўп қийнадиб қолган эдик. Ҳозир турмушимиз ёмон эмас.

— Оёғинг қалай?

— Тузук.

— Бошингнинг ярасичи?

— Битиб кетди.

— Саёқ юрган таёқ ейди. Энди саёқ юрма, бола, ўзингга жавр қиласан. Тўғри юр. Ҳалол ишла. Одам бўласан.

Бир-бирига қўшни бўлган Бобонор ака блан Дали уйларига иқинлашганда, йўл ёқасидаги ариққа челақ ботириб сув олаётган Нури опа — Бобонор аскиянинг хотини кўринди. Аския севинчидан порлаб кетди:

— Мана, опоқ аяси, тўхлилларинг келди!

Нури опа, югириб келиб, болаларни эридан олди, багрига босди. Бобонор ака уйга кириб кетди.

Дали ёлғиз кетатуриб ўйлади: — „Аския заб тўғри сўз одамда, юз-хотир қилмай гапирaveraди. Бир ҳисобда шу ҳам тузук..“

Набижоннинг онаси Зуҳра опа каклик гўшти солинган паловни товоққа босиб, меҳмонларнинг олдига олиб келди. Набижон кампирни қўярда-қўймай қистади:

— Берите. Эта наш палов...

Ўзи эса, болаларга қўли блан едирди.

Ғамгин кампир бир оз очилди, ошни махтаб-махтаб, озгинагина еди. Болалар бўлса, ошдан кейин, дарров ухлашиб қолди. Зуҳра опа чой қўйиб ўтирди.

Набижон кампирни гапга солди:

— Откуда, мамаша?

Кампир Набижоннинг чала-чулпа сўзларини тушиниб, мароқланди. У саргузаштини шундай ҳикоя қилди:

— Биз Кубаньданмиз. Ўлкамиз галла кони деб ном чиқарган. Ўша ерда „1 Май“ колхози бор. Эрим граждан урушида ўлган. Степан деган ёлғиз ўғлим блан қолганман. Исмин Агафия Петровна...

Набижон Агафия Петровнанинг ҳарбир сўзини онасига билганича таржима қилиб бериб ўтирди. Зуҳра опа бўлса:

— Айт, бодомдан чақсинлар. Анор арчиб бер. Нега ҳечнарсга емайдилар? Айт, тортинмасинлар! — деб, дам-бадам инобат қилар эди.

Агафия Петровна ҳикоясида давом этди:

— Менинг ўғлим Степан ҳам сенга ўхшаш меҳмондўст, қувноқ йигит эди. Қизил Армия сафида, Москва яқинида 4 ой жанг қилди. Кубаньдан кўчишимиздан бир кун илгари унинг ҳалок бўлгани ҳақида хабар олдим...

— Эна, — деди Набижон Зуҳра опага, — бу кишининг ўғли ҳам менинг дадамдек ҳалок бўлган экан...

— Бечора... — Зуҳра опа ўкиниб, кўзига ёш олди. — Ҳечкиmlари йўқ экан-да... Айт, биз бу киши блан қиёматли эгачи-сингил бўламиз.

Набижон онасининг сўзларини таржима қилиб берди.

Ўзбек хотиннинг бунчалик меҳр-оқибати Агафия Петровнага бениҳоя та'сир этди, унинг кўзлари ёшланди, Зуҳра опага миннатдорлик билдирди.

Агафия Петровна ҳикоясини шундай тугатди:

— Степаннинг қаҳрамонлигини ҳукуратимиз тақдирлади. Унга Совет Иттифоқининг Қаҳрамони унвони берилди. Ўғлим мени юрт олдида уялтирмади, яхши хизмат қилди.

Агафия Петровна ўрнидан туриб, тахмонга қўйилган чамадонини очди, ўғлининг Олтин Юлдуз медали блан иккита Ленин орденини олиб кўрсатди.

— Мана бу Ленин орденини галла учун олган.

Набижон онасига тушинтирди:

— Бу кишининг ўгли қаҳрамон экан. Мана бу орденларини қаранг-а!..

Агафия Петровна бир китоб орасидан сурат олди:

— Мана бу Степаннинг фронтдаги ўртоқлари блан тушган сурати...

Набижон суратга тикилди: 11 йигит қизил аскарлик кийимида кулиб турарди.

— Ие, — деди Набижон ҳовлиқиб. — Степаннинг ёнидаги Йигит-али акамку! Қизил Юлдуз ордени ҳам бор!..

— Қани? — Зуҳра опа ҳам тикилди. — Рост-а... Йигитали!

Агафия Петровна ҳайрон бўлди:

— Қим у киши?

— Йигитали, — деди Набижон. — Акам десам бўлади. Шу ерлик, Олмослик. Э, нимасини айтасиз! Номи блан Йигитали-да! Қишлоғимизда уни танимайдиган одам йўқ. 80 центнердан пахта берган!

Набижон Агафия Петровнага Йигиталининг қилган ишларини, уйланиш тарихини, Санобарни, Мамажон акани, ҳаммасини ҳикоя қилиб берди.

— Ўғлим, мени Санобарнинг олдига олиб бормайсизми? — Агафия Петровна илтимос қилди.

Набижонга жон кирди.

— Марҳамат, Агафия Петровна. Қачон борайлик?

— Ҳозир борайлик.

— Хўп бўлади. Юринг.

Набижон суратни чўнтагига солди-да, меҳмонни бошлаб кета-туриб, Зуҳра опага:

— Эна, болаларга яхши қаранг. Биз ҳозир қайтамиз! — деди.

Мамажон ака 7 ёшар қиз болани ўз тарбиясига олди. Санобар уни ювиб-таради, майин оқиш сочларини майда қилиб ўрди. Тожи хола қатиқли маставани сузиб келди. Овқатнинг устида Санобар қизга савол берди:

— Марина, менга чин сингил бўласанми?

— Бўламан, — деди Марина ва Санобарнинг бағрига бош қўйиб, эркаланди.

Набижон Агафия Петровнани бошлаб келганда, Тожи хола, Санобар ва Марина уй ичида овқат қилиб ўтиришган эди.

— Меҳмон бўлиб келдик, опа! — деди Набижон. — Агафия Петровна сиз блан танишмоқчилар!

Санобар Агафия Петровна блан қучоқлашиб кўришди, Тожи хола ҳам иссиқ саломлашди, Марина Набижон блан қўл бериб кўришди.

— Марина... — деди қизча.

Набижон ҳам исминни айтди.

— Қани, ўтиринглар! — Санобар меҳмонларни тўрга ўтказди.

— Агафия Петровна блан қариндош чиқиб қолдик. — Набижон севиниб гапирди. — Бу кишининг ўгли Степан Йигитали акам блан қиёматли ўртоқ экан.

Набижон чўнтагидаги суратни олиб, Санобарга кўрсатди. Санобар Йигиталига тикилди. У тўлишибди, аскарлик кийими ярашибди, фуражкасидаги беш қиррали юлдуз яшнаб турипти...

Набижон бармоғи блан кўрсатди:

— Бу киши Степан. Лекин ҳозир йўқ... Яқинда ҳалок бўлган экан...

Орага жимлик чўқди.

— Эссиз... — деди Тожи хола. — Ёш кетипти... Уруш қурсин! Бечора энасига қийин бўпти...

— Ёлғиз ўғлимдан айрилдим... — деди қийғириб Агафия Петровна. Кейин, алам ва хасрат тўлиқ кўзларини катта очиб, дадил айтди: — Биламан, унинг учун ўртоқлари қасос олади! — Агафия Петровна қониқиш блан гапирди. — Уруш ҳаммамизни бирлаштирди. Уйимизни ҳам, дастурхонимизни ҳам қўшди. Меҳрибончилигингизни ҳечқачон унутмайман...

Улар узоқ гаплашиб ўтиришди. Агафия Петровна ўғли Степан ҳақида ҳикоялар айтар, ҳар гапининг бирида ўзбекларнинг меҳмондўстлигини тилга олиб, миннатдорчилик билдирарди...

V

Санобар идорадан кечаси қайтди. У, айвонга чиқиб, шал рўмолини ечиб, қоқди, кейин пальтосини қоқди, айвондаги бўйра устига паға-паға қор тушди. Рўмолдан бўйнига тушган қор эриб, қизнинг гашини келтирди.

У, уйига кириб, электр чироқни ёқди, бурчакдаги тош ойна олдига бориб таранди. Бир нафас ўзини ўзи тамоша қилиб, таажжубланди: озиб кетибди, кўзлари киртайиб, ранги синикипти. Дилидан бир гап ўтди: Йигитали шу топда курса, балки танимас...

Санобар деразадан ҳовлига қаради: электр ёруғида гуп-гуп қор ёғаяпти. Қор босиб, шохлари эгилиб қолган дарахтлар йилтирайди, деворлар оқ чойшабга ўраб қўйилган чақалоқларга ўхшайди...

Қиз шу турганича узоқ туриб қолди. Кўзига қор босиб ётган ўрмонзор, атакага югурган жангчилар, немисни қувиб кетаётган Йигитали кўриниб кетгандай бўлди.

Район партия комитетининг янги секретари Комилов бугун колхоз идорасида бўлган актив мажлисида: ҳар биримизнинг қадриқийматимиз фронтга бераётган ёрдамимиз блан ўлчанади, деди. Санобар ҳозир унинг гапларини эслар экан, кўнглига: „Мен нима ёрдам бердим?“ деган савол келди. Бу саволга юрагининг тубидан жавоб топди, тинчиди. Кейин кўзига бригадасидаги кишилар кўриниб кетди. Набижон азондан ярим кечагача аравада тупроқ ташияпти. Дали қўшда ишлаб, ўзини кўрсатди. Руқиянинг қадам ташлаши бошқачароқ... Эс-ҳуши жойида эмас. Бугун Қумри: Руқия Далини яхши кўриб қолапти, деди. Яхши кўрса арзийди. Иккови бир-бирига тенг.

Санобар бошқа а'золарни ҳам ўйлади. Кейин уйнинг тўридаги кроватда ухлаб ётган Маринанинг елкасига кўрпани тортиб

қўйди. Эсига Агафия Петровна тушди. Яхши хотин экан, дилгир, суҳбати ширин, меҳрибон...

Санобар стол устидаги қалин дафтарни — Йигиталининг „Хотиралари“ни қўлига олиб, ўйланиб қолди. Чунки у қишлоқда бирор қиз ёки йигитнинг хотира дафтари тутганини эшитмаган эди. Ёки узоқларга кетиб қолишини олдиндан билганми, ўзимдан бирор ёдгор қолдириб кетай деб шу хотираларни ёзганми? Кейинги фикрдан қизнинг юраги орқасига тортиб кетди. У шошиб дафтарни очдию, ўқийбошлади.

Йигитали хотираларини комсомолга кирган кунидан бошлапти, қишлоқ мактабида қандай ўқиганини, қачон колхозга кирганини, Мамажон аканинг маслаҳати билан бригадага бошлиқ бўлиб сайланганини, тортган қийинчиликларини, эшитган танқид ва олган раҳматларини... ҳаммасини эринмасдан, бирма-бир ёзипти. Сўнгра муҳаббат фасли бошланади... Санобар...

Қиз тез-тез ўқиди. Ёш йигитнинг турмуш ҳақидаги фикрлари уни мафтун қилди.

„Ҳаёт нима? — деб ёзипти Йигитали. — Кеча Дали ўзини-ўзи отиб қўйди. Агар ўқ оёғига тегмай, кўкрагига ёки пешонасига тегса, ўлиб кетиши турган гап эди... Демак, одамнинг ҳаёти битта ўқ билан тугаши мумкин экан. Мен дилимга катта орзу тугиб қўйдим. Беҳуда ўққа ёки тигга учраб ўлган номард. Яшайман. Шундай яшайманки, одамлар: ҳа, тузук, Йигитали тузук яшади, бизга нафи тегди, дейишсин. Ўлганимдан кейин: заб ўлди, қутилдик, дейдиган одам топилмасин...“.

Шу ерга келганда, Санобар кейинги кунларда қилган ишлари ҳақида ўзига ҳисоб берди: у бекорга яшадими ёки одамларга нафи тегдими?

Район комсомол комитетининг секретари Пўлатов кеча колхозга келди. МТС дан тузатиб юборилган трактор бригада ерининг этагида қолган охирги қартани янгигина ҳайдаб бўлган эди. Пўлатов ҳайдалган ерларнинг чуқурлигини ўлчаб кўрди, хурсанд бўлди. У ерга қанча гўнг, қанча тупроқ келтирилиб солинганини ҳам сўради. Кечга томон, комсомоллар йиғилиши бўлди. Пўлатов гапирди. Санобар бригадасига район комсомол комитетининг қизил байроғи топширилди.

Мажлисдан кейин Пўлатов Йигитали тўғрисида гап очди.

— Батальон командиридан хат олдим, — деди у. — Йигитали яхши разведкачи бўлиб етишибди. Қўймайди азамат!

Пўлатов отга минатуриб, Санобарга қаради:

— Хат ёзсангиз, Йигиталига мендан салом денг!

Бугунги колхоз мажлисида Комилов райком номидан янги топшириқ берди: Ленин номи колхоздан Косонсой ҳовузи қурилишига 30 киши бориб ишлаши керак. Нодира опа Мамажон акага қаради. Бобонор ака ўрнидан турмоқчи бўлиб, ёнидаги а'золари билан маслаҳат қилиб ўтирганда, Санобар ундан илгарироқ сўз олди.

— Ерни шудгор қилиб бўлдик. — Деди Санобар, — Комсомол-ёшлар бригадасида 32 колхозчи бор. Ҳаммамиз борамиз. Ўртоқ

Комиловнинг айтишларича, уч ой ишлашимиз керак экан. Уч ойлик ишни бир ярим ойда бажариб келишга сўз берамиз.

Шу вақт Бобонор ака ўрнидан турди.

— Ҳа, — деди аския, — биз нима ёздик? Ё колхознинг арпасини хом ўриппизми? Ёзинг бизларни. Шу кунгача халқ қурилишидан қолганимиз йўқ.

Умумий мажлис Санобар бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасини ҳовуз қурилишига юборишга қарор қилди.

Санобар Маринани Тожи холага топшириб, ўзи эрталаб йўлга чиқади.

Хотиралар...

„Эрта-индан тўйим бўлади. Санобарга уйланаман. Энам кечалари айтиб берадиган эртакка ўхшаб кўринган орзуларим чинга айланади. Биз Санобар блан кейин пушаймон бўлмайдиган даражада шод-хуррам яшаймиз...“

Уруш...

Санобар урушни илгари тушинмас эди. Энди тушинди. Йигитлиги урушга кетгани учун эмас, бутун халқ урушга қатнашаётгани учун тушинди. Қумрининг паҳлавондай тўртта акаси урушда Набижоннинг дадаси ҳалок бўлди. Руқиянинг уч акаси кетган... Қиз бундай ўйлаб қараса, Олмосда фронтга одам юбормаган хонадон йўқ экан. У кўз олдига бошқа катта шаҳарларни, районларни келтирди. Демак, урушга қатнашмаган оила йўқ...

Анов куни Мамажон ака қизи блан маслаҳатлашди. Иккови бу йилги даромадини ҳисоблаб чиқди.

— Қизим, юз ўн минг сўм пул олар эканмиз, — деди Мамажон ака — Юз мингини аэроплан қуришга берсак нима дейсан?

— Яхши бўлади, — деди Санобар.

— Бирор тонна галла ҳам юборсак. Тома-тома кўл бўлур, деган мақол бор. Йигитлар толиқмасин.

Санобар авваллари дадаси блан очиқ гаплашолмас эди, уяларди. Энди ҳарбир ишда дадасидан маслаҳат олади, Мамажон ака ҳам ҳарбир тадбирни қизига маслаҳат солади.

Қиз хотираларни ўқишда давом этди:

„Агар Санобар рози бўлса, Тошкентга ўқишга кетамиз. Деҳқончилик илмини ўқиймиз. Мен қизил, кўк, сариғ, ҳаворанг, пушти пахталарнинг йўқлигига ҳайрон бўламан. Пахта ҳам гулнинг бир нав'и. Нега қизил гул бору, қизил пахта йўқ? Рангли пахтани топамиз...“

Санобар ўйланиб қолди: Рост, нега қизил пахта йўқ? Кузда пахта тературиб, малла ранг пахтани кўргани эсига тушди. Йигитлигининг орзуси ўринли эканига ишонди. Кўзига яна уруш кўриниб кетди... Ўт ичидаги шаҳарлар, бадбашара немислар, ҳужумга ўтган аскарларимиз, Йигитали, Агафия Петровна...

Санобар Марина ухлаб ётган кровать тагидаги чамадонини аста тортиб олиб, унга кийим-кечакларини жойлади, тахмондан кўрпа блан ястиқ олиб, уларни Йигиталининг камари блан чандиб боғлади, кейин этигини кийди.

Шу вақт айвондан Мамажон аканинг йўталган товуши эшитилди. Санобар гилам устига тик кўрпача ёзди, уйдан чиқди:

— Кираверинг, дада!

Мамажон ака уйга кирди.

— Ҳали ҳам ухламадингми, қизим? Ўртоқ Комилов блан узоқ суҳбатлашиб қолдик. Тузук одам. Гаплари бама'ни. Қийинчиликларни гапирди. МТС га трактор келмас эмиш. Азот ҳам бермаймиз, дейди. Мен, бизга бермасангиз ҳам, қолоқ колхозларга беринг, дедим, Кўрамиз, дейди. Уруш...

Санобар дадасининг ҳорғин чеҳрасига, ўсуқ кипрак босган ёшли кўзларига қаради. Индамади.

— Азонда машина бўлади, — деди Мамажон ака, — Одамларингга айтганмисан?

— Айтганман, билишади...

— Қалинроқ кийиниб ол. Тоққа борасан. Шабадлаб қолма. Киш қаттиқ...

Қиз хаёл суриб, гиламнинг полугини ўйнаб ўтирди. Дадаси унинг бошидаги ўйларини тушинди. Очиқ айтмади. Гапни узоқдан бошлади.

— Немислар Маскавдан ҳайдалди, — деди Мамажон ака. — Уруш ҳа деганда тугаб қолади. Йигитали ҳам қайтиб келади. Хафа бўлма, қизим.

Бу гап Санобарга та'сир қилди. Қиз, ўзини йиғидан тутолмаслигини билиб, ўрнидан турди, эшикка чиқиб кетди. „Мендан ҳам унга қийин. Еш... Ўйнаб-куладиган вақти...“ Чолнинг кўнглидан шу гаплар ўтди.

Бир оздан кейин Санобар дастурхон кўтариб кирди. Унинг кўзлари қизарган эди. Дастурхонни ёзди, Тожи хола ўчоқбошида, қозонда ўраб қўйган ошни дадасининг олдига қўйди.

— Олинг, дада, очқоғансиз...

Ошдан кейин Мамажон ака қизини идорагача узатиб қўйди. 32 йигит ва қиз машинага ўтириб, Косонсой — Ўртатўқой ҳовузи қурилишига жўнаб кетди...

VI

Чотқол тоғлари этакларидаги кенг адрларга қатор землянкалар қурилган. Шу землянкалардан иккитасига Ленин номли колхоздан келган қуручилар жойлашган. Катта землянкада Санобар бошлиқ 27 қиз, кичик землянкада Набижон бошлиқ 5 йигит яшайди.

Бугун кечаси тоғнинг бир биқини портлатиб ағдарилди, уч минга яқин одам ўрталикдаги дарага қулаган сон-саноксиз тошларни эрталабдан бошлаб бош тўғонга ташиди. Неча юз бинокор бу тошларни яна анча кўтарди.

Кечга томон биринчи смена ишдан қайтди. Ленин номли колхоздан келган ёшлар ҳам землянкаларига қайтдилар.

Набижон ишдан кейин қурилиш штабига бориб, хатларни, газеталарни олиб келди. У аввал қизлар жойлашган землянкага кирди, кейин ўзи турган эмянкага келди.

У келганда Умурзоқ, Дўнон, Абдували землянка ичидаги сурида ўтириб овқат ейишар, Дали аллақачон ётиб олган эди.

Набижон Умурзоқнинг ёнига тиз чўкиб, овқат еябошлади. Дали ётган ерида бир ихраб қўйди.

— Ҳа, Даливой ака, турмайсизми! Яхши шавла бўпти...

— Э-э... Далидан гапирма,— деди Умурзоқ карнай.— Ўғил болага ўхшамайди, туққан хотин... Тош кўтараман деб, бели чиқиб кетипти.

Дўнон гапга аралашди:

— Қиз бўлиб тўғилмаганига ҳайронман. Битта-яримта қирчил-лама йигитга бериб, қутилиб қўяқолган бўлардик.

Абдували Дўноннинг гапини бўлди:

— Қизларни кўп ерга ураверма. Бугун Қумри ҳарбири олти пут келадиган тошларни азот кўтариб, тўғонга олиб чиқди. Масалан, Руқияни олайлик...

Дали яна ихради:

— Осон биласанлар-да... Мен кўтарган тошларни ердан узиб кўрларингчи...

Умурзоқ ўрнидан туриб, Далининг олдида борди:

— Ке, Дали бола, белингни уқалаб қўяй!

Землянкада кулки кўтарилди.

Набижон соатига қаради:

— Ярим соатдан кейин кино бошланади.

Дали дик этиб ўрнидан турди.

— Нима кўрсатилар экан?— сўради Дали.

— „Чапаев“— деди Набижон.

Дали севиниб кетди:

— Бўпти, борамиз.

— Ёқмай ўлсин!— Умурзоқ Дўнонга кўз қисиб қўйди.— Далининг касали буёқда экан!

Дали бўш келмади:

— Сайрама, каннай, ўзингни эр билсанг, бошқани шер бил. Сен блан эртага беллашаман!

Дўнон блан Умурзоқ лапар айтишабошлади.

Дўнон:

Аяжон, аяжон, жоним аяжон,

Қулоқ солинг, аяжон, бошим оғрийди.

Умурзоқ:

Айтгил, болам, болажон, жоним болажон,

Жийрон болам, бошларинг нимага оғрийди?

Дўнон:

Тоғларда турар экан, кинога борар экан,

Ёнимда юрар экан, ўшанга оғрийди!

Землянкада яна кулги кўтарилди. Абдували ўйинга тушиб кетди. Набижон чапак чалди. Дали хўмрайиб ўтирди.

Умурзоқ:

Болажон, болажон, айтгил болажон,
Тоғларда турган кимдир, кинога борган кимдир,
Ёнингда юрган кимдир, кўнглингни олган кимдир?

Дунон:

Аяжон, аяжон, эшит, аяжон,
Ўзи қип-қизил гулдир, гул шохида булбулдир,
Отлари Руқиядир, ўшанга огрийди!

Яна кулги жаранглади. Дали қип-қизариб кетди.

— Умурзоқ, — деди Дали. — Ҳазил ҳам эви блан. Билганини эшитган енгади деган гап бор. Билмасдан ҳазил қилмаларинг. Руқияга кўнглим йўқ. Шу гап шу ерда қолсин.

Дали ўйланиб қолди. Кейин, этигини киятуриб, ўзига савол берди: „Руқияни севаманми?“ Бу саволга юрагидан жавоб тополмади. Кўзига Санобар кўринди. Виждони қийналдими, бошқа бир ҳол юз бердими (бу, албатта, ўзига аён), шерикларига қарамай, землянкадан ёлғиз чиқиб кетди.

— Хафа қилдиларинг, — деди Набижон, — Одамнинг юраги блан ўйнашиб бўлмайди. Дали ёмон йигит эмас.

— Ўзига қийин, — деди Умурзоқ бўш келмай, — Руқиянинг уйдан чиқиб келаётганини ўз кўзим блан кўрганман.

Тоғ бағрига брезент чодир тикиб, кўчма кино зали қурилган. Йигитлар залга киришганда ҳамма йиғилган, фақат Дали блан Руқия йўқ эди.

— Айтмадимми, — деди Умурзоқ Набижонга, — тўғри гапга ишонмайсан. Қани улар?

Чироқ ўчирилиб кино бошланганда, Набижон ҳечкимга билдирмай секин чиқиб кетди. У тўғри қизлар землянкасига борди. Ҳечким йўқ. Ҳайрон бўлди. Уёқ-буёққа қаради, ой шам еган, кеча қоронғи бўлгани учун ҳечнарсани кўролмади. Санобарнинг: „Набижон, ўртоқларингнинг иши, юриш-туришига жавобгарликни комсомол комитети номидан сенга топшираман“, деган сўзлари эсига тушди.

Набижон тўғон томонга қаради. Узоқдан бировнинг қорасини кўргандек бўлди. Ўша томонга юрди. Дарҳақиқат, Руқия катта тош устида ўтирар, унинг ёнида тикка турган Дали алланималарни гапирар эди.

Улар Набижоннинг келганини сезишмади. Дали гапида давом этди:

— Шундай бўлсин, — деди у. — Номусга қўйманг.

Руқия ёшли кўзлари блан Далига қаради:

— Номусга қўйиб нима қилипман?

Набижон улардан тўрт метрча берилаги катта тошга суялиб ўтириб, қулоқ солабошлади.

— Ўртоқларимга мазақ бўлиб қолдим. Бугун Дунон блан Умурзоқ сиз блан мени лапарга солиб, роса кулишди. Нима учун шундай қилишди, биласизми? Чунки оғзингиз бўш, тилингизнинг

суяги йўқ. Бўлар-бўлмас гапни тарқатаверасиз. Сиз ҳам қиз боласиз. Қиз боланинг тупроғи енгил бўлади. Шарманда бўлишигиз сал гап. Уялинг.

Руқия бабиллаб берди.

— Нега уялар эканман? Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич дейдилар. Мен сизни яхши кўраман. Ошкора айтаман. Чидасангиз шу.

— Бўғилиб кетаман,—деди Дали.—Яхши кўрсангиз, ичингизда яхши кўриб юраверинг. Оламга жар солманг. Мен сизга айтдим-ку бошқани яхши кўраман деб. Бас-да... Нима қиласиз бошимни айлантириб...

Набижон оз қолди кулиб юборарди. Унга Руқия йигит, Дали қиз бўлиб туйилди. Бир жиҳатдан, бугунги кулгининг ўринсиз эканлигига ишонди, иккинчи томондан Руқиянинг аҳволига ачинди.

— Санобар сизни яхши кўрмайди,—Руқия жиддий гапирди.— Бунинг устига, эри бор. Йигиталидай эрини қўйиб, сизга кўнгил берардими? Қон кечиб юрган паҳлавон қаёқдаю, сиз қаёқдасиз?

Шу ерга келганда, Дали Набижонга аллақандай ярамас одам бўлиб кўринди. У титради. Оз бўлмаса, ўтирган еридан туриб, Далини бўғмоғчи бўлди. Яна ўзини босиб, қудоқ солди.

— Руқия,—деди Дали.— Мен Санобарни Йигиталидан тортиб олмоқчи эмасман. Мен уни яхши кўраман, халос. Дун'ёдан якка ўтмоқчиман.

— Кўрамиз.— Руқия алам блан гапирди.— Кейин пушаймон қилиб, ўзингиз ялинасиз. Ушанда мана шу гапларингиз эсингизда турсин.

Набижон ўрнидан туриб, йўталиб қўйди.

— Мен сизларни қидириб юрипман,—деди у.— Юринглар, кино бошланди.

Набижон уларни бошлаб кетди.

Эртаси кун эрталаб Дали Умурзоқ блан чиндан ҳам беллашди. Аммо Умурзоққа етолмади, мусобақада орқада қолди.

— Овора бўласан,—деди кулиб Умурзоқ.— Тош кўтариш амакинг бўлмайди.

Дали индамади, Абдуғали орқалатиб юборган тошни кўтариб, тўғон томонга чиқиб кетди.

Санобарни кўрган Набижон таажжубланди. Санобар бир кечада анча ўзгарипти, рангида ранг, ҳолида ҳол қолмапти.

— Сизга нима бўлди, опа? Тобингиз йўқми?

Санобар индамади, чўнтагидан хат олиб, Набижонга берди. Фронтдан келган бу галги хат Йигиталидан эмас, Вано Кеҷховелидан эди. Набижон уч бурчак қилиб тахланган хатни шошиб очди ва қуйидаги сўзларни ўқиди:

„Йигиталининг севимли ўртоғи бўлган сизга, жангчилик салом! Бу гал хатни мен ёзганим учун таажжубга ва ташвишга тушманг. Йигитали саломат“.

— Хайрият,—деди ичида Набижон.— Хайрият.

„Биз Орёл шаҳрини озод қилиш учун олиб борилган қаттиқ жангларда қатнашдик, Йигитали катта қаҳрамонлик кўрсатди. Лекин яраланди. Яраси оғир эмас. Ҳозир дала госпиталида ётипти, ўнг қўли тахтақачлаб қуйилгани учун, хат ёзолмади. Мендан илтимос қилди. Унинг учун мен ёздим. Тез кунда тузалиб, сафга қайтар деган умиддамиз.“

Сизга дўстлик саломи блан: Вано Кеҷховели“.

— Хафа бўлманг, — Набижон Санобарга тасалли берди. — Согайиб қоладилар.

Қурилиш партия ташкилотчиси Санобарни чақириб қолди. Санобар кетатуриб Набижонга тайинлади:

— Бугун ишимиз якунланадиган кун. Бўш келманглар.

Йигиталининг Орёл шаҳрини озод қилишда яралангани ҳақидаги хабар оғиздан-оғизга кўчиб, бир онда бутун қурилишга ёйилди. Олмослилар бир-бирларидан:

— Яраси оғир эмас эканми? Тузалар эканми? — деб сўрар; Набижон уларга:

— Қўли сал лат епти, тузалиб қолади, — деб жавоб қайтарарди.

Умурзоқ, Абдували, Дўнон, Дали, Санобарнинг дугоналари кечга қадар тинимсиз ишладилар. Улар бу қайғили хабарни меҳнат ва бардош блан енгмоқчи бўлдилар.

Кечга томон қурилишга Нодира опа блан Мамажон ака етиб келишди. Бинокорлар йиғилишида бир ойлик ишга якун ясалди. Қурилишнинг партия ташкилотчиси Абдураззоқов доклад қилиб, Мамажонова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси планини 307 процент бажариб, биринчиликни олганини айтди ва Кўчма Қизил байроқни шу бригадага топширди.

Нодира опа сўзга чиқиб шундай деди:

— Эски вақтда, инқилобдан илгари, бизнинг қишлоқда сув ҳақида:

„Амалдорлар пора блан овора,
Келмас Карасконнинг суви“,

деган қўшиқ айтиларди. Кексалар бу қўшиқни яхши эслашади. Совет ҳокимияти бизга эрк берди, ер, сув берди. Косонсой сув ҳовузини қанча тез битказсак, шунча кўп янги ер очиш, турмушимизни тагин ҳам фаровон қилиш учун имкон туғилади. Бизнинг колхозимиздан келган кишилар бир ойда уч ойлик ишни бажарипти. Биз Мамажон ака блан маслаҳатлашиб, уларни яна бир ойга қолдирадиган бўлдик. Улар ишни бўшаштирмай, бугун ютиб олган Қизил Байроқларини қишлоққа ўзлари блан бирга олиб борадилар деб умид қиламиз.

Йиғилишдан кейин, Нодира опа блан Мамажон ака аввал қизларнинг землянкасида, кейин йигитлар ҳузурида меҳмон бўлдилар. Колхоздан келтирилган қўй сўйилди, ош дамланди. Умурзоқ Булоқбошида самоварчи бўлган кунларини эслаб, чойни аччиқ-аччиқ дамлади. Кечаси Нодира опа қизларнинг олдига кириб ётди. Йигитлар Мамажон акага ўз землянкаларидаги сўрининг тўрига жой солиб бердилар.

Кечаси ҳамма ухлагандан кейин, Набижон Мамажон акани секин туртди:

— Ота, гап бор. эшикка чиқайлик.

Мамажон ака блан Набижон омонат кийинишиб, ташқарига чиқишди.

Бу вақт тинни ачитадиған совуқ шамол турған, землянкаларнинг томини қиров босған эди.

— Бай-бай,— деди Мамажон ака.— Бунча совуқ...

— Ота, — Набижон гап бошлади. — Сизга айтадиған гапимни Санобар опамга айтиб, у киши блан маслаҳатлашим керак эди. Лекин гапнинг бир учи у кишига ҳам бориб уланадиғани, бунинг устига Йигитали акамнинг яраланған хабарини эшитиб эзилғанлари учун, яранинг устига туз сепмай деб, айтмадим... Гап шундай...

Набижон Мамажон акага Дали блан Руқия орасидаги можаларни, Далининг Санобарга қўйған муҳаббати, ҳаммаси, ҳаммасини... бирма-бир айтиб берди. Мамажон ака мош-биринч соқолининг учини ямлаб, ўйланиб қолди.

— Раҳмат, ўғлим.— деди Мамажон ака,— яхши айтдинг.

Улар землянкага кирди. Мамажон ака анча вақтгача ухломмай, дам у ёнбоши, дам бу ёнбошига ағдарилиб ётди. Набижон чолнинг хаёл сураётганини сизди. Индамади.

Эрталаб йигитлар ишга кетаётганда, Мамажон ака Далига:

— Сен қол, қишлоққа кетамиз,— деди.

Бир оздан кейин, юк машина келди. Мамажон ака блан Нодира опа, Далини ўзлари блан олиб, қишлоққа жўнаб кетдилар.

VII

Агар одамлардан:

— Дун'ёда нимани яхши кўрасизлар? — деб сўрасангиз, ҳаркимдан ҳархил жавоб оласиз. Биров гулни, биров кўкламни, яна биров отни... Хуллас, ҳарким ҳархил нарсанинг номини айтади.

Бир кун Умурзоқ Абдувалига шундай савол берганда, у:

— Содиқ дўстни яхши кўраман,— деди.

Аммо тарихий қирқ тўртинчи йилда ўзбеклар учун ор-номусдан кучлироқ нарса йўқ эди. Ўша йили пахта планини бажаролмадик. Қасам ичдик. Виждонимизни ўртага қўйиб, хатоларимизни бўйнимизга олиб, Тошкентда чақирилған қурултойда оёққа туриб, ҳаммамиз бир кишидек, қасам сўзларини такрорладик. Оптимизнинг акс-садоси жанг майдонларигача бориб эшитилди. Бутун мамлакат, биродор халқлар ишимизни, турмушимизни кузатиб турди.

Санобар бригадаси чигитни 10 апрельда экиб бўлди. Ернинг нами, қуёшнинг дами, ёшларнинг меҳнати туфайли чигит тез униб чиқди. 40 гектар ерни бўйи бир қарич келар-келмас ниҳоллар қоплади.

Йигирманчи апрель куни Санобар Бобонор ака бошлиқ қўшн бригадага борди. Бригада шийпоня ёнида дошқозонда шўрва қайнатаётган Тожи хола келинини қувониб кутиб олди.

— Кел, қизим, нучук худо ёрлақади?

— Қайнанам суйган-да, ая,— деди Санобар кулиб,— овқатнинг устига келдим.

Тожи хола ечилиб кетди:

— Вой айланай, сени суймасам кимни суяман? Гапингни қара-я. Қани, шийпонга!

Санобар узоқда ишлаётган одамларга қаради.

— Бобонор ака ўша ердамилар?

— Ҳа, ягана қилишаяпти.

Тожи хола қатта чўмич блан шўрвани шопириб кўйди, кейин ичи кавак бўлиб кетган, лекин яшил попуқлар чиқариб, яшнаб турган толга осяғлик зангни урди. Одамлар келабошлади.

Санобар ташвишланди:

— Яганани бошлапсизлар-да. Мен орқада қоппан...

Узоқдан Бобонор аскиянинг овози эшитилди:

— Ия, хуш кўрдик. Қаёқдан кун чиқди? Қадамларига ҳасанот, оплоқ қизим!

Аския Санобар блан қўл Өериб кўришди. Санобар бир ўзи бўлса ҳам, Бобонор ака кўпчилик блан гаплашаётгандек сўзлай кетди:

— Хуш, мусобақадослар, текширгани келипсизлар-да. Майли, текшириб кўринглар, ғўзамизнинг хатоси бўлса, биз беновот... Кейин, қўшиб қўйди.— Яганани бошладингми?

— Йўқ,— деди Санобар.— Радионинг гапига қараганда, совуқ бўлармиш. Дўл ёғмаса деб кўрқиб турипман...

— Ҳавойи гап,— деди Бобонор.— Анов куни қор ёғади деб эди, офтобда қоврилдик.

Аския шу гапларни айтдию, ўзи ташвишга тушиб қолди. Дарҳақиқат, агар дўл ёғса нима бўлади? Яганани бошлаб юбориб, хато қилмадимикан? Утган йили ҳам ғўзани дўл ягана қилиб кетган эди. Аскиянинг ташвиши тобора ортди. Аммо сирни бой бермади.

— Таваккал,— деди Аския.— Кўкка қараб, ишни тўхтатиб қўйиш ярамайди. Дўл уриб кетса, хатоларига яна экамиз.

Бу гап Санобарга ма'қул тушди. Аския рост айтади. Ягана қанча чўзилса, ғўза шунча паст ўсади.

— Ма'қул,— деди Санобар.— Мен ҳам эртадан яганани бошлайман.

Терлаб-пишиб Бибинур келди. У Санобар блан қучоқлашиб кўришди. Санобар жилмайди:

— Сиз ҳам ишга чиқибсиз-да?

Бибинур қўнғироқдай овози блан жавоб берди:

— Ҳозир идорада ўтирадиган вақтми, ўртоқжон! Дадангиз: „Секретарьсиз ҳам ишлай берашан, далага чиқ!“ дедилар.

Санобар кулди:

— Яхши қилибсиз. Бизнинг бригадага бормапсиз-да!

— Нима-нима!—Аския ҳазил-мутойиба дўқ урди.—Йўлбарсдай йнгитларинг, қиличдай қизларинг етмагандай, Бибинурни ҳам тортиб олмоқчимисан?

Бобонор ака овқат вақтида ҳаммани кулдириб ўтирди.

— Менга қумридек қизларингдан ўнтасини юбор. Мен уларнинг ўрнига 20 та кампирни бераман. Бригаданг комсомол-кампирлар бригадаси бўлади.

Санобар блан ёнма-ён ўтирган Бибинур аста сўради.

— Ўртоғингиздан хат-хабар борми?

— Олти ойдан бери хат йўқ, Ҳайронман...

Бибинур уҳ тортди:

— Менинг ўртоғимдан ҳам бир йилдан бери дарак йўқ. Омон бўлишса, келиб қолишар...

Санобар овқатдан кейин бригадасига бориб, эртадан яганани бошлаш кераклигини айтди, кейин Далини бир чеккага чақириб: — Бизникига бориб гул териб келинг,— деди.

Дали қизнинг гапидан ҳечнарсга тушинмади. Унинг бошига „кўнгли бормикан...“ деган фикр келдию, бу фикрдан ўзи қўрқиб кетди. Ҳечнарсга демади. Кетди.

Дали Санобарнинг уйига келиб, боғда ўйнаб юрган Маринани кўрди. Қиз югуриб келиб қўл узатди. Дали у блан кўришди, кейин сўради:

— Отинг нима?

— Марина,— деди қиз эркаланиб.

— Ия, ўзбекчани биласанми?

— Биламан. Опам ўргатганлар.

Дали гулзорга қаради. Текис қилиб экилган атир гуллар сон-саноқсиз гунча бойлапти. Пушти, оқ, новотранг гунчалар у ер-бу ерда энди очилабошлапти. Боғни ёқимли бўй тутиб ётади, гўё ҳаётнинг муаттар нафасидан гулзор ҳам, қуёш шу'лаларига кўмилган бутун жаҳон ҳам баҳра олаётгандай...

Дали Маринадан сўради:

— Қайчи борми?

Марина югуриб чиқиб, айвоннинг токчасидан қайчи келтириб берди. Дали гулзорга тушиб, яшил тиканаклари ҳали қотмаган гулларни ширт-ширт кесабошлади. У гулзорнинг кун ботар томонига экилган „гул ўсмаси“ дарахтидан анчагина майда новдалар ҳам қирқди. Кейин Маринадан ип сўради. Марина бир галтак қора ип келтириб берди. Дали бир нафасда ажойиб гулдаста ясади.

— Хайр, қизча,— деди Марилага у.— Опангиз буюрган эдиялар. Тезроқ олиб борай.

Марина ширин тили блан:

— Хайр, ака.— деди.

Дали Булоқбошига яқинлашганда, даладан қайтаётган Руқияга дуч келди. „Оббо, шу ерда ҳам оёғимнинг остидан чиқдия!..“ У, хаёлга берилиб, тошга қоқилиб кетди, оз бўлмаса йиқилиб гушар эди.

Руқия парво қилмай, ашулани қўйиб келаверди:

„Кеча-кундуз интизор бўлганда келмайдир ҳануз,
Оҳ дедим, овора бўлдим, ёра билмайдир ҳануз...“

Дали индамай ўтиб кетмоқчи эди, қиз унинг йўлини тўсди.

— Ҳа, гули бор йигит,—деди Руқия.—Қани, бир искатинг!

Дали истар-истамас, гул дастани қизнинг думоғига тутди.

— Вой-ву, бунча чиройли. Мана шу ўртадаги қизилини менга беринг!

Дали Руқия танлаган қизил гулни олиб берди. „Эртага Дали менга қизил гул берди, деган гапни тарқатса-я!..“ деган гап кўнглидан ўтди.

Руқия, қўлида гулни ўйнаб туриб, сўради:

— Йўл бўлсин?

Дали индамади. Қиз ўпкаланди:

— Тезроқ боринг, кутиб қолди...

Дали кетаверди. У Булоқбошига етганда, Санобарга дуч келди. Санобар ундан гулдастани олиб:

— Раҳмат,—деди-да, пастга, сой бўйига тушиб кетди. Дали унинг кетидан борди.

Санобарнинг қайрағоч тагидаги „Онамозор“ томонга юрганни кўрган Дали гулнинг нима учун керак бўлиб қолганига энди тушинди. У қизни узоқдан кузатиб турди.

Санобар гулдастани ечиб, гулларни пишиқ ғиштдан ишланган соғона устига бир-бир терди, ўйчан бошини қуйи солиб, шу кўйи узоқ ўтириб қолди.

Қуёш ботиб кетди. Уфуқдаги қизиллик, лабдаги бевафо буёқ каби ўчиб, йўқолди. Энг аввал, кўкнинг қоқ белида — киндагида биринчи юлдуз милтиллади. Енгил шамол эсди. Қайрағочнинг шоҳларида бултурдан қолган битта-яримта туссиз барглар тўкилди. Соғона атрофидаги енгил майса аста тебранди.

Санобар араб ҳарфларини ўқиёлмайди. Аммо у қабр тошига ўйиб ёзилган сўзларни ёддан билади: „Бу ерга 1928 йил, 20 апрельда эрк курашчиси Мунаввархон дафн этилган“.

Дали Санобарнинг олдига боришни ҳам, бормасликни ҳам билмади. Агар борса халал берадигандай туйилди. Кейин, борсам балки дардига шерик бўларман, деб ўйлади. Борди.

— Санобар,—деди Дали.— Улим ҳақ. Ҳаммамизнинг ҳам бошимизда бор. Хафа бўлманг.

Санобар кўз ёшини артди. Ўтирган еридан турди.

— Ҳар хил ўлим бор,—деди қиз.—Бугун ўлиб, эртага унитилиб кетадиган одамлар ҳам йўқ эмас...

У, сойдан тепага чиқатуриб, фикрини Далига тушинтирди.

— Аямнинг ҳалок бўлганига бугун ўн уч йил тўлди. Назаримда, ўлмагандай. Мени бағрига босиб эркалаётгандай...

— Мен аянгишни эс-эс биламан,—деди Дали.— Аямни колхозга олибқирган эдилар.

Тепага чиққанда Дали сўради:

— Йигиталидан хабар йўқ деб эшитаман, тўғрими?

Санобар, бир нарсаси эсидан чиқиб қолган одамдай ҳовлиқиб, Далига қўл узатди.

— Хабар йўқ, ўзи бор,—деди қиз.—Хайр, эртага кечга қолманг, яғанани бошлаймиз.

Дали: „дилига озор бердим шекилли“, деб ўзидан ўкинди. Санобар кетгандан кейин ҳам шу ерда анча вақт туриб қолди. У шу қадар ўйга толган эдики, Руқиянинг келганини билмай қолди.

— Ҳа, на мунча ўй суриш!.. Гулингиз қани?

Дали туйқусдан уйғониб кетган кишидай чўчиб тушди.

— Гулим „Онамозор“ да...

Руқия ишонмади:

— Уша ерда учрашилсизлар-да?

Бу гап Далига алам қилди.

— Руқия, мени тинч қўйинг.— Дали изтироб чекиб гапирди.—

Мен бир ногира одамман. Оёғим оқсоқ, пешанам тиртиқ.. Илми ҳам йўқ. Рўзгор масаласига келсак, ҳозир топаётганим орзу-ҳавасни кўтаролмайди. Ундан кейин, уруш бўлаяпти, тўй-тамоянинг вақти эмас. Уйин-кулгини ўйласам, дилим ранжийди.

Руқия Далидан бундай гапларни кутмаган эди. Ҳайрон бўлиб, қулоқ солди.

— Мен илгари Санобарни билмас эканман, тентак эканман.— Дали сўзида давом этди.— Энди билдим. Мен энди уни бир дўст, бир ака муҳаббати блан севишим мумкин. Шунини билиб қўйинг. Гийбатга ўрин йўқ.. Юринг, кетдик.

Улар катта йўлда кетатуриб, иккови икки хил ўй блан банд эди. Йигитали шунчалик дилгир, олижаноб, ғамгузор, оқида Санобарнинг юрагига ҳамиша озор бериб келганини тушиниб, ичида ўзини-ўзи койир, ўзи ҳақидаги ёмон гапларни Санобарнинг кўнгилдан чиқариб юбориш йўллари ахтарарди. Руқия бўлса, Далининг гапларига ҳамон ишонгуси келмас, „йўл қилаётган бўлса керак“, деб ўйларди.

— Мен уйланмоқчи эмасман,— деди Дали.— Мабодо уйлангудек бўлсам, сизга уйланаман. Муҳаббатингизга ишонаман...

Руқия яшнаб кетди. Далининг бу ёқимли гапларини унинг уз оғзидан яна бир марта тасдиқлатиб олиш учун:

— Сўзингиз сўз-а?— деб сўради.

Дали катта йўлдан уйига қайрилиб, кета туриб:

— Сўзим— сўз!— деди.

VIII

Санобар бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг а'золари— Абдували, Набижон, Умурзоқ, Дўнон айни ғўза парвариши фаслида ўзбек дивизияси сафига қақирилдилар. Булоқбошида, колхоз идораси олдида Дали улар блан қучоқлашиб, қизлар қўл беришиб хайрлашдилар.

— Дали жийрон,— деди Умурзоқ.— Ишни бўшатма, бригадада йигитлардан ёлғиз ўзинг қолдинг.

Тўрт навқирон йигит ўзбек дивизиясига колхоз тақдим этган отларга миндилар.

— Хайр, уртоқлар,— деди Набижон, ўйноқлаб турган отнинг жиловини тортиб туриб.— Юзларингизни ерга қаратмаймиз, немисни бошлаб урамиз.

Санобар бригада номидан сўз берди:

— Сизлар учун ҳам ишлаймиз. Қасамимизни албатта бажарамиз.

Нодира опа Мамажон акага:

— Ишимиз яна оғирлашади,—деди.— Яна тўртта паҳлавонимиз урушга кетди.

Ҳосилот советининг раиси Аҳмаджон ака йигитларни дуо қилди:

— Ой бориб, омон келинглари!

Йигитлар отга қамчи урдилар. Бир неча лақиқадан кейин олисларда отларнинг туёқларидан кўтарилган чанг босилди.

Санобар Аҳмаджон акага маслаҳат солди:

— Ғўзани суғоришни Далига топшираверайми?

Аҳмаджон ака қисқа жавоб берди:

— Ма'қул.

Булоқбошига йиғилган одамлар тарқалди. Санобар бошлиқ ёшлар далага бориб, қоронғи тушгунча чопиқ блан банд бўлди.

Санобар ўзидан тўрт қатор нарида ғўза чопаетган Далига:

— Сизга жавоб,—деди.—Ўқ ариқнинг бошига бориб, сув боғланг. Бугун чопиқдан чиққан қарта эрталабгача сугорилиши керак.

Дали сув бошига кетди

Санобарнинг бели қотиб кетди. Қаддини ростлади. Зўр бериб кетман ураётган Руқияга кўзи тушди.

— Руқия,—деди ҳазиломуз Санобар.—Далини энди талашамиз, ёлғиз ўзи қолди.

Руқия Санобарнинг ҳазилини тушунди.

— У сизга арзимаёйди. Тенг-тенги блан...

Санобар индамади, эгилиб яна чопабошлади. У ўзига савол берди: бир киши иккинчи бировни нимаси учун яхши кўради? Ўзи Йигитлини нечун севди? Қора кўзи учунми? Ёки меҳнатда қозонган шуҳрати учунми?

Севгини ҳарким ҳархил тушинади. Санобар севгини дўстлик, вафодорлик, оғир кунларда ҳамдамлик, истиқбол орзулари... Шуларнинг ҳаммасидан ажратолмайди. Руқия ҳам шундай... Барчамиз ҳам ишқни орзу-умидларимиздан ўзга олиб қаролмаймиз. Ҳар хил англаймиз: истакларимиз турлича. Лекин умумий мақсадимиз бир.

Руқия Дали блан бирга кечиражак ҳаётини кўз олдига келтирди: Аяси шод. Дадаси Аҳмаджон ака куёвидан хурсанд, ҳаммага махтаниб юради. Жажжи-жажжи ўғил-қизлар дам Далининг елкасига минади, дам Руқиянинг бағрида эркаланади. Руқия энди кечалари ишдан қайтганда бир товоқ совуқ таомни ёлғиз емайди. Дали суйган овқатларни ўзи пиширади. Уй гавжум, оила бут бўлади. Агар Дали блан кинога боргудек бўлса, болаларига аяси қараб туради...

Дали сувнинг бошида хаёл суриб кетди: сувни бошлаб қайси ариққа қўяди? У умрида биринчи марта мироблик қилаяпти. Яна ғўзаларга сув бостириб юборса-я? У ҳолда ким бўлади?

Дали сувни очмасдан бурун, чолиқдан чиқарилган қартани йланиб чиқди. Ариқларнинг тартибини, қайси ариқнинг қайси-ига уланишини кўздан кечирди, икки карра иккидек дилига туйиб олди. У бутун қартани саккизга бўлди. Қўлидаги кетмани лан ба'зи ариқларни бўғиб қўйди. Бутун қарта ҳақида аниқ тушун-на ҳосил қилгандан кейин, сувнинг бошига борди, ўқ ариққа сув чди.

Колхозчилар даладан қайтганда, эндигина иккита ариққа сув аралган эди.

Бир тўда қизлар блан пахтазорни ёқалаб кетаётган Қумри ап отди.

— Ҳорманг, мироб! Оқ олтин конини сув конига айлантириб оборманг!

— Бор бўлинг, Қумриой! Иккинчи Ўрта тўқой шу ерда бу- гади.

Кўп ўтмай, далада ҳечким қолмади. Дали пахтазорга эҳтиёт-корлик блан сув қўйди. У ҳарбир ариқни кўздан кечириб турди, Опқа чолиқ қилинган ғўзаларнинг тагига тупроқ бостирди, ба'- ни ариқларни текислади.

Дали авваллари энг осон иш — суғориш бўлса керак деб ўй- тарди. Энди эса суғориш энг қийин иш эканини фаҳмлади. Ярим кечага борганда, ҳаддан ташқари толди. Уйқусини қочириш учун бирнеча марта юзини ювди. Қорни очди. Сувни очмасдан иягари ўйига бориб, овқат қилиб келмаганига афсусланди.

Алламаҳалда бировнинг чақирган товуши эшитилди:

— Дали ака, буёққа қаранг!

Қартанинг ўрталарида, сувнинг текис оқишини кузатаётган Дали орқасига ўгирилиб қаради. Ўқ ариқнинг бошида қўлига сугун кўтарган кимдир турарди. Дали узоқдан пайқамади, ўша то- монга юрди.

Бу вақт Руқия майса устига қуроқ дастурхонни ёзиб, устига нон ёпилган товоқдаги ошнинг гўштини тўғрамоқда эди.

— Қорнингиз очгандир. Бутун кун даладан кетмадингиз. — Руқия ҳурков овоз блан гапирди.

— Чакки овора бўлипсиз, шундан-шунга...

— Овораси борми?.. Қани, ўтиринг, ош совуб қолди...

Дали ошни нонга қўшиб иштаҳа блан еди. Руқия: мен ҳозир овқат қилдим деб, қўлининг учида бир-икки бор ошаган бўлди.

— Раҳмат, — деди Дали қўлини арта туриб. — Қўли дард кўр- масин ким дамлаган бўлса ҳам...

Санобар уйда Марина блан бир оз ўйнашиб ўтирди, унга ўз-бекларнинг „Учар гилам“ ҳикоясини айтиб берди. Кечаси кўнгли ғаш тортди: Дали сувни очиб қўйиб, ухлай берса-я?...

Тожи холанинг:

— Болам, бемаҳалда далага борманг! — деган сўзларига қулоқ солмай, Санобар уйдан чиқиб кетди.

Дали ошдан бўшаган товоқда ариқдан сув олиб симирди. Ке- йин Руқиядан сўради:

— Кечаси ёлғиз юриб ҳайиқмайсизми?

Руқия кулди:

— Бўри ермиди? Битта-яримта яқинлашиб кўрсинчи!..

Дали, кетманининг сопига суяниб туриб, ма'ноли жилмайди:

— Ўрта тўқойда беш путли тошларни кўтарганингиздан ҳам билиб эдим-а!..

Улар гап блан овора бўлиб, Санобарнинг келганини билмай қолишди.

— Суғоришни сизга ишониб қўйиш керак экан? Анов ариқни очмапсиз, сув тошиб кетипти-ку!

Дали ялт этиб, шариллаб сув оқаётган ариққа қаради. Дарҳақиқат, ариқнинг боши бўғилган бўлгани учун, сув тўлиб, ғўзалар оралаб ён ариқларга тошмоқда эди.

— Ия! Эсимни қаранг!

Дали ариқнинг охирига югуриб, бўғиб қўйилган ерни очди: сув пасайди.

Санобар Руқияга қаради:

— Далининг эси сизда экан-да...

Руқия ҳечнарсани билмагандек, анқовсираб гапирди:

— Ким билади дейсиз...

Дали қизлар турган ерга қайтиб келганда, Санобар унга:

— Кетманни менга беринг!— деди.

Санобар ўқариқнинг бошини анчагина беркитди, энди сув бо-ягидай шариллаб эмас, жимиб оқабошлади.

— Суғориш бунақа бўлмайди,— деди Далига у. — Шариллатиб суғориш бўлса, ҳамма ҳам суғораверади. Шошмасдан, жилдиратиб, аста суғориш керак. Одам ҳам сувни аста симириб ичади...

Дали хатосига иқрор бўлди:

— Билмапман... Кечирасиз... Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, деган гап бор. Таваккал қилиб суғораверипман.

Санобар Далининг сув суғоришини анча вақтгача кузатиб турди. Қишлоқнинг хўрозлари қичқирди, шарқдан тонг оқариб келабошлади. Қониб сув ичаётган ғўзалар, енгил шаббадада тебраниб, сирли қўшиқ куйларди...

Санобар Руқия блан бирга кетатуриб:

— Оғир бўлса ҳам, бардош беринг,— деди Далига.— Фронгда қон тўкаётган йигитларга ҳам осон билманг. Сиз ҳам қасамга қўл қўйгансиз. Қасамномамизнинг: „Жон чекмагунча, жонона қайда?“ деган сўзлари ёдингиздан чиқдимми?

Дали май ичиб маст бўлган одамдек, сув ичиб ағдарилган бир туп ғўзани тиклайтуриб:

— Сўзимизнинг устидан чиқамиз!— деди.

IX

Ҳуриятли китобхон, тўпларимиз Одер қирғоқларида гумбирлаган кунлар ёдингиздами? Ўша кунларни йиллар давомида кутдик, галаба шодиёнасига етишмоқ учун ҳижрон ва меҳнат машаққатларини чекдик!

Қаттиқ жанглар блан Одер соҳилига чиқиб олган қисмимиз Берлинга қилинадиган қат'ий ҳужум дақиқаларини кутарди.

Сержант Вано Кецховелининг ҳам бўлими Одер қирғоғида. Ёш жангчи Аркадий Земнухов бир ерда туролмайди. Ҳали у жангчига, ҳали бу жангчига гап ташлайди.

— Бу нима деган гап, ахир қачонгача шу ерда қимирламай ётипмиз? Агар мен генерал бўлсам, ҳозир ҳужумга буйруқ берардим. Берлин кўриниб турипти!..

Кецховели, Аркадийнинг елкасига қоқди:

— Яна саксон чақирим юришимиз керак. Шошма, йигит, ҳар нарсанинг вақти-соати бор.

Вано автоматини тозалаб ўтирган жангчига ишора қилди:

— Ана, ўртоқ Полвоновдан ибрат ол. У беш йилдан бери жанг қилади. Етти марта яраланди. Бўлимда эскилардан у блан иккаламиз қолдик. Эҳ, шунақа ўртоқларимиз бор эдики... ҳалок бўлишди... — Вано келаётган майор Давидовни кўриб қолди, Аркадийнинг елкасига яна қоқди. — Қолган гапни Берлинда гаплашамиз!..

Кецховели Давидовга рапорт берди:

— Ўртоқ майор, бўлим жангга тайёр, буйруқ кутиб ётипти. Давидов смирно турган жангчиларни кўздан кечириб ўтиб кетди.

Йигитали яна жойига бориб ўтириб, автоматини тозалай бошлади. Москва бўсағаларидан Одер соҳилларигача жанг блан босиб ўтган йўллари кўзига кўринди. Бу йўл — оғир йўл, шарафли йўл, озодлик ва истиқбол йўли.

У яқинда фронт газетасида бир ше'р ўқиди. Бир капитан шоир жангчини қуёшга ўхшатипти. Чунки қуёш шарқдан чиқиб, ғарбга қелади. Бу бир рамзий ўхшатиш. Аммо чуқур гап.

Йигитали бугун қишлоқдан хат олди. Лекин ҳали жавоб ёзолган йўқ. Кецховели:

— Езма! — деди. — Балки ўзимиз хатдан илгари бориб қолармиз!

Йигитали Ванонинг худбинлигига қойил қолди. Ишонч ва э'тиқод катта нарса. Биз ғалабага ишонамиз. Олиб бораётган курашимизга э'тиқодимиз зўр.

Йигитали Ваного ҳазил мутаййба гап ташлади:

— Уйга телеграмма бериб юбораверайми, ёки Берлиндан юборамизми?

— Ёзиб қўябер, Берлиндан юборамиз, — деди Кецховели. — Мен сенга айтсам, қацо, эртага Гитлернинг почтахонаси ўзимизники бўлади.

Юраклар халқларнинг улуғ орзуси бўлган дақиқаларга интизор, улар сўнгсиз ишонч блан тепади. Жангчиларнинг чеҳралари очиқ, улар нимагадир ошиқиб, учиб турадилар. Вақт ярим кечадан оғиб, соат тўртлар бўлиб қолган бўлса ҳам ҳечким мижджа қоқмайди. Оддий солдатдан тортиб генералгача ниманидир кутади.

Бирдан тўпларнинг садолари гурлади, еру-кўк ларзага келди. Осмонни гўё ўт олди. Фронт бўйлаб энг сўнгги буйруқ янгради: Фашизмнинг қора уясига — огонь!

Танклар, уларнинг кетидан пиёдалар олға, Берлинга югурди. Майор Давидовнинг қўпоручилар батальони, биринчилардан бири бўлиб, душман мудофаасини ёриб ўтди.

Йигитали Олмосдан беш минг чақирим узоқда, фашизмнинг қора тахтини парчалаш учун югуриб бормоқда. Унинг автомати бир минут ҳам тинмайди.

Танкларнинг занжирлари озодлик жаллодларини эзиб ташламоқда, ўзиюрар тўплар ўт пуркиб илгариламоқда, адолат курашчилари — совет жангчилари қўлларида ғалаба байроғи блан рейхстаг сари югурмоқда. Уларни на гитлерчи мунтазам қўшинлар, на фолькштурмлар, на немис полицейлари тўхтатаолади!..

Май тонгида, ёмғир ёғиб турган, жаҳон Гитлернинг мағлубияти ҳақидаги хабарни эшйтиш учун, дақиқаларни санаб, бутун вужуди қулоқ бўлиб тинглаб турган тонгда, совет қўшинлари Берлинни забт этдилар.

Рейхстагни штурм қилиш вақтида саккизинчи марта яраланган Йигиташи ҳолдан кетгунча отишди. У, жангдан кейин санитария палатасида ётиб, ўзини кўргани келган Кедровелига:

— Вано, дўстим, энди армоним йўқ. Берлинни олишда қатнашдим, шодман. Хуморим ёзилди, — деди.

* * *

Чустда, Заготзерно омбори эшигида турган машина олдига солдат шинели кийган бир йигит келди. У шофердан сўради:

— Қаерга кетасизлар?

— Олмосга.

— Мени олакетасизми?

— Буғдойни ортиб бўлайлик, олакетамиз, — деди шофер.

Йигит бир оз кутди. Буғдой ортиб бўлингач, машинага чиқиб олди. У чамадонларини қопларнинг устига қўйиб, ўзи аста ёнбошлади.

Машина ярим соатча юргандан кейин, йигит йўлнинг ўнг томонига қаради: қалин теракзорни, тепаликдаги иморатни кўрди. У машинанинг кабинасига кафти блан уриб қўйди. Машина тўхтади. Йигит, чамадонларини қўлига олиб, машинадан сакраб тушди.

— Раҳмат, — деди шоферга у. — Биз етдик.

Машина ўтиб кетди.

Йигит теракзор орасидаги сўқмоқ йўлдан Мамажон аканинг уйи томонга юрди. У, тепаликка чиқиб, ланг очилиб ётган дарвозадан ичкарига кирди.

Айвонда ўйнаб юрган Марина, югуриб келиб, ўзини йигитнинг бағрига ташлади.

— Мен сизни биламан, — деди Марина. — Уйда суратингиз бор.

Йигитали акамсиз.

Йигитали қизнинг пешонасидан ўпди.

— Уйдагилар қаерда?

— Далада. Ҳозир айтиб келаман!

Марина югурганча кўчага чиқиб кетди.

Йигитали чамадонларни уйга олиб кирди. Яна ҳовлига тушди. Эшикка чиқди. У шод, бетоқат, ҳовлиқарди. Кейин яна уйга кирди. Беш йил давомида фронтдан ёзган хатлари тол устида тахланиб ётипти. Девордаги ромда—қизил аскар кийимида тушган сурати...

Эшикдан дадасининг:

— Қани, қани?!—деган овози эшитилди.

Йигитали югириб чиқди:

— Мана мен, дадажон, ассалому алайкум!

Ота-ўғил қучоқлашиб кўришдилар.

— Ҳормадингизми, дада! Узоқ вақт кетиб қолдим. Чарчамадингизми?

Мамажон ака гапиролмас, азборойи севинганидан кўзидан дур-дур ёш тўкилар, ўғлини бағридан қўймас эди.

Шу пайтда етиб келган Санобар блан Йигиталининг кўришуви-ни тасвирлашга қаламим ожиз бўлгани учун, му'табар китобхондан узур сўрайман.

Тожи хола, Агафия Петровна, Бобонор аския, Қумри, Дали, Руқия, Нодира опа... Бутун қишлоқ йиғилди.

Мамажон ака Йигиталидан кўзини узмас:

— Санобар йўқлигингни билдирмади. Омон бўлсин!— дер, ўғлини саломат кўриб турган кекса кўзларига ишонмас эди...

ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ

КУЗАК

Боғларнинг етилиб тўлишган чоғи
Дарахтлар тулайди чипор товуқдек.
Тонгда танам қизиб жунжудим бироз,
Назаримда ҳаво хила совуқдек.
Ойнадан қарасам қиров тушибди,
Пахталик тўнимни киптимга илиб,
Ҳовли, боққа чиқсам шохларда беҳи,
Қиров еб ялтирар, шалов боп бўлиб.
Қайтадан ерларда кўкарар гиёҳ,
Нина бўйи майса қулф урар кўм-кўк.
Ўзига тортади ажойиб, кўркам,
Сўлишни истамас кузда ҳам кўклам.
Дарахт япроқлари бошларин чайқаб,
Шохи, навдасидан тушкиси келмас.
Оқ қиров еллари чопар ўйноқлаб,
Барглари юлқилаб тинчига қуймас.
Ҳаводан тиллалар ёғилганидек,
Япроқлар тўкилар шитирлаб ерга.
Сувларнинг ранглари зилол, ўзгача,
Табиат не ажаб, ўзгарар нега?
Миचурин бобомнинг ишлари бирдан
Ёдимга келади кўнглим қувонар.
Кузакга дейман: эй, шошмай тур кузак!
Фан-техникам сени нуқталаб олар,
Кенжа гул, дуварак ахир бечизмас.
Кўкламдек қайтадан кузак гуллайди
Мичури бобонман, буйруғим блан.
Гулларим куз тугул қишда сўлмайди.

Октябрь Социалистик революциясининг
XXXI йиллигига ва Тошкент темир йўл
Бош ишхонасининг (ҳозирги Каганович
номидаги завод) 50 йиллигига бағиш-
лайман.

НАЗИР САФАРОВ

ШАРҚ ТОНГИДА

*1917 йил Тошкент қуроли қўзғолони ҳақида. Тўрт парда ўн бир
кўринишли драма*

ҚАТНАШУЧИЛАР

Шумилов — 45 ёшар. Большевик. Тошкент Ишчи-Солдат Советининг депу-
тати. Тошкент темир йўл Бош ишхонасининг мастери.

Ялангтўш Соҳибов — 25 ёшар. Тошкент темир йўл Бош ишхонасининг
ишчиси.

Баҳром Қосимов — 26 ёшар. 1916 йилги Жиззах қўзғолонининг қат-
нашчиси.

Гулнора — 18 ёшар. Гўзал, идрокли, қишлоқ қизи. Баҳромнинг синглиси.
Ялангтўшнинг севгилиси.

Соҳиб — 55 ёшар. Ялангтўшнинг отаси.

Хосият — 52 ёшар. Соҳиб отаниннг хотини.

Сорокин Владимир Михайлович — 39 ёшар. Майор. Иккинчи Сибирь
ўқчи полкининг офицери. 1917 йил қуроли қўзғолон раҳбарларидан бири.

Генерал Куропаткин — 50 ёшар. Оқ подшонинг Туркистондаги собиқ
генерал-губернатори. 1917 йил февраль ўзгаришининг бошланғич даврлари-
да Вақтли ҳукуматнинг Туркистондаги генерал комиссари.

Генерал Червяков — 40 ёшар. Анархист. Генерал Куропаткиндан кейин
Туркистон Ҳарбий Округининг қўмондони.

Николаев — 50 ёшар. Сохта социалист. Аслида меньшевик. Туркистон
Вақтли ҳукумати комитетининг раиси.

Грехов — 42 ёшар. Эсэр. Тошкент шаҳар Ишчи-Солдат депутатлар Совети-
нинг раиси. Инқилоб ишчилар синфи фойдасига ҳал қилинабошлангач реак-
ция томонига ўтиб олган — хоня.

Генерал Корониченко — 48 ёшар. Жазо экспедициясининг коман-
дир. Кадет.

Волков — 31 ёшар. Подшо амалдори. Вақтли ҳукумат тадбирларини амал-
га оширишда актив қатнашган ҳарбий киши.

Тўрахонов — 29 ёшар. Эсэр. Тошкент эски шаҳар полициясининг комис-
сари. Қора гуруҳларнинг етакчиси.

Азизбой — 45 ёшларда. Маҳаллий мулкдор. Савдогар бой.

Муаттар — Азизбойнинг қизи.

Мақсуджон — Азизбойнинг эшигида ўсиб катта бўлган батрак. Муаттархоннинг эски хуштори, янглишиб полиция хизматига кирган, соддадил ўзбек йигити.

Закриё қори — 35 ёшар, „Шўройи Исломия“ жамиятининг раҳбари. Миллатчи.

Люба — Санитар қиз.

Марков — Солдат.

Алоқачи — Солдат.

Солдатлар, юнкерлар, полициялар ва бошқалар.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

1917 йилнинг баҳори. Азизбойнинг боғ ҳовлиси. Боғнинг чап бурчагида, Соҳиб ота учун ажратиб берилган чолдевор уй. Ўрта томонда дарвоза. Ўртада супа. Ичкари ҳовлига йўл. Парда очилганда сахна бўш. Азизбой олдин, кейин хотин чикади. Азизбой хотинига нимадир гапирган. Хотин эса ташвишли бир ҳолатда.

Хотин — Хўб дадаси, хўб, *(Азизбой эшик томон юриб бори, яна орқасига қайтди)*.

Азизбой — Ҳой... манга қара... *(Ўйлаб)*. Гулноранинг савдоси пишиб қолди... Энангни отангга бепардоз кўрсатма деган... Қизингга тайинладингми?

Хотин — Ҳа... Яхшилаб кийинтирдим.

Азизбой — Упа-эликни дейман.

Хотин — Ҳа... Айтганман.

Азизбой — Хаёли паришон... Пайқаганга ўхшайди ла'нати. Юрагига кир, авзойини бил. Кўнглидан чиқар. Бекор гап дегин. Фаҳмладингми?

Хотин — Фаҳмладим.

Азизбой — Фаҳмлаган бўлсанг, жўна. *(Азизбой куча томон кетди. Хотин ичкари кирди. Муаттар блан Гулнора чиқди)*.

Муаттар — Тўхта... Нега энди... Ўҳу... Қора кўйлак ичида бўғилиб юрган экансан. Қара, нах шофтоли гулидек очилибсанки... Кел, оқ киярингни элаб пардоз қиламиз.

Гулнора — Йўқ, опа, кўнглимга сиғмайди.

Муаттар — Вой... Ўтирсангчи мундай *(Гулнорани ўтқазади)*. Мандан юзинг куйган бўлса ҳам бундай ўтирсангчи! *(Гулнора жойини ўзгартиради)*. Қўйе. Қорангни ташлаб оқ кийганинг нимаси-ю, яна йиғлаб қовоқ шиширганинг нимаси... *(Муаттар кўлидаги ойнага қараб олиб, яна Гулноранинг юзига тикилади)*.

„Нўхат лаб устида бежодир“ дедим, — айди кулиб:
„Саҳв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда“.

(Муаттар Гулнорага тикилади).

Гулнора — Мунча... тикилдингиз?

Муаттар — *(Ҳаҳ-қаҳа уриб кулиб)*. Вой-вой... Қора куяни қаердан юқтирдинг?

Гулнора — Қани?

Муаттар — (Гулноранинг лабидаги холни кўрсатиб). Бу-чи?

Гулнора — (Бармоғи блн холни суртиб). Вой, бу холим-ку.

Муаттар — (Қаҳ-қаҳ уриб кулиб). Хол дегин?.. (Ўзининг лабидаги сун'ий холни кўрсатиб). Менинг холим ҳам чиройлик-а Гулнора?

Гулнора — (Хуш'ёр тортиб). Жудаям чиройлик.

Муаттар — (Кўзига сурма қўябошлаб). Сен сурма қўймай-санми?

Гулнора — Йўқ.

Муаттар — Тавба, сурма қўймайдиган ҳам қиз бўлар экан-да. Қара-чи, кипригим қора бўптими?

Гулнора — Ҳа.

Муаттар — (Зўрлаб ойнага қаратади). Ростини айт-чи, ким-нинг кўзи қора?

Гулнора — Сизники қора бўлмай, меники қора бўлармиди!

Муаттар — (Ҳасад блн қараб). Сеники ҳам қора-ку!

Гулнора — Мен сурма қўймасам, қайдан қора бўлсин?

Муаттар — „Сурма қўймай мунча ҳам жонон қорадир кўзларинг

Ҳарбири жон қасдига боққан балодир кўзларинг“. (Ҳар томон чолиб, ўзига ўзи). Тўғри эмасми... Тўғри эмасми... Сурма блн қорайтирдим кўзимни. Қора кўзга алмашмайман ўзимни... (Пауза). (Кўлидаги ойначани кўрсатади, гапни бошқа ёққа буради). Бу ойначани-чи Гулнора, (кўрсатиб). Мақсуджон акам соғга қилиб берган эдилар. (Пауза). Сен у йигитни кўрмабсан, дун'ёга келмабсан. Нах ясаб қўйган қўғирчоқдек. Қалам қош, қуралай кўз, бир келишганки... (Пауза). У ҳам аканг кетган томонга кетган. Тақдир шамоли қуюн орасига тушган бир хасдек, билмадим қаёқларга учириб кетди.

Гулнора — Наҳотки тақдирнинг тоши шунчалик қаттиқ, аёвсиз бўлса? Наҳотки тақдир бировларга бахтни ёр, бировларга бу дун'ени тор қилиб қўйса.

Муаттар — У нима деганинг?

Гулнора — Опажон, Муаттархон опажон! Ҳеч бўлмаса сиз раҳм қилинг. Отангиз мени алақандай бойга... (Йиғлайди, Ялангтўш блн Мақсуджон кўринади).

Муаттар — Ҳа... Вой нега йиғлайсан?! (Ялангтўшни кўриб). Вой алақимлар келиб қолишди (Қизлар қочиб девор орқасидан мўралашадилар).

Мақсуджон — Ҳой ким бор?

Муаттар — Кимсиз?

Мақсуджон — Муаттархон... Танимадингизми?

Муаттар — (Шошиб). Вой ўлай, Мақсуджон ака... (Ялангтўш ўз чолдевори томон юриб кетади).

Мақсуджон — Салом алайкум Муаттархон. Соғ-саломатми-сиз, катта қиз бўлиб юрибсизми?

Муаттар — Эсон-омон келдингизми?

Мақсуд — Шукур. Яна келдим, амаким, холам саломатмилар?

Муаттар — Шукур. Д дам — ойимлар сизни ҳарвақт эслайдилар... Қани буюққа? (*Гулнорани жеркиб, имо блан кеткизади*).

Мақсуджон — Раҳмат (*энгашиб чемоданини очабошлайди. Орқада Гулнора ранги учиб тикка турар эди. Муаттар қайрилиб қаради*).

Муаттар — Ҳа... нима қилиб турибсан?

Гулнора — Ҳазим, шундай... Муаттархон она, акамни сўраб бермайсизми?

Муаттар — Акангни у киши қаёқдан билсинлар.

Гулнора — Одам-ҳодис, мардикорда учратгандирлар. Сураб берақолинг жон опагон... Келинг, сиздан нима кетади?

Муаттар — Вой... Эркак кишидан қандай қилиб сўрайман. Кет! Уйга бор! (*Итариб кеткизади*).

Мақсуджон — У ким?

Муаттар — Э, ўлсин, асранди қизимиз.

Ялангтўш — (*Девор орқасидан чақиради*). Мақсуджон келмайсанми?

Мақсуджон — Ҳозир, ҳозир (*Чемодандан олган узукни Муаттарга кўрсатиб*). Сизга атаган эдим...

Муаттар — Атаган экансиз... Майли. (*Қўлига тақди*). Қани ичкари кириб!

Мақсуд — Сиз кираверинг, мен ҳозир...

Муаттар — Мен ойимдан севинчи олай... (*Ичкари кириб кетади. Мақсуджан Ялангтўш томон юриб борди*).

Мақсуд — Ялангтўш, уларга кирмасам бўлмайдиган бўлди.

Ялангтўш — Яна қайтиб-а?!

Мақсуд — Ҳа... Иложи йўқ...

Ялангтўш — Бурдинг борми ўзингни?

Мақсуд — Хафа бўлмайсан энди, жўра... (*Ялангтўш жавобсиз Мақсуджондан юз ўгириб айвонча томон борди... Мақсуджон изтироб чекиб бурилди ва Муаттар кирган эшикдан кириб кетди. Ялангтўш айвонда осилиб турган дуторни олди. Кўздан кечирди*).

Ялангтўш — Ўша дутор... Қандай осган бўлсам шундай турипти. (*Кўча томон қараб*). Ойим нега шунча хаяллади экан? Бечора ойим... Жилт тикипти... гард юқмапти... Баҳор фасларида, (*кўрсатиб*). Мана шу супа устида ўлтириб машқ қилар эдим... Ойим бечора... „роҳат қил“ жон болам дер эди. „Роҳат“ни чолар эдим... У ўлтириб тинглар эди... Менсиз ойим бечоранинг роҳати бузулгандир... (*Ўлтиради, „Роҳат“ машқини чалади. Кўчадан кириб келган Хосият хола, машқ қилиб ўлтирган ўғли Ялангтўшни кўиб, бўшашиб кетади.. Ялангтўшнинг кўзи, онага тушади*).

Ялангтўш — (*Юмшоққина*). Ойи...

Хосият — (*Секин*). Ўғлим... Ялангтўшим... (*Кучоқлаб*). Ўғлим... (*Узоқ кўзига тикилиб*). Кўрар куним бўлар экан (*Ялангтўш онагининг қўлтигидан суяб аста секин супага олиб келади ўтқизади. Она ўғлига тикилиб туриб, яна уни қучади*). Бўйларингдан ойинг ўргилсин... Жоним, жигарим... Ёлғизим... Ялангтўшим...

Ялангтўш — Ойижон, дадам саломатмилар?

Хосият — Шукур... Отанг бечоранинг эси-хуши сенда... Сенинг йўлингга кўз тикавериб эси кетди.

Ялангтўш — Муроджонни юбордим...

Хосият — Чол шўрлик келганингни эшитса, эси чиқиб кетади...

Ҳаммага жавоб бўлдимиз?

Ялангтўш — Йўқ... Қочиб келдик.

Хосият — Қочиб келдик? Кимлар блан?

Ялангтўш — Ўн чоғликбиз... Мақсуджон ҳам келди.

Хосият — Вой кеб қолдимиз?

Ялангтўш — Ҳа... Ҳозиргина хўжайинниқига ўтиб кетди.

Хосият — Ҳа... Бўлмаса Муаттархоннинг эгаси келиб қолди-де?

Ялангтўш — Бой, қизини Мақсудга берармиди?

Хосият — Мақсуддан бўлак ким олади — унинг иккаласи эл оғзида озгина гап-сўз бўлдимиз?

Ялангтўш — Ойи... Бойниқига бир бегана қиз бола кўринадимиз?

Хосият — Гулнорани кўргандирсан.

Ялангтўш — Гулнорангиз ким?

Хосият — Жиззахлик бир қиз.

Ялангтўш — У нима қилиб юрипти?

Хосият — Хабаринг йўқми? Хонанг куйгур оқ, подшо бултур Жиззахликларни тўпга тутуб, тум-тарақай қилиб юбормаганмиди? Уша тўпалонда, шўрлик қиз боши оғиб келиб Азизбойнинг қўлига тушади... Миш-миш гапларга қараганда, Азизбой бир савдогарнинг кўп дун'ёсини олиб, қизни сотган эмиш...

Ялангтўш — Қиз чирайликми?

Хосият — Чирайлик ҳам гапми? Қурмагур қизнинг ўзидан бурун кўзи кулади. *(Пешанаси рўмал блан танғиб боғланган, яланг оёқ, елкасида кетман кўтарган Соҳиб ота кўринди).*

Соҳиб — Қани у? Қани Ялангтўш?

(Хосият блан Ялангтўш ирғиб турадилар).

Хосият — Даданг келди.

(Соҳиб ота кирди).

Соҳиб — Ялангтўш... болам...

Ялангтўш — *(Қучоқлаб).* Бақуватмисиз? Дада? Ҳормай, толмай, елиб-югуриб... Чарчамай юрибсизми?

Соҳиб — *(Кўз ёшларини артиб).* Сени кўрдим кўзимга нур, белимга қувват кирди.

Ялангтўш — Қаерда эдингиз?

Соҳиб — Хўжайин янги ерга ариқ очдираётган эди...

Ялангтўш — Ҳали ҳам хўжайин деб юрибсизми?

Соҳиб — Нима қилай ўғлим. Қўлинг қимирласа, оғзинг қимирлайди...

Ялангтўш — Бундан кейин бойнинг ерига ишламайсиз!

Соҳиб — Нега?

Ялангтўш — Эй... Ҳалигача эшитмадиларингми? янги қонун чиқармиш... Бойларнинг ерини қоролларига тортиб олиб берилармиш...

Хосият — Кошки эди...

Соҳиб — Бундай гапни энди эшитаяпмиз... (*Гулнора келди. Юзпана қилиб Хосият холани чақирди.*)

Гулнора — Хола... Хола-ю...

Соҳиб — (*Хосият холага*). Ялангтўш... Ҳой сени айтаман... Қара-чи, биров чақиряпти. (*Соҳиб ота кетмоғини артди... Ялангтўш дутор блан овора.*)

Хосият — (*Гулнора томон бориб кўришди*). Кел қизим.

Гулнора — Акамлар келиб суюниб қолдингизми?

Хосият — Суюнмас куним борми айлансин онанг?

Гулнора — Акамлардан дарак сўрайин, зора-мора бирон дарак топармикинман, деб, чиқиб эдим.

Хосият — Ҳа... сўрай қол... Ялангтўш ҳам ўзингни аканг. Ялангтўш болам, буёққа қарачи.

(*Ялангтўш яқин келади*). Тортинмай сўравур қизим.

Гулнора — Малол келмаса, акамдан дарак сўрай деб чиқиб эдим.

Ялангтўш — Яхши қипсиз. (*Муаттар ичкаридан чиқиб Ялангтўш блан сўзлашиб турган Гулнорани кўради. Шу вақт ташқаридан Азизбой келиб қолади. У отаси олдига чопиб боради. Уни Гулнорага қарши қайрайди.*)

Гулнора — (*Ховотир блан*). Мени акам ҳам мардикорга кетган эдилар... Ҳалиги... Одам ҳодис мени акамни учратиб қолмадингизми, деб чиқиб эдим. (*Азизбойнинг жаҳолати қайнайди*).

Азизбой — Ҳай... кимсан?

Гулнора — Вой ўлмасам... (*Қўрқиб*). Энди нима қиламан?

Ялангтўш — Қўрқманг... Қўрқманг синглим.

Гулнора — Вой энди мани ўлдирдилар. (*Ҳовли томон йул олган Гулноранинг олдини тўсиб*).

Азизбой — Хўш... Нима қилиб юрибсиз?!

Ялангтўш — (*Азизбой томон бориб*). Салом бойота... (*Бой жавоб бермади*). Танимадингизми мени Бойота?

Азизбой — Йўқол! Номаҳрам.

Ялангтўш — И-е...

Азизбой — (*Гулнорани қўлидан тутиб силкиб*). Нима қилишингни ўйламадингми?! Таги паст.

Гулнора — Амакижон, акамни сўрагани чиққан эдим...

Азизбой — Ўйнаш қидириб чиққан эдим — дегин... (*Гулнорани силкиди*).

Гулнора — Вой ўлдим.

Хосият — Ўлдиёй... Бечора мунглиқни ўлдирди, қўлинг сингур.

Азизбой — Нима? Қўлинг сингур деддингми?

Ялангтўш — Нега гуноҳсиз бир муштипарни ғазаблайсиз?

Азизбой — (*Гулнорани урди*). Ғазаблайманми, ўлдирманми, сенга нима! Йўқол... Ишингга бор!

Ялангтўш — (*Гулнорани ажратиб*). Урманг. Урманг бойота...

Азизбой — Қўлимни тутма.

Ялангтўш — Ахир, худо ҳаққи бу ерда ҳеч гап ўтган эмас...

Азизбой — Худони ўртага солади-я? Худони биласанми? Сан. Сенларда диёнат борми?

Ялангтўш — Оғзингизга қараб гапиринг.

Азизбой — (Ялангтўшни итариб). Бор-бор. Йўқол! Бу ердан!

Соҳиб — (Ялангтўшни тортиб). Ялангтўш... Ўғлим... Бой-ота...

Ялангтўш — Ҳой мен сизга айтаман.... Итарманг. (Бой итарберади). Итарманг дейман сизга... Оқибати ёмон бўлади... (Мақсуд келади).

Азизбой — Нима, нима?.. Нима дединг яланг оёқ!.. Йўқол хамманг бу ердан! Ҳой Соҳиб! Кўтар кўчингни! уйни бўшат!

Соҳиб — Хўб бой ота. Кетамиз. Уйингизни бўшатамиз. Лекин бу бечора қизда тариқча гуноҳ йўқ.

Азизбой — Э...э... Ўз қўлим блан тутиб олдиму? Сен мени ёлгончи қилмоқчимисан? А... Имонсиз чол. Ўғлингни тийиш ўрнига-я!

Ялангтўш — Кўпам ҳаддингиздан ошманг... Оғзингизга қараб гапиринг! Ҳақорат қилманг?

Азизбой — Яна гап қайтаради-я астаффурулло...

Мақсуд — Ялангтўш. Қўй, сен бир гапдан қол.

Ялангтўш — Еб қўядиган чоғи бор бу одамни. (Узини бойи тутиб). Мана уринг бўлмаса.

Азизбой — (Уради). Урсам нима қилар эдинг?

Соҳибота — Ҳой урманг.

Хосият — Қўлинг сингур бой. Нега урасан менинг боламни?

Азизбой — Ураман — ўлдираман.

Ялангтўш — (Ажратиб турган Мақсудни итариб ташлаб). Иззатини билмаган ғаламис. (Бойни ёқасидан тутуди ва калла қилади. Бой ғужала бўлиб ийқилади). Уриш мана бундақа бўлади.

Муаттар — Вой дод!! Вой дод!!! Адамни ўлдириб қўйди. (Мақсуджон ийқилиб ётган бойни тургизиш блан овора). Мақсуджон ака... Вой дод адамни ўлдириб қўйди. (Дод солади. Шовқин орасида парда тушади).

Парда

БИРИНЧИ ПАРДА

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Тошкент мусулмон Ишчи-Солдат депутатлари Советининг идораси. Оддий бир айвон. Биринчи кўриниш блан, иккинчи кўриниш орасида бир ой вақт ўтган. Берданка милтиқ блан қуролланган Соҳиб ота соқчилик хизматида. Хурма кўтариб Хосият хола кириб келади.

Соҳиб — Ҳа, хайрият-э... Келдингми?

Хосият — (*Оҳ тортиб*). Улар бўлсам ўлиб бўлдим... Тинка дармоним қуриб кетди... Ўзингда йўқ, оламда йўқ.

Соҳиб — Топилмадимми?

Хосият — Бозорга чиқдим. Одамлар пул чангаллаб тўрт тарафта чопишадилар... Жон сарак бўб, дон излашадилар. Дон қаёқда дейсиз, бир кап зогора уни анқога шафий.

Соҳиб — Арпа - буғдой ош бўлди, олтин - кумуш тош бўлди... Одам одамга қайишадиган замон бўлмади.

Хосият — Қазом етиб ўлгудек бўлсам, товутимнинг усти яланғоч қолади энди.

Соҳиб — Э хотин-э... Бош омон бўлсин.

Хосият — Мирсакмисан мирсак эдия... Яна банорасдан... Ҳали оҳари тушмаган!

Соҳиб — Банорас бўлмаса, парпашаси бўлар... Саломатлик бўлсинчи, хотин.

Хосият — Атиги уч қадоқ макка-жухорига алийшдим.

Соҳиб — Яхши қибсан. Ёмон куннинг бир кунни ўткани ғанимат. Очлик ёмон.

Хосият — Меҳмонингиз шу ердамилар?

Соҳиб — Ва'з айтгани кетишди. Кечадан буен туз тотган йўқ... Оч-наҳор юрипти бечора. Бинойи қибсан. Ўрис бўлса ҳам, олтин ўрис экан. Камбағалнинг устида жонини беради. Ўзи тўғрисида зарра ўйласачи? Бир киши хабар кетирди. Лабзаклаги бир бойнинг уйида жуда катта омбор топилибди...

Хосият — Бир кунликгинасига учраса бўларди ўша бойлар?... Биттаси Азизбой, бир эмас ўн омбори бору, камбағалга фойдаси йўқ. Буғдойдан тортиб, чойгача, қантдан тортиб, газламагача босиб қўйипти.

Соҳиб — Яна оғзингдан чиқаза кўрма... Азизбойнинг омборини ҳам таракана қиладилар.

Хосият — Ажаб қиладилар. Халқ очликдан ўлаяпти... Бу уйгинанг куйгур бойлар фақат ўзим бўлай дейди. (*Ташқсрига қараб*). Келаётганлар кимлар?

Соҳиб — (*Қараб*). Ҳа, ўшалар.

Хосият — Ман кетақолай бўлмаса.

Соҳиб — Хўрдангни ўраб кет. (*Хурмани ўради. Шумилов блан Ялангтўш кирди*).

Ялангтўш — Нимасини айтасиз? Хуррият ғарибларни қувонтирди. Бойларга бу албатта ёқмайди-да. Чархи кажрафторнинг

оғир юки меҳнаткашнинг елкасида эди. (*Баҳром кирди, торти-
ниброқ бир четда туриб гап тинглади*).

Шумилов — Генерал Куропаткин ҳам талвасага тушиб қол-
ди. У кеча Керенскийга телеграмма берипти. Мардикорлар туш-
ган эшелонларни Оренбургдан буёққа ўтказмасликни сўрапти.

Ялангтўш — кетганларни кута-кута, халқнинг тоқати ток
бўлди.

Соҳиб — Ҳамманинг икки кўзи йўлда. Одамларнинг ўйи-ха-
ёллари кетганларда.

Шумилов — Э отагинам, эчкига жон қайғиси, қассобга мой...
Одамлар ғами блан, подшо генерали Куропаткиннинг нима иши
бор дейсиз?

Соҳиб — Дуруст-дуруст... Танаси бошқа дард билармиди.

Шумилов — Шундай Топган баҳонасини қаранг-а? Туркис-
тонда нон йўқ эмиш, Туркистон очлар ўлкаси бўб қолган эмиш...
Туркистонга мардикорларни қайтаришнинг вақти эмасмиш.

Ялангтўш — Қизиқ, мардикорлар қайтмасалар, Туркистон
тўқлар ўлкасига айланар эмишми?

Соҳиб — Элдан эл кетуви блан юртимиздан давлат қочди...
Уларсиз дастурхонимиздам барака учди.

Шумилов — Тўғри айтасиз... Аммо, мардикорлар уйларига
қайтсалар, юрт нотинчланади, дейди, Куропаткин.

Соҳиб — Куропаткин бекор айтипти.

Шумилов — Йўқ, йўқ отахон, Куропаткин тўғри айтади.
(*Баҳром гапга аралашгиси келади, ўнғайсизланади*).

Соҳиб — Бу гапнинг сирига тушунолмадим... Бўлганича бў-
лар. Келинг, қорнингиз ҳам очди. (*Хурмани очиб*). Кампир хўр-
да қилиб кепти...

Шумилов — Раҳмат отахон, раҳмат, сизлар баҳузур.

Соҳиб — Раҳматни қўйиб туринг, кампир сизга атаб пиши-
рппти... Паловга қарздормиз, дейди.

Ялангтўш — Қошиқ ташлашаверамиз-да. (*Баҳромга қараб*).
Қани, буёққа келинг. (*Баҳром ўнғайсизланиб туриб қолди*).

Соҳиб — Ҳой йигит, келмайсизми!

Баҳром — Қуллуқ, отахон, баҳузур олаверинглар.

Ялангтўш — Ундақаси бўлмайди.

Соҳиб — Баҳам кўрамиз, ҳаммамизга етади. Қадимгилар, бит-
та майизни, қирқ киши бўлиб еган эканлар.

Шумилов — Ана ўшанда ҳикмат борда.

Ҳамма — Тўғри. (*Ялангтўш Баҳромни қўлидан тутиб олиб
келди. Баҳром ҳамми блан кўришди Қошиқ ташлаб ича бош-
ладилар*).

Шумилов — Ширин бўпти.

Соҳиб — Ёвғон ош...

Шумилов — Ёғлиқдан ҳам лаззатли... Пўлатга сув берган-
дек бўлди. (*Кулишади*). Шундай... Отахон, Куропаткиннинг сў-
зини мағизига тушунмадилар.

Соҳиб — Сипоҳларнинг тили тўртта бўлади, дейдилар, уг-
лим... Куропаткин ҳам, бир вақтлар, ярим подшоҳ эди.

Шумилов — Ана бу гапингиз хўрдадан ҳам ширин бўлди! (*ҳамма кўлади*). Илгарилари узбек русга, рус ўзбекка душман назари блан қараган бўлса, подшо сиёсатининг меваси эди. Энди одамлар бу рус, бу ўзбек деб қарамайдилар... Энди одамлар бу бой, бу камбағал, бу капиталист, бу ишчи, бу катта ер эгаси, бу ерсиз деҳқон деб, қарайдилар.. 1916-нчи йилдаги, Туркистон қўзғолонида, рус ишчиси блан, ўзбек меҳнаткаши бирлашмагани учун, оқ подшоҳдан енгилган эдилар 1917-нчи йил ўзгаришида бирлашиб туриб подшони йиқитдилар. Хуррият қилдилар.

Соҳиб — Бириккан ўзади, бирикмаган тузати дейдилар.

Шумилов — Ана кўрдиягизми, Куропаткин ана шу бириккишдан чўчиб, мардикорларни Туркистонга келтирмаяпти...

Баҳром — Айтаётган генералларингиз, бултур Жиззахни тўпга тутдирган эмасмиди?

Ялангтўш — Ҳа-ҳа.

Баҳром — У ҳали ҳам тирик экан-да?

Шумилов — Сиз Куропаткинни танийсизми?

Баҳром — Ўзини кўрган эмасман. Эшитганман. Сиз Жиззах ҳокими Рукинни танийсизми?

Шумилов — Эшитканман. Ўзини кўрган эмасман... Янглишмасам, Рукинни қўзғолончилар уриб ўлдирмаганми?

Баҳром — Топдингиз. Рукинни ман уриб ўлдирган эдим-да.

Ялангтўш — Жиззах ҳокимини-я?!

Баҳром — Ҳа.

Соҳиб — Оббо шаввоз-э...

Шумилов — Сиз мардикорга бормадингизми?

Баҳром — Бордим. Фронтида ҳам бўлдим.

Ялангтўш — Фронтида нима иш қилдингиз?

Баҳром — Гўрковлик қилдим. Гўр кавладим. (*Ҳаммининг диққати Баҳромга тортилди*). Худонинг берган куни, юздан ошириб ўлик кўмаман, денг. Қарангки, Жиззахликлар иккита амалдорни ўлдириб балога қолдилар. Шаҳар тўпга тутилди. Уйлар куйдирилди. Катта-кичик демай, ўлдирилди... Хотин-қизлар зўрланди. Фронтида бўлса, бекордан бекорга, минг-минглаб йигитнинг гуллари қирилаяпти. Бунга ҳечким ҳечнима демайди. (*Пауза*). Хуб бўни ҳам қўйинг. Урушни уруш десак, бу ердачи? Очлар подаси кўчаларда тентираб юрипти. Кўчаларда очлар ўлиги... На очга бир бурда нон берадиган хатамтой кўринади, ва на очликдан улганларни кўмадиган гўрков. (*Пауза*). Бундай ўйлаб қарасамчи, имонингиздан ўргулай отахон, бу кўргуликларнинг ҳаммасига сабаб уруш бўлаяпти экан...

Соҳиб — Умрингдан барака топ.

Шумилов — (*Асабий ҳолатини яшириб*). Одамлар кўплаб ўлдирлаяпти... Очлар оёқдан йиқилаяпти... Русия қон ичида сузаяпти...

Ялангтўш — Кечагина ҳаёт садолари янграб турган хонадонларда, букун бойқушларнинг бадҳазим овозлари эшитилабошлади.

Соҳиб — Уруш... Касофат уруш, ла'нати уруш... Ҳамма беэди бу урушдан.

Ялангтўш — Юртимиз вайрон бўлди.

Соҳиб — Ялангтўш, (*Ташқарини кўрсатиб*). Қарачи. (*Ялангтўш ташқари чиқди*).

Шумилов — (*Баҳромга*). Фронтдан қайтиб Жиззахга бордигизми?

Баҳром — Бордим... Туриб бўлмади... Тошкентга қочиб келдим.

Соҳиб — Нима учун?

Баҳром — Ман ўлдирган ҳокимнинг ноиб, ҳозир ҳам Жиззахда ҳоким экан. Кўзғолончилар осиб ўлдирилган дорлар, ҳали ҳам ўрда устида қуруғлик турибти экан. (*Бошқалар бир-бирларига жанолик қилиб, қарашадилар*). Ҳалигача Жиззахда ҳуррият бўлмапти. Ўртоқ Шумилов сиз бўласизми?

Шумилов — Ҳа, хизмат бормиди?

Баҳром — Ҳа.

Шумилов — Гапиринг.

Баҳром — Мардикордан қочиб тўппа-тўғри қишлоғимга бордим... Нимасини айтигин... Қишлоққа бало дариган. Онам очдан ўлипти. Бўй етган синглим тентираб чиқиб кетипти. Ҳеч ердан дарагини тополмадим. (*Ялангтўш кирди*)^{*} Сиз, фирқа тузаяткан экансиз. Ишонаверинг Аламзада, жабрдийда, хонавайрон десангиз ҳам, ман бўламан. Мани фирқага олинг? Қизил гвардиянгизга кираман... Етти пуштим йўқсул ўтган... Ишонинглар, мендан хиёнат чиқмайди...

Шумилов — Сизни бу ерда ҳечким танийдими?

Баҳром — Йўқ.

Ялангтўш — Отингиз нима?

Баҳром — Баҳром, отамнинг оти Қосим. (*Ялангтўш ёзади*).

Шумилов — Мана, биз, сиз блан биринчи танишдик... Ялангтўш.

Ялангтўш — Лаббай.

Шумилов — Баҳромга ман кафил бўлсам, қизил гвардияга оласизларми?

Ялангтўш — Сиз кафил бўласиз-у...

Шумилов — Ҳа. Аввало йўқсул ўтган етти пуштвини, қолаберса бизларни уялтирмас, бу йигит.

Соҳиб — Жабр кўрган экан... Қизил гвардияга лойиқ йигит... Майли, мен ҳам кафил бўлай.

Баҳром — Ишонинг, отахон, ман сизларни уялтирмайман. (*Ялангтўш блан Шумилов ичкари кириб кетди*).

Соҳиб — Хотирингни жам қилавер ўғлим... Сани оладиган бўлдилар.

Баҳром — Қайдам. (*Баҳром хаёл суриб қолди*).

Соҳиб — (*Унга рази солиб*). Тирик кишининг бошига нималар тушмайди, дейсан, ўғлим. Ўзингни олдириб қўйибсан. Юраингга солма. Бу кунлар ҳам ўтиб кетар, яна кўрмагандек бўп кетамиз...

Баҳром — Қуллуқ, отахон. Бизнинг ҳам орқамизга офтоб тегар кун бўлармикан?

Соҳиб — Бўлади. Ажаб эмас... (*Шумилов блан Ялангтўш чиқди. Шумиловнинг қўлида милтиқ*).

Ялангтўш — (*Баҳромнинг ёнига келиб*). Сизни қизил гвардияга қабул қилдик.

Баҳром — (*Кувониб*). Қуллуқ.

Ялангтўш — (*Азолик билетини бериб*). Мана бу гувоҳнома. Иҳтиёт қилинг, кўз қорачиғидек сақланг.

Баҳром — Жонимдек иҳтиёт қиламан.

Шумилов — Мана бу милтиқнинг зўр тарихи бор. Сизга ўхшаган, жабр кўрган, Орлов номли бир темир йўл ишчиси бўлар эди. У 1905 йилда шу милтиқ блан жангга кириб. Қурбон бўлган эди. Бу, ўша, қаҳрамон Орловнинг милтиғи. Энди бу милтиқнинг эгаси сиз бўлдингиз. Сиз, қизил гвардиянинг шунқори бўлинг. Ўзингизга ўхшаганларни зулмдан, очларни ўлимдан қутқазинг. Адолат байроғини барқарор қилиш учун, фидокор бўлинг! Мана шу қасос қуролини жангга солинг.

Баҳром — (*Милтиқни қабул қилиб олиб*). Сиз манга кафиъл бўлдингиз, қуллуқ. Ишонч ҳамма нарсадан улуғдир. Бошим осмонга етди. Армон блан очликдан ўлган онамнинг арвоғи кафиъл бўлсин, ман бу қасос қуролининг донгини дун'ёга ёяман. Озодлик учун қурбон бўлган темирйўлчи акамнинг қасосини олиш учун онт ичаман!

Соҳиб — Балли азамат, балли.

Шумилов — Тилакларингиз сизга ёр бўлсин. (*Қўл олишдилар*).

Парда

БИРИНЧИ ПАРДА

учинчи кўриниш

Биринчи кўринишнинг ўзи. Азизбойнинг ташқари ҳовлиси. Ичкари ҳовлида бойнинг уйи, омбори тинтув қилинмоқда. Буғдой, газмол, қанд, чой ва бошқа озуқаларни орқалаб олиб чиқиб араваларга ортмоқдалар.

(*Муаттархон ичкари ҳовлидан „дод“ солиб чиқди*).

Муаттар — Ада... Ҳо... Ада! Ноинсофлар!! Ақалли егулигимизга ҳам қолдирмадилар... (*Азизбой олдин, комиссар Тўраҳонов кейин, полициялар блан келди*). Ада дейман! Қаёқда қолдингиз? Уйда ҳечнима қолмади... Ҳаммасини ташиб кетдилар, араваларга ортдилар...

Азизбой — (*Ҳаяжонда*). Бор! Уйга кир! (*Муаттар уйга кирди*). Ҳайрият, шаҳар бедарвоза эмас экан. Юрт эгасини эргаштириб келдим. (*Азизбой ичкари ҳовлига кирди. Ялангтўш чиқди*).

Тўраҳонов — (*Ялангтўшга*). Хўш, нима гап?

Ялангтўш — Нима гап бўлар эди? Бойнинг озуқасини мусо-дара қилаяпмиз.

Тўрахонов — Таажжуб... Босқинчилик қилаяпмиз дегин?! Яна куппа-кундуз куни-я!

Ялангтўш — Ҳа... Ўғирликни кечаси қиладилар.

Тўрахонов — *(Дўқ уриб)*. Ҳа! Бу ўғирлик бўлмай — нима?

Ялангтўш — Дағдаға қилманг!

Тўрахонов — Юртни, эгасиз, деб, ким айтди, санга?

Ялангтўш — Юрт эгаси? Қани у?!

Тўрахонов — Мен уни сенга танитиб қўяман.

Ялангтўш — Кимни?

Тўрахонов — Юрт эгасини, комиссарни!

Ялангтўш — Ҳа... Сизними? Сизни таниймиз. Азизбой омборининг қоровулини ким танимайди дейсиз? *(Ялангтўш ичкари кириб кетаётганда Азизбой уни тўхтатди)*.

Азизбой — *(Тўрахоновга)*. Комиссар биласизми? Бу босқинчилик қилгани устига, мардикордан ҳам қочган.

Тўрахонов — *(Ялангтўшга)*. Хужжатингни кўрсат!

Ялангтўш — Қандақа хужжат?

Азизбой — *(Полиция формасидаги Мақсуджонга)*. Мардикордан бирга қочганмидиларинг?

Мақсуд — Ҳа.

Тўрахонов — Хужжатингни кўрсат дейман сенга!

Мақсуд — Тўғриси айтивер... Полицияга ўтсанг, ҳечнима қилмас экан.

Ялангтўш — Сен жим тур, гапга аралашма!

Азизбой — Ўҳў...

Тўрахонов — Мен сени қамадим.

Ялангтўш — Қамадим? Қизиқ... Нима учун?

Тўрахонов — Дезертир — қочоқсан. *(Мақсудга)*. Сен бунни жиддирма.

Мақсуд — *(Ташвишланиб)*. Хўб.

(Гулнора Соҳиботалар кўчиб кетган чолдевор томон ўтди. Азизбой блан комиссар кўчага чиқиб кетди).

Мақсуд — Ялангтўш! Қўй шу қизил гвардиянгни. Комиссарга полиция бўлиб олиб, дўппини яримта қилиб, урганни — уриб, сўкканни — сўкиб юравермайсанми?

Ялангтўш — Сан блан аҳдимиз нимайди?

Мақсуд — Кўйсанг-чи, фронтдаги гапни ҳалигача кўтариб юрасанми? Бугунги гап эртага тўғри келмай қолди-ю...

Ялангтўш — Аҳди ёлғон... Сан бойнинг қизига илашиб, номардлик йўлига кириб кетдинг. *(Ташқарида шовқин)*.

Баҳром — Ялангтўш! Ялангтўш! Ёрдамга кел! *(Ялангтўш Мақсудга тутқич бермай кўчага чопди. Мақсуд уни қувлаб чиқди. Баҳромни қувлаб келаётган юнкер офицери, Баҳромнинг орқасидан отди. Баҳром йиқилди. Комиссар чиқиб қолди. Гулнора чолдевордан туриб бу воқияни кузатар эди)*.

Тўрахонов — *(Йиқилиб ётган Баҳромни кўрсатиб)*. Ким бу?

Офицер — Қуролга тармашди... Отдим.

Турахонов — Яхши қилибсиз... Аравадаги юкларни қайтариб кирятишга команда беринг! (Комиссар ичкари кирди, офицер кетди. Баҳром ёлғиз қолди. У секин ва қийинлик блан бошини кўтарди „Сув“, деб, яна йиқилди).

Баҳром — Сув...

Гулнора — (Атрофни қаради. Ариқ олдида турган сопол косага кўзи тушди. Югурди. Ариқдан сув олди. Баҳром томон бериб, чопончаси блан юз пана қилиб). Мана сув.

Баҳром — (Кўтариллишга уриниб). Вой... Вой...

Гулнора — Мана сув, ичинг. (Тутади. Баҳром ичолмайди. Гулнора ўзи ичирлишга мажбур бўлади).

Баҳром — Сувдек... сероб бўлинг...

Гулнора — Кимсиз ўзингиз?... Вой бечора-ей... (Гулнора, кўтарилмоқчи бўлган Баҳромга кўмаклашишга мажбур бўлади... Муаттар чақиради).

Муаттар — Гулнора, Гулнора қаёқдасан?

Гулнора — Ҳа... Ҳозир (Баҳром ҳушёр тортади).

Муаттар — (Гулнорани кўриб). Ҳой, нима қилаяпсан, Гулнора?

Гулнора — (Урндан турмоқчи бўлиб). Ҳозир-ҳозир!

Баҳром — (Узича). Гулнора? Ким у Гулнора?

Гулнора — Ман.

Баҳром — (Сергакланиб). Гулнора?

Гулнора — Вой ўлмасам, нима қилди? Нега ҳаммаёғингиз қон?

Баҳром — Синглим ким бўласан ўзинг?

Гулнора — Мен бир етим қизман.

Баҳром — Кимнинг қизи.

Гулнора — Қосим амакининг қизи.

Баҳром — Жиззвхлик Қосим амакинингми?

Гулнора — Ҳа...

Баҳром — (Ҳуш'ёр тортиб). Баҳромнинг синглиси?

Гулнора — (Ярим юз очиб Баҳромга қарайди). Сиз унитанийсизми? Баҳром менинг акам бўладилар...

Баҳром — Нималар деяпсан Гулнора. Менга қара-чи... Мен акам Баҳром бўламан! (Гулнора чўчиб унга қарайди. Бошидаги чопонча тушиб кетади. Юзини очиб Баҳромга қарайди).

Гулнора — Акам, акажон... Баҳром акажон. (Ўзини баҳромга ташлайди. Кучоқлайди). Акажон!

Баҳром — Синглим..! Гулнор.

Гулнора — Акажон... сизга нима қилди?

Баҳром — (Зўр блан кўтағилиб). Қўрқма синглим... Тузалиб қолдим.

Гулнора — (Галдираклаб йиқилаёзган Баҳромчи суяб — қучиб). Акажон! (Баҳромни қучиб йиғлаб турганда Азизбой кириб келди).

Азизбой — Ҳой ла'нати. Бу нима шармандалик? (Гулнорани судрайди. Баҳромни итариб ташлайди. Баҳром йиқилади. Туролмайди).

Гулнора — Амакижон!... Акам... Баҳром акам. (Гулнорани судраб олиб кириб кетди. Бойнинг аравадан туширган моллари-

ни яна қайтиб ичкарига кўтариб олиб кирабошладилар. Баҳром яна жонланади. У секин-аста турабошлайди).

Баҳром — Оғайнилар! Қардошларим. Бошини ғам, юрагини алам босган бевалар!! Бечоралар!! Гулнора... Қани мани Гулнорам? „Германлар элимиз бошига фалокат келтираяпти“ деганларида, акаси Баҳромни фронтга жўнатган, „Фронтдаги солдатларимиз оч“ деганларида, оғзидаги ошини солдатларга бериб, ўзи очдан ўлган онанинг қизи Гулнора, менинг синглим бўлади. (Баҳром толиқади. Хаяжонланади... Юк кўтариб кираётганларга кўзи тушади). Ҳой, тўхта! Озуқаларни қаёққа олиб кираяпсан? (Уридан туриб). Ҳой, тўхта дейман... Қани очлар... Бечоралар... Гулнора... Қани Гулнора!! (Юк кўтариб кираётганга урилиб, йиқилди).

П а р д а

ИККИНЧИ ПАРДА

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

„Оқ уй“. Вақтли ҳукумат Туркистон генерал комиссари Куропаткиннинг кабинети. Тўрахонов, Волков, Зикриё қори, Азизбойлар тик туриб, телефонда сўзлашаётган генералга боқмоқдалар.

Куропаткин — (Трубкини зарда блан қўйиб). Ит семирса ағасини қопади.

Тўрахонов — Қўйчўпон кўпайиб кетди.

Волков — Тошкент шаҳар Совети ҳаддидан ошиб бораяпти.

Куропаткин — (Азизбойга қарата). Тошкент Ишчи-Солдат депутатлар Совети сизнинг можарангизга оралашаяпти. Ҳозир шу ҳақда мажлис бўлар эмиш. (Зикриё қорига). Сиз дарҳол Тошсовет мажлисига етиб боринг.

Зикриё қори — Бажонидил. Шахснинг бойлиги дахлсиз ва муқаддасдир. Шариат қонуни абадий ва илоҳийдир.

Куропаткин — Бун сиз Шумиловга, Тошсоветдаги юртбузарларга уқдилинг.

Зикриё қори — Уқдираман! Шариат ислом дун’еси номидан давруқ соламан.

Куропаткин — Ҳа, ҳа... Мусулмонлар номидан норозилик билдилинг. Совет мусулмонлар ишига аралашмасин, денг.

Зикриё қори — Хўп. (Кетди, Тўрахонов Азизбойга „чиқинг деб имо қилди. Азизбой ҳам чиқди).

Куропаткин — Наҳотки мусулмонларнинг ҳаммаси ҳам Шумиловлар ҳурриятдан мамнун бўлсалар-а?!

Тўрахонов — Э, қайда дейсиз, генерал жаноблари. Уларни отарга ўқ тополмай юрганларнинг сони-саноғи йўқ.

Куропаткин — Ўқ бизда сероб... Ана ўша ўқ тополмай юрганлардан полиция тузинг. Уларни қуроллантирамиз.

Тўрахонов — Қани ундай бўлса!

Куропаткин — Ҳуррият авом халқни жинни қилиб қўйди.

Тўрахонов — Ҳуррият оғусини тарқатучилар кўпаймоқда. Уларни темир қафасга солиш керак.

Волков — Унга ҳали вақт бор.

Куропаткин — Ҳозирча шўройи исломчилар блан, улома-ларни яраштириш керак. Янги шаҳарда бўлса эсэр — меньшевик-ларни, социаль демократлардан ажратиб олиш керак. Шу масала-ларни шошилнч ҳал қилмай туриб, авом халқни жиловлаш қийин бўлаяпти.

Тўрахонов — Тўғри.

Куропаткин — Булмаса сизга жавоб.

Тўрахонов — *(Чизъ бериб)*. Ҳўб! *(Кетди)*.

Куропаткин — Ёзинг! *(Волков ёзади, генерал диктовка қилади)*. Тошкент Советининг сиёсий та'сири, Туркистон аҳолиси орасига вабо сингари тез тарқалиб кетди...

Волков — *(Езиб)*. Вабо сингари тез тарқалиб кетди...

Куропаткин — Шу ойнинг бошида, Тошкентнинг эски шаҳа-рида, мусулмон Ишчи-Солдат депутатлари Совети тузилди. У, аҳо-лийнинг дон ва ғайри молларини қурол кучи блан босиб олиб, мусодара қилишга киришди. Улар, Тошкент Советидан мадат олиб *(те телефон жириглади, генерал телефонда сўзлашишга ҳиракят қилади, телефон ишламайди)*. Пуф! Пуф! Штаб! Штаб! *(Қабул-хонага, яраси оқ бинт блан боғланган, қуролли Баҳром ва Марков кириб келдилар. Буларнинг орқаларида Шумилов, Грехов, Червяков. Ялангтўш, Сорокин ва бошқалар киришдилар. Кўтилмаган бу ташрифдан ажабланган генерал, Волковга қараб)*. Буларни сиз чақирдингизми?

Волков — *(Елкасини қисиб)*. Йўқ.

Куропаткин — Майор Сорокин!

Сорокин — Генерал жаноблари...

Куропаткин — Солдатларингиз, оқ уй атрофида нима қилиб юришипти?

Сорокин — Улар Исполком мажлисини қўриқлаш учун қўйил-дилар.

Куропаткин — *(Қаҳрини ютиб)*. У ҳолда „оқ уй“ни қўриқ-лашга эҳтиёж йўқ! Соқчиларни тарқатинг!

Сорокин — Буйруғингизни бажаролмайман.

Шумилов — *(Греховга)*. Бема'ни гапларни қўйиб, ишга ўтайлик.

Куропаткин — Буни сиз кимга айтаяпсиз?

Шумилов — Гап эгасини топиб олади.

Куропаткин — Биламан, сиз ҳаддан ошиб юрибсиз. Югур-дак тил бошга бало бўлишини унутманг!

Шумилов — Ҳа... Қаранг-а! Дарвоқиян, мен, сизнинг Романов-лар оиласининг Туркистондаги сояси эканлигингизни, қарийб, хо-тирдан чиқазаёзган эканман. Узур...

Куропаткин — Давлат арбоби блан бу хилда муомала қилиш..

Шумилов — Лекин биз, сизни демократ давлатнинг арбоби, деб танаймиз.

Куропаткин — Ман, сизнинг танишингизга зор эмасман. Мени бутун Русия танийди. Туркистон халқи ҳурмат қилади.

Ялангтўш — Ёлгон! Туркистон халқи сизни ёмон кўради. Куропаткин — (Ялангтўшга ҳақоратомиз қараб, бошқаларга). Энди кунларингиз шуларга қолдими? Уят, рус наслига! Номус...

Шумилов — Рус номини сўтманг, ўзбекни ҳақорат қилманг!

Сиз Романовлар хонадонининг, ўлим-зулм блан тўлиб тошган, қора тарихга ҳиссадор бўлган, рус генерали эканингизни яширалмайсиз!

Куропаткин — Руслар Романовлар хонадонини э'тироф қиладилар-ку!

Шумилов — Руслар, Романовлар хонадони ҳокимлик қилган Русияни „халқлар тюрмаси!“ деб, ҳисоблайдилар. Николай II „буйруғи блан, Петербург кўчалари, арзғуй рус ишчилар қонига беланган эди, генерал Куропаткин буйруғи блан Туркистон тупроғи, туркистондилар қонига беланди! Буни ҳамма билади!

Ялангтўш — Генералдан кўрган зулмларни Туркистондилар ҳали-бери унитолмайдилар. Генерал қўли блан қурилиб, ис'ёнчилар осилган дорлар ҳали ҳам қуруғлик турипти. Биз ҳурриятни Русияда кўриб келдик. Мана ватанимизга қайтдик. Хўш бу ерда нимани кўрдик?

Баҳром — Русия ҳурриятини Туркистон ҳурриятига тенглаштириб бўладими? Руслар оқ подшони тахтдан тобутга тортганларига бир йил бўлса-ю, унинг сояси Туркистонда ҳамон ҳокимлик қилса...

Ялангтўш — Русия меҳнаткашлари тақдирларини ўзлари ҳал қилабошладилар. Туркистондачи? Туркистонда ҳуррият ташналари Юнкер ва казаклар қирғинига топширилмоқда. Авлод-аждодларимизнинг қонларини ичган, номусимизни оёқ ости қилган, шаҳватпараст хон Худоёрнинг невараси, ҳурриятимизни бўғизламоқда! Узоқ йиллар шафқат ва адолатдан маҳрум бўлиб яшаган туркистондиларга, ҳуррият, тенглик замонасида шуларми раво эди?! Буни қандай қилиб ҳуррият деб бўлади?!

Баҳром — Биз кўриб келган Русиядаги инқилобнинг учқуни ҳам кўринмайди, бу ерда!

Ялангтўш — Туркистонимиз осмонидаги зулм бўронининг булутлари йиртилмаса, рус инқилобининг қуёши ўз нури блан ўлкамизни ёритмаса, золим Николайнинг, ўлкамиздаги бу шум сояси йўқолмаса, туркистондилар ғариб ва ҳуқуқсиз бўлиб қолаверадилар.

Шумилов — Тўғри. (Греховга). Исполком қарорини эшиттирингизни сўрайман?

Грехов — Жаноби генерал! Тошкент шаҳар исполкоми сизни ишдан олиш тўғрисида масала қўйиб...

Куропаткин — Мани ишдан олишга исполкомнинг нима ҳақи бор?

Грехов — Тошкент темир йўл Бош ишхонасининг ишчилари, Сибирь ўқчи полклари, мусулмон меҳнаткашлари сизга ишончизлик билдирганлар.

Куропаткин — Менга Москва ишонади! Керенский ишонади!

Шумилов — Биз ишонмаймиз!

Грехов — Марҳамат қилиб қароримизни эшитинг! (*Ўқийди*).
Тошкент Ишчи-Солдат депутатлар Совети ижроия қўмитаси,
Туркистон ўлкасининг олий давлат аппарати ва қуроли кучларини
реакциячи генерал Куропаткиннинг идорасида бўлишини, инқилоб
ва халқ манфаатига зид, деб қарайди. Шунинг учун вақтли Ҳу-
кумат Туркистон Генерал Комиссари генерал Куропаткин Туркис-
тон қуроли кучлари қўмондонлиги лавозиматидан четлатилсин...

Куропаткин — Ҳақингиз йўқ!

Грехов — (*Уқишда оловом этиб*). Туркистон Ҳарбий Округ
қўмондонлик мансабига, депутат Червяков тайинлансин. Генерал
Куропаткин қамоққа олинсин" (*Солдатлар Куропаткинни ўрай-
дилар*).

Куропаткин — Зўровонлик бу! Мани қамашга ҳақингиз йўқ.

Марков — Қўлингизни кўтаринг! (*Генерал менси майди, Баҳ-
ром биқинига найза тирайди*). Қўлингизни кўтаринг! (*Генерал
қўлини кўтарди*). Баҳром, олтин погонни узиб ол! (*Генерал қар-
шилик кўрсатди*).

Куропаткин — Погонга қўл урма!

Баҳром — (*Погонларни юлиб олиб йўл кўрсатди*). Марҳа-
мат! (*Куропаткин бошини қуйи солди, чуқур нафас олди, секин
қадам ташлади...*)

Парда

УЧИНЧИ ПАРДА

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

„Озодлик уйи“. Айвон усти болахона. Айвондан боғ кўриниб туради. Девор-
га „Бутун ҳокимият советларга“! деб, ёзилган шнор осиглиқ. Айвонда Марков,
Баҳром Соҳиб, ташвишланган бир вазиятда, кўча томонни кузатиб турадилар.
Отрядлар кўчадан от чоғиб ўтадилар. Узоқда „Урра“ овозлари эшитилиб ту-
ради. Болахонадан Ялангтўш шошиб тушти. Баҳромлар уни ўртага олдилар.

Ялангтўш — (*Марковга*). Сиз биринчи полкка борар экан-
сиз. Мана бу хат ўртоқ Казаковга. Дарҳол бирарта соқчи юбор-
син. Ўртоқ Шумиловнинг топшириғи шул. Тушундингизми?

Марков — Тушундим.

Ялангтўш — Югуринг! (*Марков кетди*). Баҳромжон!

Баҳром — Лаббай?

Ялангтўш — Мана бу мактубни майор Сорокинга етказинг.

Баҳром — Хўб бўлади! (*Кетди*).

Соҳиб — Ман нима қилай ўғлим?

Ялангтўш — Сиз, темир йўл ишхонасига борасиз! Мана бу
хатни Першинга етказиш керак бўб қолди.

Соҳиб — Етказамиз ўғлим.

Ялангтўш — Жавобини олиб қайтар экансиз.

Соҳиб — Тинчликми?

Ялангтуш — Туркистон комитетидаги аламзадалар, қимирлашиб қолдилар. Оғзингиздан чиқаза кўрманг-а!

Соҳиб — Йўғ-е... Мен кетдим эса (кетди. Шумилов блан Николаев сўзлашиб, болахонадан айвонга тушдилар. Шумиловнинг қўлида „Рабочий путь“ „газетаси“).

Николаев — Ман катта бошимни кичик қилдим, олдиларингиздан ўтишни лозим кўриб келдим. Сўзлашмоқчиман.

Шумилов — (Ялангтушга имо қилди, Ялангтуш болахонага чиқди ва кузата бошлади). хўш?

Николаев — Гапим ҳалиги... Жавобини эшитайчи.

Шумилов — Тошкент ишчилари, ҳарбий қисмлар, мусулмон меҳнаткашлари, эски исполкомга ишончсизлик билдирганидан воқифсиз.

Николаев — Бугина эмас, ҳатто вақтли ҳукуматга ишончсизлик билдирганларидан ҳам воқифман. Бу бош-бошдоқликка хотима бериш керакми, йўқми?

Шумилов — Аввало бунини бош-бошдоқлик дейишнинг ўзи нотўғри. Инқилобий комитетни Тошкент демократияси сайлади.

Николаев — Мен сизнинг муносабатингизни билмоқчиман.

Шумилов — Жуда соз. Мен, вақтли инқилобий комитетни қувватлайман!

Николаев — Сиз ревкомни қувватлаяпсиз. Аммо рус инқилобинини издан чиқазишга хизмат қилаётганингизни пайқамаяпсиз!

Шумилов — (Заҳарханда қилиб). Рус инқилобинини издан чиқазиш? Сиз бунини тушуниб гапираяпсизми?

Николаев — Ҳа! Тушунишингиз керак! Русия қил устида гурилти!

Шумилов — Биз уни пўлат арқон устига қўймоқчимиз!

Николаев — Немислар Русияни босиб олишга уринаяптилар.

Шумилов — Сизлар эса ёрдам қиляпсизлар.

Николаев — Аксинча.

Шумилов — Биз қилаётган ишимизни ҳечкимдан яширмаймиз. Мана бу газета блан ҳамдарад бўлган ҳарбир граждан она Русиянинг бутунлиги, рус инқилобининг галабаси учун, амалда курашаётган куч...

Николаев — Сиз яна Сталин тўғрисида гапирмоқчисиз.

Шумилов — Ҳа, Сталиндан мунча кўрқасиз?

Николаев — Ҳарбир нарсани унинг гази блан ўлчаш ярамайди.

Шумилов — Нима учун?

Николаев — Сталин таҳририда чиқаётган бу газета, вақтли ҳукумат тадбирларини барбод қиляпти. Русияни немисга қул қилиб беришга ундаётган бу газетага кўркўрона эргашаётганларга ачинаман.

Шумилов — (Истеҳзо блан). Бу тўҳматдан тош ёрилиши мумкин.

Николаев — Бу тўҳмат эмас, ҳақиқат.

Шумилов — Қандай ҳақиқат бўлсин?! Урушни парда қилиб, Русияни чет эл империалистларига сотаётган хўжайинингиз менъ-

шевик Керенский блан, кадет Мельюков эмасми?! Бу сохта ватанпарварларнинг хиёнатларини ростгуйлик блан фош қилаётган кишилар ёлғиз Ленин блан Сталин эканини ким билмайди?!

Николаев — Сиз лойқа сувда балиқ овлашни яхши кўрасиз.

Шумилов — Сиз ҳақиқатнинг кўзига қум сочаяпиз. Инқилобий комитет, вақтли ҳукуматга ишончсизлик билдириб ишчилар синфининг тилагини баён қилди.

Николаев — Вақтли ҳукуматга ишонч билдириш Москва, Петрограддан бошланиб, Тошкентга келганини нега инкор қиласиз?

Шумилов — Телеграмм орқали Тошкентга келтирилган бу ишончга, биз ишонмаймиз.

Николаев — Бу ишонч Бутун Иттифоқ Марказий Ижроия қўмитасининг вақтли ҳукуматга билдирган ишончи.

Шумилов — Биз Марказий Ижроқўмни танимаймиз. Биз Петроград ишчиларининг қудратли овозига қўшилаемиз. Агар зарурият туғилса қонимиз блан ҳимоя қилаемиз. „Бутун ҳокимият советларга“, деган, шюрини илгари сураемиз! Уни амалга ошираемиз! *(Ташқарида машина овози эшитилди. Николаев ташқарига қаради. Тез юриб чиқиб кетди. Шумилов телефон трубкасини олди ва сўзлашмоқчи бўлди. Червяков Юнкерлар блан кириб келди, атрофни ўради).*

Червяков — *(Мулоимлик блан трубкани тутиб)*. Бироз сабр қилинг... Соқчи чақирмоқчидирсиз албатта... Овара бўлманг. Хавфсизлик та'мин қилинган. Атрофда бир батальон юнкер соқчилик қилапти. Менингча кифоя қилса керак. *(Шумилов ҳаракат қилмоқчи бўлди)*. Ортиқ қимирлай кўрманг!

Шумилов — Хиёнатчи.

Червяков — Бу гап эскириб қолди. *(Девордаги шюрни ўқиб)*. „Бутун ҳокимият советларга!“ А биз ким бўлаемиз?

Шумилов — Биз сизнинг душман эканингизни билар эдик.

Червяков — Қизиқ... Билиб туриб нега дўстлашдингиз?

Шумилов — Ҳа, ён бериб хато қилдик.

Червяков — Бу ҳам ўтиб кетган гап.

Шумилов — Бошқаларга сабоқ бўладиган гап.

Червяков — Тўғри. Фақат васият тариқасида...

Шумилов — Одатда жўжани кузда санайдилар.

Червяков — *(Ғазабланиб)*. Уни келажак кўрсатади. Инқилобий комитет а'золарининг қолганлари қани?

Юнкер — Ичкаридалар...

Червяков — Топиб оламиз, *(мазоқ қилиб)*. Вақтли... Инқилобий... Комитет!!! Ревком... Революционный комитет. Қандай даҳмазали исми уйлаб топкансилар-а.

Шумилов — Вақт келади. Ревкомнинг кучини синайсиз... Тушунасиз... Пушаймон бўласиз...

Червяков — Сўнгги пушаймон ўзингга душман дейдилар. Сиз айтқан генерал Куропаткин эди. Олиб чиқинг! Машинага ўтқазинг. *(Ўзи ичкари кириб кетди. Узоқда духовой оркестр са. доси янграйди гўё у тобора яқинлаша боради. Боғ томонда намойишчилар тўлқини пайдо бўлди)*.

Юнкер — (Шумиловга). Бир қадам ўнга, чапга бурилсангиз огоҳлантирилмай отиласиз, юринг. (Шумилов ўрнидан туради. Юнкерлар уни ҳайдаб чиқабошлаши блан Ялангтўш орқада пайдо оўлади. Қўлиди қўл гранатаси).

Ялангтўш — Кўтар қўлингни! Жонингдан умидинг бўлса, кўтар қўлингни! (Юнкерлар шошиб қолади. Қўл кўтаради. Шумилов юнкерларни қуролсизлантиради. Кўча томондан Баҳром, Маркоз, Соҳиб ота, майор Сорокинлар байроқ кўтариб, саҳнага кирадилар. Қўли боғланган Греховни юнкерлар болахонадан ҳайдаб тушқанларида, Шумилов Сорокинларга дуч келадилар. Генерал Червяков зинапояда қотиб қолади. Сорокин Греховни озод қилади, юнкерларни қуролсизлантиради).

Сорокин — Биринчи, иккинчи Сибирь ўқчи полки, темир йўл ишчилари, мусулмон ишчилари, меҳнаткашлари, янги сайланган Тошкент шаҳар Советини ўз раҳбари деб, танийди. Бу байроқ тагидаги жанговар иттифоқ, ўз найзаларини инқилоб душманларининг кўксига санчишга дойим тайёр. (Байроқлар раҳбарларга эгилади, оркестр ўйнайди, Шумилов болахонада туриб нутқ сўзлайди. Орқада Лениннинг улугвор портрети кўринади. Намойишчилар селдек оқади...).

Парда

УЧИНЧИ ПАРДА

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Бешинчи кўринишнинг ўзи. „Озодлик уйи“. Ичкаридаги кабинетларнинг бирида, ижроня комитет мажлиси бўлаётгани сезилиб туради. Овозлар. Қўнғироқ товуши. Юзида ташвиш ва чарчаган ҳолда Шумилов ичкаридан чиқди. Телефон трубкасини олди:

Шумилов — 119... Ўртоқ Сорокин... Ҳа мен. Исполком мажлиси бўлаяпти... Ҳа... Эсэрлар, меньшевиклар, шўройи исломчилар Керенскийнинг буйруғини ёқлашаяптилар... Калтакни-ку ўхшалиб едилар-а... Йўқ, дўқ уришни ташладилар. Тилёғлама бўлиб олдилар. Эски шаҳар чатоқлашди. Йўқ Николаевнинг ўзи аралашаяпти эмиш... Ишончилардан бирнечтасини юборсангиз қалай бўлар экан-а... Раҳмат. Худди шундай... Ялангтўш ўксимаса бўлгани... Қардошлик ёрдамимизга муҳтож... Ҳа... Ҳа... Бизнинг вазифамиз... Хуб ўзингиз тез келинг. (Ичкаридан Грехов, Зикрия қори чиқди. Шумилов гапни тўхтатиб трубкани кўйди. Грехов қўлидаги телеграммани Зикриё қорига кўрсатиб).

Грехов — Ўт блан ўйнашиб бўладими? (Шумиловга). Мана! Бундан қандай қилиб бўйин товлайди киши?

Шумилов — Нима бўпти?

Грехов — Телеграмма. (Узотиб). Ўқинг. Ички Ишлар Министри Никитиндан.

Зикриё қори — Генерал Коровниченконинг келиши муқаррар бўлдими?

Грехов — Йўлга чиқар эмиш.

Зикриё қори — Келсин-э...

Шумилов — Чақирилмаган қўноқ...

Зикриё қори — Келгани ма'қул.

Шумилов — Кимлар учун ма'қул, кимлар учун нома'қул!

Зикриё қори — Тинчлик учун келгани ма'қул, албатта.

Шумилов — У тинчликни бузиш, ҳурриятни бўғиш, Тошкентни қонга ботириш учун келади...

Зикриё қори — Айби йўқ... Тийилмаганлар тийилар экан...

Шумилов — Ҳа, сизлар шуни пойлаб ётибсизлар! Бирингиз дор қуринг, бирингиз сиртмоқ ҳозирланг!

Грехов — *(Соатиға қараб)*. Ади-бади айтишувни хожати йўқ. Ақллашиб бир фикрга келайлик... Зикриё қори афанди мусулмонлар вакили. Буни инкор қилиб бўлмайди.

Шумилов — Буни мусулмон меҳнаткашларидан сўрамоқ керак.

Грехов — Гапни кавласа гап кўпаяди... Соат ўчакишгандек чопаяпти.

Зикриё қори — Керенский жанобларининг берган муддатлари...

Грехов — Эракишиб вақтни ўтказаяпмиз...

Зикриё қори — Қани кирайлик мажлисни бошланг?

Грехов — Аниқ бир фикр блан мажлисга кирмасак бўладими?

Зикриё қори — Яхши...

Грехов — Менимча икки йўлнинг бирини танлашга мажбурмиз.

Зикриё қори — Масалан?

Грехов — Ё инқитобий комитетни тарқатиб, жазо экспедициясининг келишини тўхтатамиз...

Шумилов — А?!

Зикриё қори — Керенский жансбларининг талаблари шу-да.

Грехов — Ёки Керенскийнинг буйруғини бажаришдан бош тортамиз-да, Тошкентни қонга ботирамыз.

Зикриё қори — Уйнашмагин арбоб блан, арбоб урар ҳар боб блан...

Грехов — Шундай.

Зикриё қори — Кўриниб турибти... Оқибат қон тўкилишга келиб етди. Биз бўлсак тангри олдида осий, халқ олдида юзимиз қора бўлди. Грехов афанди! *(Жўшқин уриб)*. Туркистон мусулмонлари номидан, мен, сизнинг биринчи фикрингизни қувватлаганим бўлсин.

Грехов — *(Шумиловга маккорана кўз ташлаб)*. Бошқа иложи йўқ. Ҳамма аксилинқилоб томонга ўтиб кетди.

Зикриё қори — Ундай деманг афандим. Туркистон ҳукумати, Крайсовети, эсэрлар партияси сизнинг томонингизда бўлса... Нега сиз якка бўласиз?

Грехов — *(Шумиловга)*. Хўш сиз нима дейсиз? Керенскийнинг буйруғини бажарамизми йўқми.

Шумилов — Йўқ!

Зикриё қори — Субхонолло... Бу қандай ўжарлик-а?.. Туяни миниб олишни кўзлаш керак!

Грехов — Тўғри-да... Бирси куни генерал Коровниченко ажал отрядини ҳайдаб Тошкентга келади. (*Телефон жириглайди. Трубкани олди*). Ким?.. Бу ерда йўқ! (*Трубкани қўйди*).

Шумилов — Ким?

Грехов — Бошқа киши. (*Бир ишчи кириб келди, Шумиловга конверт узатди*).

Ишчи — Темир йўл ишхонасидан... Митинг қарори... Жазо отрядини бошлаб келмоқчи бўлаётган Коровниченкога қарши билдирилган норозилик.

Шумилов — Яхши, яхши. (*Ишчига янги бир конверт бериб*). Мана бу конвертни ўртоқ Першинга берасиз.

Ишчи — Тузук.

Шумилов — Боринг. (*Ишчи кетди. Грехов асабийлашди. Ичкари кириб кетди. Телефон жириглади. Шумилов трубкани олди. Зикриё қори панада туриб тинглади*). Ҳа... Шумиловнинг ўзи гапираяпти... Ялангтўш... Нима учун? Так..., Так..., Так. Николаевни бир узиними? Қамадиларингизми?

Зикриё қори — (*Ёқасини тугиб*). Субҳонолло... Ялангтўш Николаевни қамайди... Туркистон ҳукуматининг бошлиғини-я! (*Югуриб ичкарига кириб кетди*).

Шумилов — Майли: Ялангтўш бўлмаса Николаевни, Тошкент мусулмон Ишчи-Солдат депутатлар Совети идорасини боскани ва раҳбарларини қамашга уринганлигини, мусулмон меҳнаткашларига малум қилинглари; А... Ҳа... Ҳа... Намойиш ташкил қилинглари! (*Грехов блан Зикриё қори хайжон ичиди*). Николаевни бу ерга олиб келинглари. Исполком мажлисида кўрамир.

Грехов — Нима гап?

Шумилов — (*Трубкани қўйиб*). Эски шаҳар мусулмон Ишчи-Солдат депутатлар Совети Николаевни қамоққа олипти.

Грехов — Туркистон ҳукуматининг бошлиғи Николаевними?

Шумилов — (*Уқдириб*). Туркистон... Вақтли ҳукумат комитетининг раиси Николаевни.

Зикриё қори — Куракда турадиган гапми бу, а!

Грехов — Бу қандай гап!

Шумилов — Барчага ибрат бўладиган гап.

Грехов — Даҳшатку! Бу даҳшат!..

Шумилов — Ҳа, даҳшатсиз инқилоб бўлмас экан.

Грехов — Мусулман Советининг, Николаевни қамашга, қандай ҳақи бор?

Шумилов — Ҳаққи бор экан. Ман ревком номидан уларни қувватлайман.

Грехов — Николаев Туркистон Ҳукуматининг бошлиғику.

Шумилов — Биламиз. Ишчи блан солдат ёқламаган ҳукуматининг бошлиғини... Биз ўз сайловчиларимизни қўллаб қўлтиқлашимиз керак.. Ички Ишлар Министри Никитининг телеграммасидан чўчиб, ваҳимага тушиш ярамайди.

Грехов — Чўчиган киши йўқ бу ерда... Ревкомни тарқатишни ҳукумат талаб қилаяпти.

Зикриё қори— Демак халқ вакил қилган ҳукумат талаб қилаяпти.

Шумилов— Керенский демократия тарафдори бўлган халқнинг вакили эмас. Халқ тинчлик, сулҳ нон талаб қилаяпти. Керенский ва жазо экспедицияси юбораяпти. Ҳуррият тарафдорларига қарши ўлум қонунлари ижод қилаяпти.

Грехов— Бунинг учун биз жавобгар эмас (*қоғозларни кўздан кечириб*). Бу хилдаги қарорлар, митинглар бўлаверади. Коровниченконинг Тошкент сафаридан қайтариш бизнинг қўлимиздан келмайди.

Шумилов— Қўлидан келадиганлар бор. Сиз халоқит бераяпсиз.

Грехов— Йўқ, биз демократиянинг овозига қулоқ солаяпмиз. Москва демократ кенгашининг раиси Чехеидзенинг мурожаати, Русия тупроғидагиларнинг барчасига малум. У, коалицион ҳукумат тузишни мақуллаган экан, у мурожаат Туркистон край советига мақул бўлган экан, хўш нима учун биз шу хилда ҳукумат тузаолмаймиз? Нима учун биз ўз номзодларимизни Туркистон ҳукумати блан край советига олиб кирмаймиз?

Шумилов— Ревком блан Тошкент Совети Чехеидзе тавсияси блан вужудга келганмиди? Москва демократик кенгаши қабул қилган қарорга биз қўл қўтарганимиз йўқ эдику?

Грехов— Бургага ўчакишиб кўрпа куйдирмайлик.

Шумилов— Сиз шундай қилаяпсиз. (*Протоколларни титиб. Грехов: а писанда қилади*). Булар нима?! Нима учун сиз омманинг талабини бажаришдан бош тортаяпсиз? Мана биринчи, иккинчи Сибирь ўқчи полкининг қарори! Мана бу, Артрота, саперларининг қарори. Мана темир йўл Бош ишхонаси, тоштрам, бинокор ишчиларининг қарори. Мана бу, мусулмон Ишчи-Солдат Советининг қарори Буларнинг ҳаммаси Тошсоветни ва Ревкомни ёқлайдилар. Вақтли ҳукумат сиёсатини қоралайдилар. Коровниченконинг Тошкентга келишига қат'ий норазилик билдирадилар.

Грехов— Айтингчи менга сиз, бу жонсиз қоғозлар бизнинг ишимизга қанчалик ёрдам бераолар экан?

Зикриё қори— Шунга айтинг.

Шумилов— Бу қоғозларнинг ҳар варағига ун мингларча ишчи ва солдатнинг юраги жойлашган. Бу юракларнинг уриши ер куррасини ларзага солмоқда!

Грехов— Афсуски бу ҳайқириқлар Коровниченконинг қиндан суғирган қиличини тўхтатолмайди, Менингча биз Керенскийнинг буйруғини расмият учун бажарган бўлиб, Советни, Ревкомни тарқатайликда, коалицион ҳукумат тузайлик.

Шумилов— Биз буни қилолмаймиз.

Грехов— Ростини айтсам ман сизга тушунолмайман!

Шумилов— Тушунишни хоҳламаяпсиз.

Грехов— Қаранга-а!

Шумилов— Коалицион ҳукумат тузиш деган сўз нима?

Грехов— Буни сиз яхши тушунасиз.

Шумилов — Коолицион ҳукумат тузиш — солдат шинели кийган ишчи блан деҳқон иттифоқини қулатиш, қуролсизлантириш, инқилоб кучларининг тинкасини қуритиш, уларнинг жилавини аксилинқилобий буржуазия қўлига тутқазиш деган сўз бўлади!

Зикриё қори — Большевикларнинг — ҳокимият фақат бизнинг қўлимизда бўлсин дейишларичи?!

Шумилов — Йўқ. Большевиклар, ҳокимиятни ишчилар синфининг қўлида бўлсин дейдилар.

Зикриё қори — Большевикларнинг йўлларини ёқлайдиган аҳмоқ ҳали туғулган эмас.

Шумилов — Йўқ афандим. Улар 1905 йил инқилобий бўронларида туғилган эдилар, энди улар сизларнинг ялтироқ ва даларингизга осонликча олдонмайдилар.

Грехов — Жанжалга хотима! Хулосага келайлик.

Шумилов — Хулоса шул. Улим қонунлари ижод қилаётган вақтги ҳукуматга ён беролмаймиз. Тошкент демократиясини қонга ботириш учун жазо экспедицияси юбораётган Керенскийга большевикларнинг жавоби мана шу бўлади.

Грехов — (Зикриё қорига). Бизнинг жавобимиз сизникига зид бўлади! (Грехов, Зикриё қорилар кириб кетдилар! Ичкарида қўнғироқ чалинди. Одамлар шарпаси, Шумилов исполком мажлисига кираман, деб, турганда, Ялангтўш, Баҳром, Марков ва бир нечта қизил гвардиячилар, Николаевни ўртага олиб қуршаб, ҳайдиб кирадилар.)

Шумилов — Жаноб, халқ ҳурриятини бўғишдан қачон тийиласиз?

Николаев — Шундай саволни мен сизга бераман.

Шумилов — Булар сизни қамаб тўғри иш қилганлар. Ревком номидан қамоққа олинишингизни расмий эълон қиламан.

Николаев — (Қуршовдан чиқишга уруниб). Сиз мани қамашга ҳақингиз йўқ. Ман Туркистон ҳукуматининг бошлиғиман.

Баҳром — (Николаевни тўсиб). Керенский бўлмайсанми!.. Ревкомни гапи қонун. Бошқани гапи кетмайди! (Ташқарида от туёқларининг овози эшитилади).

Николаев — Зўравонлик қиляяпсиз! (Қуролли юнкерлар блан Волков киради).

Волков — Керенскийнинг буйруғи мана! Қуролларингизни топширингиз! Қамоққа олинишингиз.

Ялангтўш — (Қўл гранатасига капсил солади, гранатани отишга тайёрланиб қўлини кўтаради). Кўтар ҳамманг қўлингини! (Волков ва юнкерлар писиб қоладилар. Қизил гвардиячилар уларни қуролсизлантирадилар). Керенскийнинг буйруғи эмиш? Қамаш, отиш, жазо отряди юбориш!.. Керенскийнинг бундан бўлак ҳам ҳунари борми?

Баҳром — Керенский жаллодликни касб қилиб олди.

Ялангтўш — (Команда бериб). Тур ҳамманг! (Волков бошқалар оёққа турадилар). Юзингни эшикка ўгир! Ялангтўш улави қуролсизлантириш блан овора бўлиб турганда атрофдан юнкерлар бостириб кирди, Шумилов, Ялангтўшга отилдилар.

Қизил гвардиячилар блан олишдилар, уларни қуролсизлантирдилар. Грехов блан Зикриё қори тантанали равишда чиқди).

Грехов — *(Волков блан Николаевга қўл бериб).* Табриклайман.

Зикриё қори — *(Қўл бериб).* Муборок бўлсин зафарларингизни қутлайман.

Шумилов — *Хоинлар! (Қизил гвардиячиларни ҳайдаб олиб чиқиб кетадилар. Зикриё қори қаттиқ кулади)*

Ялангтўш — *Кўрамиз, галвирни сувдан кўтарганда кўрамиз!*

Парда

УЧИНЧИ ПАРДА

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

„Оқ уй“. Вақтли ҳукумат Туркистов комитетининг наҳоят безатилган катта зали. Червяков, Николаев, Коровниченко ва унинг ёрдамчиси.

Коровниченко — *(Ёрдамчисига).* Бизни ҳоли қолдиринг! *(Ёрдамчи чиқиб кетди, Коровниченко портсигарини очиб ёнидагиларга тутди, Червяков олди, Николаев олмай тургач).* Марҳамат? Николаев!

Николаев — *(Хафалигини сездирмасликка уриниб).* Ташақкур, ҳозир чекдим.

Коровниченко — *(Папиросини икки-уч тортди, оғзи бурнидан тутун чиқарди. Николаевга).* Шундай, қилиб Керенскийнинг буйруғи бажарилмасдан қолаберди денг?!

Николаев — Совет буйруқни бажаришдан бош тортди.

Коровниченко — Да! Сиз нима қилдингиз?

Николаев — Шумиловларни қамоққа олдим.

Коровниченко — Лекин сиз эмас. Барибир, Тошкент Совети ҳали ҳаёт уни иши давом этмоқда! Пойтахт ишчилари иш ташлаш блан оворалар. Шаҳарда тартибсизлик, ит эгасини танимайди.

Николаев — Тошкент қайсарларига энди ишингиз тушяпти генерал!

Коровниченко — *(Ғазабини яшириб).* Чарчабсиз, дам олинг.

Николаев — Қуллуқ.

Коровниченко — Керенский жанобларининг менга берган ваколатлари шундай бўлди.

Николаев — Ман бундан хабарсизман.

Коровниченко — Да! Ман сиз блан расмий гаплашяпман. Ёрдамингизга эҳтиёж туғулгудек бўлса чақиртираман.

Николаев — Илтифотингизга раҳмат.

Коровниченко — Да! *(Николаев чиқиб кетди, Червяков портсигар тутди, генерал олди).* Сиз мен блан ишлашасиз.

Червяков — Жуда чарчаганман генерал.

Коровниченко — Ўлка осмонидаги хатарлар битгач бирга-бирга дам оламиз.

Ёрдамчи — (Кириб). Телефонга...

Коровниченко — (Трубкани олиб ёрдамчига). Сиз манга прокурорни чақириб беринг! (Ёрдамчи кетди). Ҳа эшитаман... Социал демократлар блан ширкат тузиб иш қилаётган Тошсоветдаги „Сўд қанотлар“га менинг номимдан айтингки... Да!.. Мен Тошкентга музокара учун келмадим, жазолаш учун келдим. Да! Ревком блан Совет тезлик блан тарқатилади. Першин, Сорокинлар тутиб берилади. Тошкент ишчилари иш бошлаб юборади. Да! Акси ҳолда жазо механизмини ҳаракатга келтираман! (Трубкани қўйди, асабийлашди, ёрдамчи кирди)

Ёрдамчи — Прокурорнинг ўзи келди. (Генерал жавобсиз зални кезади). Прокурор келиб кутиб ўлтирибти?

Коровниченко — Нега кутиб ўлтирибти?

Ёрдамчи — Чақирган эдингиз - ку?

Коровниченко — (Сўзчи кезади, папиросини чайнаб ташлайди). Кутуб турсун. (Ёрдамчи кетди). Тошсоветдагиларнинг инсофга келишини умид қилиб, бош қотиришга ҳожат борми?

Червяков — даволанишдан ўткан касалдек умидсиздир.

Коровниченко — (Ёрдамчини чақирди, кирди). Прокурорга айтинг, Шумилов блан Ялангтўшнинг тергов материалларини манга келтирсин! (Ёрдамчи кетди, Волков кирди). Хўш?

Волков — Тошкент Совети таклифларимизни рад қилди. (Коровниченко асабийлашди). Бизнинг олдимизга оғизга олиб бўлмайдиган талаблар қўйди.

Коровниченко — Қандай талаблар.

Волков — Тавба, кишининг кулгуси келади. Отрядингиз блан шаҳардан чиқиб кетишингиз керак эмиш. (Коровниченко кулгу кутаради, унга бошқалар қўшилиб узоқ кулишадилар).

Коровниченко — Тошсоветдаги хаёлпараст большевикларнинг бу гаплари тўғридан ҳам кулгулидир. Хулосангиз тўғри, касал даволанишдан ўтган.

Волков — Операция қилиш керак.

Коровниченко — Йўқ. Бироз кечиктирамиз.

Волков — Нега?

Коровниченко — Вазият... (Пауза).

Волков — Сиз бундан..

Коровниченко — Советдан бурун унинг ҳимоячиларини тор-мор қилиш керак бўлиб қолди.

Червяков — Оқилона мулоҳаза.

Коровниченко — Озиқ-овқат танглиги яхши баҳона. Шямол ўқчи полкларини Тошкентдан эвакуация қилишга буйруқ берман.

Червяков — Тошсовет розилик бермаса полк ҳечёққа жилмайди.

Коровниченко — У ҳолда поёкдан маҳрум қиламан.

Волков — Қандай бўлар экан?

Коровниченко — Агар бу ҳам уларни ақлга киритмаса, Шимол ўқчи полкидаги солдатларни армия хизматидадан бўшатаман. Советни ҳимоясиз қолдираман.

Червяков — Шуни яхши билингки, бу полклар Советнинг қанотидир. Артрота бўлсачи унинг юрагидир.

Коровниченко — Қанотини синдираман, юрагини узиб оламан.

Червяков — Кошки эли-я!..

Коровниченко — Да! Мен бу вазифани, генерал, сизга топшираман. Казак полки сизнинг фармонингизда бўлади.

Червяков — Лекин генерал...

Коровниченко — Менинг номимдан ёзинг. Машқ тайёрлиги баҳонаси блан складдаги қуроолларни қўлга киритинг.

Червяков — Буйруқни, бажармасалар-чи?

Коровниченко — Буйруқ бажарилиши учун берилади, генерал. Акс ҳолда, казак полкини ишга соласиз. Ихтиёрингизга бронемашина бераман.

Червяков — Ундай бўлса майли.

Коровниченко — Тайёрлик учун сизга қанча вақт керак?

Ёрдамчи — (Кирди) Шумиловни олиб келди.

Коровниченко — Шумилов? Менингча, ҳаммасидан ҳам қаттиқ бу ёвни (пауза). Олиб кириңг!

Червяков — (Коровниченкога). Кечирасиз, генерал. (Ёрдамчига). Тўхтанг!

Коровниченко — Хўш?

Червяков — Шумиловни судраб юриш керакми?

Волков — Манам шунни айтмоқчи эдим.

Коровниченко — Да! лекин ҳали у менга керак. (Ёрдамчига, Шумиловни олиб кириңг.

Парда

УЧИНЧИ ПАРДА

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Вақтли ҳукумат Тошкент шаҳар полициясининг Маҳкамаси. Айвон. Ўнг томонда панжарали қимоқхона. Камоқхонада Шумилов, Ялангтуш, Баҳромлар. Чап томондан Тўраҳонов кабинетига кирадиган эшик ўргала дераза. Айвонга туташган дуволла куча томонга чиқадиган эшик бор. Соқчилик қилаётган юн-кер панжар: блан кабинет оролигига кезиб турмоқда. Иккинчи соқчи Мақсуджон полиция, паранжилик номалум бир хотин блан хавотирли бир ҳолатда сўзлашмоқда.

Гулнора — Жон ака, сиз менга қиёматлик ака бўлдингиз, йигит буродари йигит, ялиниб сўрайман сиздан.

Мақсуджон — Ростини айтсамчи... Ҳамройим набоб билиб қўйинг-а.

Гулнора — Билиб турибман.

Мақсуджон — Биласизми, аввало Ялангтуш, қолаверса сиз блан акангизнинг юзи деб, ҳали ман уни алдадим. Яхши кўрган қизим сўраб келти, дедим, билмайсизда, „зарурбошад — равабошад“ дегандек бўлди-ла.

Гулнора — Ҳаммалари шу ердамилар?

Мақсуд — Секинроқ. Анави ҳаромзода фаҳмлаб қолмасин яна.

Гулнора — Ҳўб.

Мақсуд — Улар шу ерда. Қачон обкетиши номалум. Кўраман, деб овора бўлманг, ҳичам иложи йўқ. *(Гулнора дастурхонга ўралган тугунни узатиб).*

Гулнора — Иложи бўлмаса чорам қанча. Мана бу сизга! *(Иккинчи тугунни бериб).* Мана буни акамларга берсангиз.

Мақсуд — Хотиржам бўлинг. *(Ташқаридан овоз).*

Овоз — Ҳой, бўлақол.

Мақсуд — Ҳозир.

Юнкер — Но довольна... *(Мақсуд юнкерга „ҳозир-ҳозир“ дегандек ишора қилади. Гулнора кетишга ҳозирланади).*

Мақсуд — Ҳали узукни комиссарга ҳад'я қилди денг?

Гулнора — Ҳа, ёдгор қилиб берипти. Муаттар опамга ёдгор қилган экансиз-ку. Узукни танирсиз, ахир?

Мақсуд — Танийман... Тенг-тенги блан — деб беҳудага айтмаган экан...

Гулнора — Жинси бошқада, бойни қизи...

Мақсуд — У мени алдади.

Гулнора — Жодугардан қутилганингизга шукур қилинг. Бой халқи шунақа бўлар экан. Бировга бировни ёв қилишни яхши кўришар экан...

Мақсуд — Манам фаҳмлаб қўйдим... Уҳ бошим қотти...

Гулнора — Бошингизни қотирманг.

Мақсуд — Э синглим, шу кечаю кундузда ҳеч жойга сиғмайман. Менинг бошимга тушган кунни душманамга ҳам раво кўрмайман. Кўзимга тикилиб туриб „бундан кейин қадамингни боса-кўрма!“ дедия.. Оббо.. Кўзим мошдек очилди...

Гулнора — Хафа бўлманг. Ўша даргоҳдан кетганингиз яхши бўпти. Умрингизни эговлади, улар. Полицияликни ташлайсизми энди?

Мақсуд — Ташлайолмайман. Мардикордан қочиб, кеб, полицияга кирганларни бушатмайди.

Гулнора — Сиз улардан сўраб ўтирасизми? Акамларни олингда, биргалашиб қочинг. *(Ташқаридан овоз „ҳой-ҳой, комиссар келаяпти“, Мақсуджон Гулнорани эшик орқасига яширди. Комиссар, Коровниченко, Червяков, Зикриё қорилар кирдилар. Гулнора чиқиб кетди, Мақсуджон, комиссарнинг қўлидаги узукни кузатар. Комиссар ўз одати бўйича бармоғидаги узукни айлантириб ўйнар эди).*

Зикриё қори — Рус, мусулмон фуқароларининг большевиклар асоратидан қутқазган сиз бўлдингиз.

Тўрахонов — Туркистондилар сизни нажоткоримиз, деб, танийдилар.

Коровниченко — Мамнунман. Туркистонли буродорларимга ачинаман. Бошларингизга тушган букунги кулфатлар, мани бу ўлкага судраб келди.

Зикриё қори — Хуш келибсиз. Гўзал Туркистон сизга пешкаш.

Коровниченко — Қуллуқ.

Зикриё қори — Бизнинг ожизона илтимосимиз нима бўлди?

Коровниченко — Мусулмон батальонини қуроллантиришми?

Зикриё қори — Ҳа-ҳа, жаноби генерал...

Коровниченко — Генерал Червяков сизга ёрдам қилади.

Тўрахонов — Бошимиз осмонга етди.

Коровниченко — (Червяковга). Артротадан неча киши ўлди дедингиз, ҳали?

Червяков — Ўлганлар тўққиз киши, еттикиши ярадор бўлди. Қолганлари қуролсизлантирилиб, қамоққа олинди.

Коровниченко — Шовқин суронсиз ўликларни дафн қилдиринг. Ярадорларни бўлса...

Червяков — Бир бало қилармиз.

Коровниченко — Госпитальга юборакўрманг. Гап кўпаяди.

Червяков — Тушунаман.

Коровниченко — Кечаги хатга шундай, деб, тузатиш киритинг: (Червяков сумкасида қоғоз, қалам олиб, генералнинг офзига тикилади). „Тактика машқи учун қурол керак бўлди, артскладга қурол олиш учун борган офицер ва солдатлар, артрота томонидан ўққа тутилдилар. Фитначи большевикларнинг гиз-гизлаши блан солдатлар биров-бировларининг қонларини тўқдилар. Ўйлайманки ватан манфаатига қарши қаратилган артротанинг бу аксилинқилобий хуружи, ўз ватанига содиқ бўлган ҳарбир солдат, ҳарбир офицернинг қазабини келтиргусидир. Генерал Коровниченко“. Печать қилишга беринг, тездан гарнизонга ва бутун ҳарбий қисмларга тарқатдиринг! (Червяков честь бериб, жавоб қайтаради. Икки букулиб таъзим қилгани ҳолда, Грехов кириб келди). Биласизми, бойқушнинг яхши бир фазилати бўлади?

Зикриё қори — Бойқушнингми?..

Коровниченко — Ҳа-ҳа... Бойқуш бахтсизлик...

Грехов — (Сўзини бўлиб). Узур Бахтсизлик эмас бахт, нохуш хабар эмас, хушxabарлар келтириш, қушингизнинг фазилатидир, генерал жаноблари.

Коровниченко — Зотан, бундан кейин, биз, хушxabарлар эшитишга ҳақлимиз.

Зикриё қори — Иншоолло.

Грехов — Озодлик уйини казак полки қамоққа олди.

Коровниченко — (Қулини узатиб). Гарчи, бу биз учун янглик бўлмаса ҳам, хушxabарингиз учун сизга раҳмат! (Бошқалар кулишади).

Грехов — Қуллуқ: Советнинг газетаси, босмахонаси блан, мусодара қилинди.

Коровниченко — Бу хабарингизни янгилик, деса, бўлади. Хабарингиз бўлмадими, қамалганлар ичида Першин бормикин?

Грехов — Афсуски йўқ.

Коровниченко — Сорокинчи?

Грехов — Йўқ бўлса керак. Першинни, Петроградга кетган, деган, овозлар бор.

Коровниченко — У Ленин, Сталин блан кўришгани кетган албатта! Барибир уни Питерда тутадилар. (*Ташқаридан Волков ҳаяжон блан киради*).

Волков — Жаноби генерал Тошкентда яна намойишлар бошланди.

Коровниченко — Сабаби?

Волков — Намойишчилар депутатларни қамоқдан чиқазишни талаб қиладилар.

Червяков — Бу албатта коммунистларнинг фитнаси!

Ҳамма — Шубҳасиз.

Коровниченко — (*Червяковга*). Сиз Волковни олинг. Юнкерлар мактабини, офицерларни, казакларни қуроллантиринг. Мумкин қадар тинчлик блан намойишни тарқатинг. Акс ҳолда ҳарбий ҳолат э'лон қилинади. (*Греховга*). Сиз уларнинг ичига киринг, сирини билинг.

Червяков — Менга рухсатми?

Коровниченко — Шошилинг! (*Червяков, Волков, Греховлар кетадилар*). Тўрахонов! Шумиловни олиб чиқинг!

Тўрахонов — Ҳозир. (*Юнкер олдига бориб, эшикни очдириди, ичкари кирди*).

Коровниченко — (*Зикриё қорига*). Бироз бизни ҳоли қолдирасиз.

Зикриё қори — Бажонидил. (*Чиқиб кетди. Тўрахонов Шумиловни олиб чиқди. Соқоли ўсган, ранги ўчган Шумилов, Коровниченкога рўбарў бўлди*).

Коровниченко — Салом! утиринг! (*Тўрахоновга кўча томонни ишора блан кўрсатиб*). Хабардор бўлинг!

Тўрахонов — Хўб. (*Кетди*).

Коровниченко — Янглишмасам, биз учинчи маротаба учрашамизми?

Шумилов — Фойдасиз ўтаётган вақтларга ҳайфим келади.

Коровниченко — Бу сафарги учрашишимиз ўз натижаси блан пойтахт аҳолисига тинчлик бағишлар, деган, умиддаман.

Шумилов — Ажаб эмас.

Коровниченко — Мамнунман... Букун тамом бошқачасиз.

Шумилов — Кишининг биринчи ёрдамчиси ақлдир... Агар...

Коровниченко — Ма'носини очиброқ сўзлашингиз мумкинми?

Шумилов — Демокчиманки, — агар генерал муҳокама қобилиятини йўқотмаган бўлса, уни ақл йўлига киритиш айни муддаомдир.

Коровниченко — Но-о-о!

Шумилов — Ўйлайманки, сиз букун, кечаги мақсадингиздан қайтгандирсиз.

Коровниченко — Яна ўжарлик. Асабимга тегманг. Замон... Одамлар ўзгариб кетди... Сиз қотиб қолгансиз. Тутган еримдан кесаман дейсиз. Биласизми, сизнинг қайсарлигингиз мана букун яна 57 кишининг бошига етди. Кеча „инқилобнинг тўнғич бола-си“, деб, кўкларга кўтарганингиз, Ташкент Совети, ревкомингизни оёғи осмондан келтирилди, бир умрга ер бетидан судурилиб ташланди.

Шумилов — Ёлғон гапираяпсиз, ёки муболаға қилаяпсиз.

Коровниченко — Виждоним ҳақи, ишонинг.

Шумилов — Одамларни қамашингиз, ҳатто ўлдиришингиз мумкин, лекин советни бир умрга йўқотиш қўлингиздан келмайди.

Коровниченко — Сиз ўз э'тиқодингизга қаттиқ ишонган кишисиз... Бў эса ярамайди, модомики, қон тўкилишига қарши экансиз ўжарлик қилманг, ён беринг.

Шумилов — Фараз қилингики, мен хоинлик қилиб сизга ён бердим, аммо орада ишчилар, меҳнаткаш деҳқонлар синфи бор, улар ҳурриятдан, ўз э'тиқодларидан воз кечмайдилар.

Коровниченко — Халқ бир пода.

Шумилов — Нотўғри. Бутун бошлиқ шоп-шалоп тоққан Сиздек жазо отрядининг генерали, оддий бир подачилик родини ўйнайолмаяпсиз-у, яна халқни подага ўхшатасиз. Тасаввурингиз сохта, муҳокаманингиз янглиш генерал. Асрлар ҳаёли ҳақиқатга айланаётган бу кунда, сиз эндигина қуллик кишанидан қутилаётган кишиларнинг бўйинларига яна қайта кишан солмоқчи бўласиз. Беҳудага кучанасиз. Ишчилар синфи ҳимоясида бўлган рус инқилобини генерал Коровниченконинг жазо экспедицияси ҳам, Керенский блан Антанта ширкатининг қора кучлари ҳам қулатолмайди! (*Азизбой олдин, Зикриё қори кейин, юзуриб келишди. Иккаласининг ҳам ранги, қути ўчган, толиққан*).

Азизбой — Комиссар! Комиссар! (*Генералга кўзи тушиб эсанкиради*).

Зикриё қори — Жаноби генерал кўчада тўпалон!

Азизбой — Яна кўзғолон!

Зикриё қори — Отряд чақиринг керак, жаноби генерал. Яланг оёқ большевиклар подицияга тутқич бермаяпти.

(*Тўрахонов шошилиб кирди*).

Коровниченко — Нима тўпалон?

Тўрахонов — Эски ва янги шаҳарда қуроли намойиш... Муслмон батальонини отлангирдим. (*Зикриё қори блан Азизбойга*). Сизлар боринглар, халқни босинглар! (*Улар кетдилар*).

Коровниченко — (*Шумиловга*). Демак биргалашиб ҳаракат қилишни хоҳламайсиз?

Шумилов — Кунни тунга айрбош қилган кўршапалак. Овора бўлманг, Шумиловдан қўғирчоқ ясайолмайсиз.

(*Шумиловни қамоқхонага киритади*).

Коровниченко — Бизга энди буларнинг кераги йўқ.

Тўрахонов — Манам шуни айтмоқчиман.

Коровниченко — Оталигини сизга топшираман.

Тўрахонов — Ўлдиришними?

Коровниченко — Ҳа! Қани буёққа! (*Шошилиб ичкари кидилар*).

Мақсуд — Фаҳмлаяпсанми?

Юнкер — Тугунчада нима бор?

Мақсуд — Ош!

Юнкер — Ош?

Мақсуд — Фаҳмладингми, дейман.

Юнкер — Қўявер, кеча ўзинг айтмадингми, кўрдингки ош, кўтарма бош... (*Юнкер тугунчани олишга югуриб кетди, олиб келди*).

Мақсуд — (*Тугунчага тармашиб*). Тўхта, тўхта, дейман! Бунисини манга бер! (*Бермайди*).

Юнкер — Аниқ бўлдики, буларни ўлдирар экан. Сен қайси-сини отасан?

Мақсуд — (*Гангиб*). А? Ўлдирадими?

Юнкер — Мэн анави бошлигини, большевинини отаман... (*Мақсуд тугунчани тортади, Тўрахонов чиқди, тугунни яширдилар*).

Тўрахонов — (*Соқчилар олдига келиб*). Оч!

Юнкер — Ошними?

Тўрахонов — (*Тушунмасдан*). Ошинг нимаси, эшикни оч! Шумиловни олиб чиқ! (*Кўчада шовқин эшитилади, Тўрахонов хавотирда, шошилини ташқари томон юрди*).

Юнкер — (*Эшикни очди*). Кир, обчиқ!

Мақсуд — Ўзинг кир.

Юнкер — (*Тугунчани қўлига олиб*). Кир, дейман! (*Мақсуд-жонни итариб киритади, тугунчани очади, оч кўзлик блан рини ошаб*), „кўрдингки ош, кўтарма бош“. Яхши гап. (*Мақсуд-жон ичкаридан чиқиб тугунчадаги нонни олди, ичкари томон юрди, юнкер нонга тармашади, тортишдилар, нон синди, ичидан тўппанча чиқди, ерга тушди, Мақсуджон уни юнкердан гаввал тез олиб қўйнига солди ва ичкарига югурди. Шу минутда Ялангтўт, Баҳром рўбарў келди. Тўппончани Ялангтўшга узатиб*).

Мақсуд — Гулнора келтирди, санга (*Баҳром юнкернинг кесиртагидан бўғди*). Ялангтўш тўппонча блан юнкернинг каллагига урди, юнкер йиқилди, Шумилов чиқди). Комиссар сизларни ўлдирмоқчи!

Шумилов — (*Юнкерни кўздан кечириб*). Бўпти, қочайлик! Дераза олдига бориб). Мана буёққа. Шумилов, Ялангтўш, Баҳром деразадан ўзларини ташладилар Тўрахонов келиб қолди. Мақсуд ташлашга улгуролмади, шошиб қолди).

Тўрахонов — Нима гап?

Мақсуд — Қочди, қочди ла'натилар! (*Гўё уларнинг орқаларидан отмоқчи бўлгандек*). Отайми? Отайми?

Тўрахонов — (Мақсудга қараб ўқ узди). От! (Мақсуд йиқилди, Мақсудга кўз тикиб). Ким қочирди? (Коровниченко чиқди).

Коровниченко — Нима гап? Нима тўпалон?

Тўрахонов — Шумиловлар қочибти! (Иккаласи ўликларга ва кучадаги ҳаракатга тикилди).

Коровниченко — (Тўрахоновга). Бу энди сизга жуда қийматга тушажак.

Парда

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

ТЎҚҚИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Тошкент темир йўл ишхонаси блан шимол ўқчи запас полкини ажратиб турган чегарадаги қоровулхона будкаси. Будка ёнида ёлғиз бир хона, медпункт. Люба Гулнорага солдат формасини кийинтирмоқда.

Люба — Кейин нима бўлди?

Гулнора — Нима бўларди? Муаттарга орданган эканман, деб, ўзи иқрор бўлди... Қилмишларидан ўкинди.

Люба — Майор Сорокин хурсанд. Фақат нонни ўз қўлинг блан беролмаганингдан ташвишланаяпти халос.

Гулнора — Нима қилай, иложи бўлмади.

Люба — Хайр, ташвиш тортма. Уларни қутқазиб учун бир эмас икки полк тайёрланаяпти. Қўшнимиз темир йўл ишхонасининг ишчилари иш ташлаб, намойиш қилмоқдалар. (Ойнага қараб). Мана қараб кўрчи? Сени ким қиз бола десин энди?

Гулнора — Вой, турқумдан топилмапти-ку? Энди нима қиламан, ўғил бола бўпман қопман...

Люба — (Кулиб). Ўғил бола бўлсанг ёмонми?

Гулнора — Яхшими бўлмаса...

Люба — Энди сени ҳечким қиз бола демайди, фақат қилигингнинг кўриб қиз бола демасалар.

Гулнора — Ҳо-о... Ман қилиқ қилармидим, (шўхлик қилиб).

„Ман сани йигит десам,

Қилигинг қиздаккина.

Олмачаю олмача, анор қурбонинг бўлай,

Гулнор қурбонинг бўлай“.

Люба — (Гулнорани қучоқлаб ўпади). Мунча ширин бўлмасанг-а Гулнора; мунча асал бўлмасанг-а Гулнора?

Гулнора — Бундан кейин ман қиз бола эмасман. Акамларнинг қаватларига кираман, гвардиячи бўламан... Люба опа полк байроғини ман кўтариб борар эканман...

Люба — Биламан.

Гулнора — Яловбардор бўлар эканман. Акамларни қамаб қўйган ерни билиб олдим. полкнинг олдига тушаман, тўшпа-тўғри олиб бораман...

Люба — акангларни озод қиламиз.

Гулнора — Албатта. Ундан кейин...

Люба — Гулнора сан энди туратур, Сани кийинтирганимни майор Сорокинга айтиб келай.

Гулнора — Айтмай кўяқолсангиз нима бўлади?

Люба — Бўлмайди Гулнора. Бажарган ишинг тўғрисида дарҳол бошлиқни хабардор қилмасанг бўлмайди. Ман дарров келаман, тайёр бўб тур.

Гулнора — Тайёрмакку! (Люба чиқиб кетди, Гулнора ўз-ўзича гапиради). Ялангтўш акам бўлмаганларида ман нима бўлар эдим? У сабаб бўлдики, ман азизбойнинг қопқонидан халос бўлдим, (Пауза). Унга кўнгил берганимни ўзим ҳам билмай қолдим. (Пауза). Ҳа... Кўнгил берсам нима бўпти?.. У мани деб, озгина жафо чекдим... У акамни топиб берди... Қани энди ҳозир кириб келақолса... Икки қўлимни мана бундай қилиб (ҳавони қучоқлайди). бўйнига ташласам, бошимни кўксига қўйсам, юрагимдаги дардларимни айтсам... Вой ўзимдан-ўзим нималар деб алжираябман-а! (Хаёл суриб, ҳушёр тортгандек). Ўзим тўғри бўлганимдан кейин мани бўри ермиди? (Уиланиб). Шундай дейману... Бу саллот дегани худди оч бўрига ўхшар экан. Кеча ошхона ўчоғига ўт қалаб турган бир соллат, шундай тикилдик, нах еб кўяман дейди-я?! Бордию бошқа соллатлар ҳам ўшанга ўхшаб кўзларини кўзимга қадаб туриб олсалар, нима қиламан? (Пауза). Нимасидан кўрқдим?.. Тикиладиган кўз уларникиякан... Куни бўйи тикилмайдиларми, манга нима?.. Люба опамдан менинг қаерим ортиқ, бунақалар блан ўрисларнинг иши йўқ дейдиларку... (Дуторни олди хиргойи қилиб кўшиқ айтди).

„Самарқанд сойига тушди узугим,

Қачон келар экан кўзи сузугим.

Агар келса эди кўзи сузугим...

(Ташқарида Ялангтўш пайдо бўлди. Хиргойи қилиб кўшиқ айтиб уй томон юрди).

„Жаҳон оламга бермасман,

Унинг бир дона холини...

(Бу товушни эшитган Гулнора эшикка караб).

„Агар келса эди кўзи сузугим,

Ани садоғаси... Ялангтўш ака!

Ялангтўш — Гулнора! (Кўлини узатиб). Танимапман сани.

Гулнора! — Тушимми бу... вой... Акам қанилар?

Ялангтўш — Темир йўл ишхонасида, ўртоқ Шумилов блан бирга.

Гулнора — Вой қандай бахт... Мен сизларни кўргани бориб...

Ялангтўш — (Туппончани кўрсатиб). Мана олдик... Қутилишимизга ёрдам қилдинг.

Гулнора — Қандай қилиб? Сизларни ким қутқазди?

Ялангтўш — Гулнорам қутқазди. Ўзинг қутқаздинг-ку жоним.

Гулнора — Ма-ан? Ма-а?!

Ялангтўш — *(Қучоғига олиб)*. Ўзим ўргулай баҳодир йигитчамдан... *(Ташқарида Хосият хола блан Любанинг овози эшитилади)*.

Гулнора — *(Ялангтўшнинг қучоғидан ўзини қутқазиб)*. Вой ўлай, биров келаяпти.

Хосият — Етиб келгунимча ўлиб бўлдим қизим. Қадам йўлда тўхтатди... „Қаёққа бораяпсан?“, дейди. Қизимни кўргани бораяпман, дейман... „Қизингни қерда?“ деб, яна ўсмоқчилайди, эма ўлгур.

Люба — Қизим сибирь полкида демалингизми?

Хосият — Гўрда бундай дейманми, қизим... Қизимники госпиталь базорида дейман... Ноумид қолгурларни, бири ишонса, бири ишонмайди... Штабга олиб бораман, оёқ олишинг бежо дейди бошингни егур.

Люба — Хўб овора бўбсиз-да онажон.

Хосият — Овора бўладиган бўлсам бўлдим. Манга Сорокин ўғлимни кўрсат қизим.

Люба — У киши темир йўл ишхонасидалар. Ўтириб туринг, ман айтиб чиқаман. *(Ичкари кирдилар, Ялангтўшга кўзи тушди, уз кўзига ўзи ишонмади, Гулнорани танимади)*.

Ялангтўш — ойи, ойижон.

Хосият — Ялангтўшми?

Гулнора — Вой, ҳа...

Ялангтўш — *(Онасининг елкасига қўл солиб)*. Ойижон, қутилиб келдим.

Хосият — *(Ўзини Ялангтўшга ташлаб)*. Вой ойинг ўргулсин... *(Кўришадилар)*.

Люба — Вой ман майор Сорокинга хабар қилай. *(Чолиб чиқиб кетди)*.

Ялангтўш — Ҳозир мен ўзим бораман.

Хосият — *(Любанинг орқасидан)*. Ҳой, онанг ўргулсин Любахон, Гулнора ўртоғинг қани?

Гулнора — Вой мана ман онажон, танималингизми?

Хосият — Ҳай... Ҳали бу Гулнорами?.. Вой формангдан гиргиттан бўлсин онанг. Ажаб қибсан. Ҳой, ман сани сра танимабман-а.

Гулнора — Қуванганингизданми?

Хосият — Ҳушим қобтими мани... *(Гулнорани кўздан кечириб)*. Бир ярашипти-ки... Кел бошқатдан кўришайлик. *(Гулнорани бағрига босди, кулишдилар)*.

Ялангтўш — Ойи, Гулнора блан гаплашиб туринг, ман, дарров Баҳромни олиб келай.

Хосият — Вой қани ҳали мани ўғлим!

Гулнора — Шумилов амакимлар блан ишхонада эмишлар.

Хосият — Вой худоей... Борақол болам, тезроқ олиб кел! *(Ялангтўш эшикка чиқди, Хосият хола фотиҳага қўл очди)*.

Омин... (Ялангтўш ташқарига чиққанда соқчилик қилиб турган солдатга, орқадан келиб ханжар урган номалум кишига кўзи тушди. Ялангтўш қўлтиғидан тўппонча олиб ўқ узди. Номалум киши йиқилди. Бир солдат югуриб келди).

Солдат — Полк қуршовда қолди!.. Тривога беринг! Тривога! (Тривога берилди).

Парда

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

ЎНИНЧИ КЎРИНИШ

Тошкент темир йўл Бош ишхонаси (Хозирги Каганович номидаги завод), Паровоз цехининг бир бўлаги. Стол, табуреткалар қўйилган. Деворда Тошкент шаҳарининг маъмурий харитаси. Қизил байроқ, Ленин портрети осилган. Ўнг томонда алоқачининг товуши эшитилиб туради. Узоқда тўп ва милтиқларнинг овози.

Алоқачи — Юпитер, юпитер... Қуёшдан хабардор бўл! (Тўп овози). Сатурнсанми?.. Марс блан алоқанг қалай?.. Эҳтиёт бўл!.. (Шумилов, Сорокин, Баҳром, Марковлар кирадилар, тўп овози эшитилади).

Шумилов — Первушин кўпригида туриб отаяпти.

Баҳром — Душман тўпи кўз очирмай қўйди.

Шумилов — (Марков блан Баҳромга). Демак, вазифаларингиз аниқ?

Марков — Аниқ.

Баҳром — Мартер тўпларимиз душман қўлига тушиб қолибти... Тўплар сапёрлар казармасида. Вазифа казармага кириш, иложи бўлса тўпларни, бўлмаса тўпларнинг қулпини қўлга тушириш.

Сорокин — Шундай. Ҳар эҳтимолга қарши сизларга ҳомийлашмоқ учун Лебилов взводи бирга боради.

Шумилов — (Қўлини узатиб). Зафар ёр бўлсин! (Марков блан Баҳром кетди, Шумилов харитани қарайди). Марин кўчаси мана... Душман бронемашинаси шу ердан ўрмалаб ўтипти.

Сорокин — Яхшики, казак полки Першин қуршовида.

Шумилов — (Кўрсатиб). Мана бу ердан ўтишга уриниб кўрди.

Сорокин — Ялангтўш Соҳибов отряди унинг йўлини тўсиб олди.

Шумилов — Азаматлар, ўтказмадилар... У, мана бу ерга келмоқчи эди.

Сорокин — Ҳа, ёлғиз шу йўл орқали биринчи шимол ўқчи полкига ва темир йўл ишхонасига ўтишмоқчи эди.

Шумилов — У чучварани хом санаяпти.

Сорокин — Тўғри. Бу йўлга қолаштирилган вагонлар, вагон изларидан учиб ўтмаса, ўрмалаб ўтолмайди. (Тўп овози эшитилди).

Шумилов — Тўп блан баррикадани бузмоқчи. Бронемашиналарни ўтказмоқчи.

Алоқачи — Ўртоқ Шумилов телефонга.

Шумилов — *(Телефонда сўзлаб хурсанд ва ҳаяжон блан)*. Казак полки енгилди... *(Сорокинга)*. Уч юз казак асир олипти... Табриклайман сени Александр, Першин.

Сорокин — Офарин, офарин.

Шумилов — Александр, бу галабамизнинг бошланиши, кичик галаба... Аммо ҳал қилучи аҳамияти бор галаба... Ҳа, ҳа! Бу енгил ва енгилнинг ҳикмати ҳам шунда-да... Казак полки ишчилар отрядидан енгилди.

Сорокин — Бу биринчи қадам.

Шумилов — Ҳарҳолда ҳал қилучи қадам... Ҳа, ҳа, эскича ҳаракат қилабер, мен яна айтарман.

Алоқачи — Ўртоқ Шумилов Юпитер чақиради!

Шумилов — *(Иккинчи трубкани олиб)*. Ҳа, ҳа... А, маҳкам ушла! Александр уч юз казакни асир олди... А! Чекинишга жой йўқ.. Ёрдам қиламиз! Ёрдам кут! *(Сорокин томон келиб)*. Вокзал баррикадаси хавф остида! *(Харитани кўрсатиб)*. Мудофаамизнинг мана бу нуқтасига генерал Коровниченко уч марта атака қилипти!

Сорокин — Ла'нати.

Шумилов — Сурков ёрдам сўрайди.

Сорокин — Ёрдам қилиш керак.

Шумилов — Сиз, камида, бир ротани вокзал мудофаасига ташламасангиз бўлмайди.

Сорокин — Яхши.

Алоқачи — Сатурн чақиради.

Шумилов — *(Телефонга бориб)*. Ҳа, ҳа... Гапир!.. Да-да... Қаердан?.. Нечта бронемашина?.. Ёриб ўтиш эҳтимоли бор?

Сорокин — Мумкин эмас.

Шумилов — Эшитаяпсанми? Майор Сорокин мумкин эмас деяпти. Инқилоб қал'асининг калити сенинг қўлингда эканини унутма!.. Чорами?.. Чора битта! Душманни ўтказмайсан!

Сорокин — Тўғри.

Шумилов — *(Сорокин томонга келиб)*. Душман бронемашинаси Мариин кўчасидан ўтипти. Бронемашина ҳозир Казаков нистирмасини ўтга тутаяпти. Ёрдам сўрайди.

Сорокин — Хўш... Ёрдам қиласизми?

Шумилов — Йўқ. Менинча биринчи полк резервини тезлик блан ишхона мудофаасига ташлаш керак. Бордию Коровниченко отряди *(Харитани кўрсатиб)*. Мана бу икки нуқтани ёриб ўтишга муваффақ бўлса, ҳеч шубҳасиз, ўзининг ҳал қилучи зарбасини ишхонага беради.

Сорокин — Ишхонага душман қадами етмаслиги керак.

Шумилов — Гап шунда-да. Мен эҳтиёт чорасини кўзда тутаман.

Сорокин — Тушунаман.

Шумилов — У ҳолда биз ишхона атрофида душманга қабр ҳозирлашимиз керак.

Сорокин — Душманнинг қўли баланд кетаяпти... Бу тўғри чора. Мен кетдим! (*Кетди*)

Шумилов — (*Алоқачига*). Першинни бер... Александр... Асир олинган казакларга окоп қазитиб бўлмайдими?.. Керак бўб қодди... Тўғри, хайрихоҳлардан... Йўқ, мен сенга чертёж юбораман... Ўзинг контрольлик қиласан... Ишонаман! (*Люба келиб, Шумиловга хат берди*).

Люба — Уртоқ Ляпиндан.

Шумилов — (*Шошиб ўқийди*). Офарин қизим, офарин! (*Шумилов Першинни гўё ёнида хаёл қилиб*). Александр эшитаяпсанми? Тўрт тўп, икки пулемёт блан қуролланган Самарқанд Советининг отряди вокзалга келиб тушди! (*Ёнида Першин йўқлигини билгач, биров шошиб Любага гапирди*). Сен қизим ҳозир қайт. (*Столга ўтириб тез хат ёзади*). Йиртқич уясини, крепостни тўпга тутилсин. Душман кўз очалмасин! Пулемётчилар Казаковга ёрдамга борсинлар! (*Харитага қараб қоғозга чертёж чизади*). Мана бу хатни Ляпинга! Мана бу қоғозни йўл устида Першинга бераман, тушундингми?

Люба — Тушундим. (*Кетди, Шумилов телефонга борди*).

Шумилов — Казаков!.. Аҳволинг?.. Оғир бўлса энди енгия бўлади, ёрдам борапти!.. Кутиб ол, генерални тавбасига таянгир! (*Соҳиб ота кирди*).

Соҳиб — Ким бор, ҳой!

Шумилов — (*Чиқиб келиб*). Ялангтўшнинг аҳволи қалай?

Соҳиб — Михдек! (*Орқасини ўгириб липпасидан хат ола бошлайди, сўзлайди*). Юнкер дегани урушқоқ келар экан... Умрингдан барака топкир гвардиячилар уринлатдилар.

Шумилов — Қани гапириб берингчи?

Соҳиб — Ялангтўш кўрдик рақибни зўр!.. Чамамда, ҳийла ишлатмаса бўлмайдиган бўлди! (*Хатни бериб*). Мана бу Ялангтўшдан.

Шумилов — (*Хатни қизиқиб ўқийди ва сўрайди*). Қанақа ҳийла?

Соҳиб — Жарариқ ёқасидаги бўз ерга хандақлар қазитти. Йигитларини иккига бўлди. Яرمىсини Жарариққа биқинтириб, яرمىсини урушга солди, йигитлар озгина урушиб турақочдилар.

Шумилов — (*Хатдан кўзини олиб*). Тушунмадим.

Соҳиб — Нега тушунмайсиз? (*Харакат блан кўрсатади*). Йигитлар қочиб бориб ўзлари қазиган хандақларига, ўзлари ётиб олдилар. юнкерлар уларни қочги фаҳмлаб бўзгача қувлаб чиқтилар... Жарариқда биқиниб ётган Ялангтўшнинг йигитлари, юнкерларнинг орқасидан уриб бердилар. Хандақдагилар бўлса олдидан ўққа тутдилар... Баччагар юнкерлар учун сичқон ини минг танга бўлди!

Шумилов — Ажойиб тактика.

Соҳиб — Умрингдан барака топкир йигитлар оддек суришиб, шердек урушдилар.

Шумилов — Мана бу хатни Ялангтўшга бераман. Планимиз ўзгарди.

Соҳиб — Ўзгарганини хатга битинг!

Шумилов — Битилган. Бу хатни эҳтиёт қилинг! *(Тўп овозлари эшитила бошлади, қизиқиб тинглади).*

Соҳиб — *(Чаппа қараб, хатни липпасига қистириб).* Эҳтиёт қилмасдан бўладими. У кунни худо кўрсатмасин.

Шумилов — Албатта! *(Йўл кўрсатиб).* Мана бу томондан! *(Соҳиб отани эргаштириб чиқди, Сорокин блан қайтиб кирди, Шумилов қўлидаги хатни таажжуб блан ўқимоқда, тўп овози эшитилади).*

Сорокин — Ана, эшитаяпсизми?

Шумилов — Тўпни олиб келишларига ишонар эдим.

Сорокин — Оламшумул иш қилдилар. Баҳромнинг ярасини боғлатдим, аҳволи оғирроқ. Тўпчилар душман кучларига жиддий шикаст етказмоқдалар. Душман чекинишга мажбур бўлди.

Шумилов — Бўлмаса жавобимиз ҳалигидек бўлади.

Сорокин — Албатта.

Шумилов — *(Ултириб хат ёзади. Сорокинга).* Сиз чақираверинг! *(Сорокин чиқиб кетди, бироздан кейин оқ байроқ кўтарган кўзи боғлиқ парламентаръни етаклаб Сорокин кирди).*

Сорокин — Бу жаноб Коровниченконинг парламентарни, фамилиялари Волков. Сулҳ таклифи блан келибдилар.

Шумилов — Элчига ўлим йўқ. Кўзини очинг. *(Очди).*

Волков — Қуллуқ.

Шумилов — Жаноби парламентаръ! Генерал Коровниченконинг сулҳ тўғрисида қилган таклифини муҳокама қилиб кўрдик. Генерал Коровниченко, чиндан ҳам қилмишларига пушаймон бўлган бўлса, биз сулҳ тузишга тайёрмиз.

Волков — Қарорингиз мани қувонтирди. Сизга чуқур ҳурмат ва миннатдорчилик билдиришга ижозат беринг?

Шумилов — Шартларимизни эшитинг! *(Ўқийди).* Биринчи: Коровниченко бутунлай юнкерларни қуролсизлантиради; иккинчи: жазо отряди қўлидаги бронемашинани тузук ҳолда Тошкент Советининг ихтиёрига топширади; учинчи: Қамоққа олинган депутатларни тездан чиқаради. Тўртинчи: Коровниченко, Червяков отставкага чиқади. Ҳар. иккаласи Тошкент Советининг уй қамоғида сақланади. Мана шу шартларга рози бўлса, уруш ҳаракатини тўхтатамиз. Уруш тўхташи блан, демократ ташкилотларининг иштироки блан кенгаш чақирамиз ва бу масалани кенгаш муҳокамасига қўямиз. Кенгаш атставкага чиққанлар ҳақида қандай қарор қабул қилса, биз ҳам у қарорга бўйсунамиз.

Волков — Биз, бундан кейин тўкилаётган қонни ўринсиз, деган, умид блан келган эдик.

Шумилов — Демак, ким қон тўкилишига сабабчи бўлган бўлса, у албатта жазоланиши керак бўлади. Тошкент шаҳар Ишчи-Солдат депутатлар Советининг қарори мана шу! *(Парламентаръга шартлар ёзилган қоғозни узатади. У олади).*

Сорокин — *(Йўл кўрсатиб).* Марҳамат! *(Парламентаръни олиб чиқиб кетдилар, саҳна қоронғилашди, Люба блан Мар-*

ков яраланган Баҳромни кўтариб кирдилар. Ётқиздилар. Саҳна секин аста ёришабошлайди).

Люба — Аҳволи оғир...

Марков — (Баҳромнинг кўзига кўзини тикиб). Баҳром, дўстим... Ман Марковман... Гапирсангчи?.. (Любага). Томирини кўр, нега индамайди?

Люба — (Томирини кўриб). Баҳром ака, кўзингизни очинг, Мана Гулнора келди (Баҳром қиришмайди, Люба блан Марков бир-бирларига қарашадилар, кўз ёшларини артиб). Гулно-рага қийин бўлди.

Марков — (Тўп овози эшитилди). Баҳром, дўстим Баҳром эшитаяпсанми? Тўплар ҳайқиринини эшитсангчи... Бу тўпларни душман қўлидан қилиб олган сен эдинг... Тўплар ғазаб блан ўкириб, душман юрагига ларза солаётган вақтда наҳотки сен ухласанг?..

Люба — (Йиғлаб). Ухлади... Абадият ёстуғига бош қўйди... Эсиз. (Гулнора кирди, Люба ўз гавдаси блан Баҳромнинг олдини тўсди).

Гулнора — Саша ака, акам қанилар?

Марков — Тўпнинг бошида, урушда...

Гулнора — Бу ётган ким?

Люба — Секинроқ, уйғонмасин.

Гулнора — (Ётқизилган солдатни кўришга қизиқди ва таниди. Кўрқиб). Вой... Акамга нима бўлди? Бирон гап бўлганга ухшайди?

Люба — Ухлаб ётибди. Юр, эшикка чиқамиз.

Гулнора — Йўқ, тўхтанг! (Баҳром томон ҳаракат қилиб). Ака! Баҳром акамларку? Вой ман ўлай.. Индамайдилар-у... Вой шўрим!.. Вой акажоним!.. (Устига ўзини ташлаб йиғлайди, Люба уни овитишга уринади. Марков чоғиб чиқади. Бироздан сўнг билакларига қизил ва қора лента боғлаган Шумилов, Ялангтўш, Марков Сорокинлар кирадилар).

Шумилов — Гулнора, тур қизим! (Гулнора турди). Петроград большевикларининг қуроли кўзғолони ғалаба қилди. Тошкент кўзғолончилари ғалаба арафасида... Инқилоб солдати Баҳром қаҳрамонлик муъжизасини кўрсатди. Рус инқилобининг тақдирига ўз тақдирини боғлаган, ўз элини, ўз халқини озод қилиш учун азиз жонидан кечган бу жасур солдатнинг хотираси, келажак авлод учун ибрат бўладиган бўлди. (Баҳромнинг ёнидаги милтиқни олди. Унинг номерига тикилиб турди). 20, 20, 23. кечагидек эсимда. „Аламзада, жабрдийда, хонавайрон десангиз ҳам манман... Етти пуштим йўқсул ўтган, мандан хиёнат чиқмайди, армон блан очдан ўлган онамнинг арвоғи кафил бўлсинки, мен бу қасос қуролининг донгини дун'ёга ёяман“, деб, қасам'ёд қилгани ёдимда. Баҳромнинг қаҳрамонлик шуҳрати дун'ёга ёйилади, бу ажойиб шер юрак уришдан тўхтади. Лекин, Баҳром! Сенинг жўшқин юрак сўзларинг ҳамон қулоқларда жаранглайди... Биз сенинг қутлуғ қонингни қадрлаймиз. Сен блан бир сафда туриб, жанг қилиб қурбон бўлган инқилоб фидойиларига қасам'ёд қиламизки,—

сенинг қотилинг ёвуз Коровниченкони тавбасига таянтираимиз!
(Милтиқни Гулнорага узати). Қизим, Гулнора! Бу милтиқ қаҳ-
рамон акангдан, бизнинг социалистик инқилобимиздан, сенга ёдгор
бўлсин! (Гулнора милтиқни қабул қилиб олиб, акасининг бошига
бориб туради). Алвидо', э, соф қалб! Алвидо', э, покиза виждон!
Алвидо', ўзбек халқининг тўнғич большевик фарзанди!
Ҳамма — Алвидо'.

Парда

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

ЎН БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Тошкент крепости (Тупроққўрғон). Генерал Коровниченкoning туман ва қорон-
ғилиқ чулғоб олган штаби. Генерал, Тўрахонов, Волков ва бошқалар бор. Ҳам-
мада саросималик.

Коровниченко — Бордю, аксинча бўлиб чықсачи?

Волков — Балки... Тарихда бундай ҳодисалар бўлган... Пет-
рогрэдчилар, Керенскийнинг тақдирини ҳал қилдилар. Керенский-
нинг ҳолига тушишга маслаҳат бермайман.

Коровниченко — Мени тинч қўйинг... Ҳозир кулоғимга
пашшанинг ғинги ҳам ёқмайди. (Сноряд учиб келиб штаб олди-
га тушди, портлади. Штабдагилар ваҳимага тушди, писди).

Волков — Бадҳазим овоз.

Коровниченко — (Тўрахоновга). Давом этинг!

Тўрахонов — Янгидан, яна бир мусулмон батальони туздик.
Бу батальондан икки рота қуролланиб, урушга кирди. Қолган
роталарга қурол керак.

Коровниченко — Хабарингиз борми, Тошкент Совети му-
сулмонларни большевикларга, русларга толатмоқчи.

Тўрахонов — Хабардормиз. Мусулмон аҳолиси хабарлар
қилинган Маҳалла кўйларга жарчи қўйиб, чақиртирдик (Грехов
кириб таъзим қилди, генерал имо блан „кулоғим сенда“, де-
гандек қаради).

Грехов — Тошкент Советига ёрдам бериш учун, Самарқанд-
дан. Кушқидан ҳарбий кучлар келипти. Тўрт түп, икки пулемёт
блан қуролланган Самарқанд советининг отряди, вокзалга келиб
тушди. Саккиз түп, 12 пулемёт, мингга қўл бомба блан қурол-
ланган, 500 кишилик Кушки ҳарбий комитетининг отряди, Тош-
кентга яқинлашиб қолган эмиш.

Коровниченко — Афсона.

Грехов — Бахтга қарши аччиғ ҳақиқат.

Волков — Петроград большевикларининг ғалабасини...

Коровниченко — Қўлдан-қўлга кўчиб юрадиган бундай ға-
лабалар, ҳали кўп такрорланади.

Волков — Тошсоветнинг таклифига жавоб бермайсизми?
Коровниченко — Мен вақтни ютиш мақсадида ҳийла ишлатдим. Оренбург отомони Дутовдан ёрдам олиш бланоқ ҳужум бошлайман.

Волков — Парламентарь юбориб, ўзимизни фош қилдик. Сиз душманни эмас, душман сизни алдади. (*Отиш овозлари эшитилди. Дераза олдига бориб қулоқ солдилар Телефон жиринглади*).

Волков — (*Трубкани олиб*). Эшитаман. (*Юзида саросималик. Харита олдига борди, белгилар қўябошлайди*). Жансбий генерал! мана бу ҳақиқатни эшитинг! Тошкент Советининг отрядлари уч томондан ҳужум бошлаптилар. (*Белги қўйиб*). Мана, тоғар скалала. Мана, Қўйлуқ кўчаси... Мана Бешёғоч.

Тўрахонов — Ҳужумнинг бу томондан бошланишига сабаб нима?

Волков — Сабаб шуки, марказлаштирилган зарбани бизга, крепостга бермоқчилар.

Коровниченко — Фол очаяпсиз!

Волков — Алло... Ана халос... Ниёзбекский томондаги мудофаамизни, душман ёриб ўтипти... Эшитаман.. Ҳа... (*Харитага чизиб*). Қўйлуқ кўчаси райони орқали.. Гапиравер... Урлага қараб (*харитага чизиб*). Мана, бу Урда, мана бу биз. (*Коровниченко Волковнинг қўлидан трубкани тортиб олди*).

Коровниченко — Бўйнидан боғланган ит овга ярамайди! Ўтиринг! Ўзимга қўйиб беринг! Қўрқоқ!

Волков — Худога шукр.

Коровниченко — (*Телефонда*). Ҳа. генерал Коровниченко. Нима? Касьяновский кўчаси районида?... Ҳой, эшит! Бир қадам ҳам чекиниш йўқ. Червяков қани?.. Тезлик блан телефонга чақир! Ҳой... Казакларга, юнкерларга, бутун солдатларга э'лон қил! Отомон Дутов отряди етиб келди. Ҳозир ёкзал томонида жанг қиляпти! (*Бошқалар бир-бирларига қарашадилар*). Ҳа, Советнинг адабини энди берамиз! (*Зикриё қори чопиб кирди!*)

Зикриё қори — Генерал бу нима гап? Солдатлар орасида саросималик! Ҳамма крепость томон қочиб келмоқда!... Эмиш Совет отрядлари анҳор ёқасида жанг қиляпти... Эмиш Совет отрядлари крепостни ўраяпти...

Коровниченко — Ваҳимачиларга дастмоя топилиб қолди! (*Трубкани олиб*). Менга генерал Червяков керак! (*Тўрахоновга*) Сиз нима қилиб турибсиз? Чиқинг! Югуринг! Одамларингизни Жангга солинг! Анҳор олдини тўсинг (*Тўрахонов, Зикриё қорилар чиқиб кетишди*). Алло... Нима?.. Почта телеграфни эгалладилар?

Волков — (*Қочиринг қилиб*). Йўғ-е!.. Бўлмаган гап! (*Коровниченко уриниб кўрди, телефон ишламади*).

Коровниченко — Линияни уздилар. (*Трубкани отиб юборди*).

Волков — Жаноби генерал, миссиямиз тугади! (*Зикриё қори қочиб кирди*).

Зикриё қори — Генерал! Жаноби генерал! Тупроққўрғон қомолда! (*Коровниченко гангиб қолди. Тўрахонов югуриб кирди*).

Тўрахонов — Жаноблар, большевиклар крепостьга кирдилар! (*Деразадан қараб*). Ана! Хуу, ана! Уша Шумилов эмасми?

Коровниченко — (*Худди уйқудан уйғонгандек*). А? Шумилов дейсизми?

Зикриё қори — Келаяпти...

Коровниченко — (*Тўппончасини қўлига олиб*). Менга Шумилов керак?

Волков — Таслим бўламиз,

Коровниченко — Мен таслим бўлмайман!

Волков — (*Зикриё қорининг бошидаги салласини тортиб олиб байроқ қилди*). Байроқ блан пешвоз чиқмасак, бизни тирик қўймайдилар. (*Зикриё қори Тўрахонов, Волковлар таслим бўлиш учун, пешвоз чиқишга жўнадилар. Коровниченко Волковнинг орқасидан ёқ узди. Коровниченко асабийлашди, боши айланди, ўтириб қолди. Ялангтўш блан Марков бостириб кирдилар. Генерал Коровниченкони асир олдилар. Байроқ кўтарган Гулнора, Шумилов блан бирга кирганда уфуқда қуёш қизариб кўринди, кўтарилабошлади*).

Гулнора — Бутун — бутун кечалар жанг блан ўтди. Мана! Қаранг тонг отди...

Шумилов — Букунги тонгни қизим, одатдаги тонгларга ҳеч ухшатиб бўлмайди. Букунги тонг асрлардан бери зулмат чодирига ўралиб ётган Шарқ халқларини уйғотучи, озодликка ундовчи, биринчи Шарқ тонгидир. Сени ва бизни тонгимиздир. Бу тонгнинг умри (*қуёшни кўрсатиб*). Ана ўша қуёш сингари боқий бўлади.

Парда

САИДА ЗУННУНОВА

ҚИРОАТ ЗАЛИДА

Одамга лиқ тўла бўлган кенг зални,
Кундуздай ёритар электр — чироқ.
Ҳамма жим, гоҳида қитирлар қалам,
Аҳ'ён-аҳ'ёнда бир очилар варақ.

Шу ёруғ, озода, хонада мен ҳам
Ўлтириб мутолаа қилмоқда эдим.
Бироз асабларга бермоқ бўлиб дам,
Ўлтирган дўстларга бир бор қарадим.

Жимгина кузатдим ва севинчимдан,
Ўнатиб қўйибман китобни андак.
Чунки гўзаллиги, равнақи блан,
Кўзимда намоён эди келажак.

Китобга телмирган ҳар йигит, қизнинг,
Юракда сездим мен иссиқ меҳрини,
Порлоқ манглайида кўролдим аниқ,
Саодат асрининг азиз муҳрини.

Бири ўрганмоқда Лениннинг томин,
Бирини банд этган чигал муаммо,
Бирар кун шуларнинг кучли қўлида,
Балки ўлимга ҳам топилар даво.

Таажжуб этмасман ҳарбирин шони,
Зиммамга биттадан дoston юкласа.
Таажжуб этмасман келаси бир кун,
Баҳор бошланибоқ гўза гулласа.

Чунки Сталиннинг ўлмас авлоди,
Дун'ёда ягона голиб ёшлар бу.
Шулар қаторида булганим учун,
Қувончим, иқболим, қудратим мангу.

МАННОН ҒАНИ

ЖАНГ ДАФТАРИДАН

Тўпларнинг гулдирос овози тинмас,
Днепр наҳрида борар эди жанг.
Асрий ўйноғи-ла нотинчди аммо,
Ложувард сувлари бўлган лоларанг.

Чалқамча йиқилди ғарбга қўл чўзиб,
Маррага етганда қадрдон дўстим,
Тўшини-тўшимга қўйиб жон берди,
Покиза юзидан сўнги бор ўпдим.

Кўйлагим қип-қизил дўстим қонидан
Хатто, силқиб ўтган кўкрак чўнтакка,
Комсомол билетим жилти лоларанг,
Шу қадар яқиндир қалбим юракка.

Унинг қалби қолди менинг қалбимда,
Ҳамон сақланади у покиза қон.
Комсомол номи-ла яшайди мангу
Ватан тупроғига бош қўйган инсов.

М. ФАЙЗИЙ

ЧОШТЕПА ЙИГИТИ

Ариқ бўйида чўққайиб ўтирган чол, сув юзидаги ой аксидан кўзини узмай, хаёл сурар эди. Сув осойишта оқаётир. У шундай тиниқки, гўё чол қаршисида кўзгу тургандек. Ҳожибой отаариқ бўйига қўлини ювмоқ учун келганини ҳам унутди. Шу кўйи узоқ ўлтириб қолди.

Ана, сув юзида яна кимнингдир акси кўрингандек бўлди. Ҳожибой ота кўзларини ишқалаб, яна ҳам қаттиқроқ тикилди... Тавба, дун'ёда Ҳожибой отага ўхшаш бошқа киши ҳам бор эканда? Наҳотки худди унга ўхшаш қорача юз, елкалари кенг, бароқ қош одам бўлса-ю, таниш бўлмаса!.. Ҳожибой ота ариққа энгашди, синчиклаб қаради. Бирдан... Тўсатдан сапчиб ўрнидан туриб кетди, нафаслари бўғилаётгандек, а'зойи баданини совуқ тер босаётгандек бўлди, гарчи „бутун оламга жар солиб, қичқириб гапир-раётибман“ деб ўйласа ҳам, ҳақиқатда аранг-аранг шивирламоқда эди:

— Ҳа-ҳа, энди танидим.

Чол тагин чўққайди. Сув сокин оқмоқда. Сув ичидан ой тикилиб турипти. Кимсасиз, жимжит тун... Бутун борлиқ ҳатто қурт-қумурсқалар ҳам уйқида. На кўкдан, на узоқ-яқиндан тиқ этган товуш эшитилади. Ариқда сув ҳам шилдирамайди, дарахт барглари ҳам шитирламайди. Хуллас, бутун олам ҳозир чолнинг нафас олишига маҳлиё бўлгандек...

Нечундир чол кўзларида ёш пайдо бўлди, юрак сўзлари кўпайди-ю, кекса кўнглига сигмай бошлади, кўкраги торлик қилиб қолди.

— Саттор, болагинам, — деб юборди чол, сувга телмурган кўйи, — оз бўлмаса сени танимай қолган эканман! Йўқ, йўқ. Ростини айтсам, юзинггаги холингга кўзим тушди-ю, юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. Уша холинг бўлмаса, танишим мушқил эди.

Чол узоқ вақт сукут қилиб ўтирди.

— Тўрт йилдан бери дийдор кўриша олмаймиз, ҳозир, худди мана шу топда қайларда юрибсан, ўғлим? Тирик бўлсанг, нега

хат ёзмайсан? Ахир, мен отанг бўламан-ку! Бағримга босиб „ўғлим!“ деганман-ку!

Кўча эшик тақиллади. Чолнинг юраги орзиқиб кетди. Қарилгини ифодалаб турган пешона томирлари тез-тез тепина бошлади.

— Ажабо? Ким бўлса экан у?.. Зора ўғилгинам келган бўлса-ю, хонадоним нурга тўлса...

Ақлига келган бу фикрдан ўзи ҳам бениҳоя севиниб кетди. Қандай қилиб ўрнидан турганини, қай алпозда эшик олдига бориб қолганини ва эшикни очиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Чунки, —шодлик уни шу даража маст қилиб қўйган эди. Бундай қараса... кўчада — эшикнинг нариги томонида ҳарбий кийинган норғул, қомати келишган бир йигит турар эди. Чолнинг қувончи яна ортди, унинг кимлигини суриштириб ўтирмай, ичкарига таклиф эди.

Деразалари боғ томонга қараган меҳмонхонада Ҳожибой отаблан боя эшик тақиллатиб келган Иван кўп йиллар дийдор кўришаолмай юрган кадрдон дўстлар каби самимий суҳбатлашмоқда эдилар.

Иван 1924 йилга қадар мана шу „Норин“ совхозининг 3-нчи хуторида тракторчи бўлиб ишлаганини, сўнгра Қизил Армия сафига Саттор блан бир вақтда сафарбар қилинганини, тўрт йил давомида ҳамма вақт фронтларда бирга бўлишганини ва эндиликда эса ёши сал каттароқ бўлгани учун Саттордан олдинроқ бўшаб келганини ҳикоя қилиб берди. Сўнгра кўкрак чўнтагидан Саттор бериб юборган хатни олиб, Ҳожибой отага узатди. Чол хатни қўлида ушлагани ҳолла ўқишни ҳам билмас, ўқимаслигини ҳам. Кўзларидан қувонч ёшлари думалар эди. Чолнинг бунчалик шодланганини кўриб, Иван ҳам шодланар эди.

Ҳожибой ота бир қўлида ўғлидан келган хатни ушлаганича шошилиб ичкарига кириб кетди. Бироз вақт ўтар-ўтмас чойнакда чой, дарстурхон, ноз-не’мат блан ясоғлиқ патнисе кўтариб чиқди.

Ваня, чол узатган пиёлани олар экан, сўради:

— Ҳожибой ота, Саттор бир кун сизлардан борган хатни ўқиб, жуда қаттиқ ташвишланди. Сабабини сўрасам, онам бетоб эмиш деб жавоб берди. Кампирнинг аҳволи қалай?

— Раҳмат, ўғлим, раҳмат. Ҳозир кампир отдек бўлиб кетган.

— Ундай бўлса жуда соз. Мен эртага Сатторга хат ёзиб, кўнглини тинчитиб қўяман.

Ҳожибой ота ҳечнарсга демади, сукут ичида ўйланиб қолди. Ваня аслда камгап одам. Шунинг учун бўлса керак, ўртага жимлик чўкди. Бироздан кейин яна Ҳожибой отанинг ўзи гап бошлади:

— Болагиннам ёшлигида ҳам онасига шунақанги меҳрибон эди. Қарангки, ўзи урушда юрса ҳам, онасининг бетоблиги тўғрисида қайғирипти-я!

Чолнинг бу сўзларидан кейин Ванянинг чеҳрасида енгилгина табассум пайдо бўлди-ю, кейин нима учундир, ўйчанлик қоплади, кўзларини деворга осиглиқ суратдан узмай не-не хаёлларга толди. Ким билади дейсиз, ҳозир у нималарни ўйлаётир?

Яна жимлик...

Ҳожибой ота ҳалига қадар ўзини босиб олгани йўқ. Шунинг учун ҳам у Ваняга қайта-қайта миннатдорчилик айтишдан эринмас, ҳа деб ўгли Саттор ҳақида гапиргуси келар эди.

— Гапнинг қисқаси, — деб давом этди чол, — ўзи ҳаддан зиёда шўх бўлса ҳам, на онасини, на мени хафа қилмас эди, чизган чизигимиздан чиқмас эди, хўп меҳрибон бола эди-да...

Ваня бошини қуйидан кўтарди, унинг кўзлари боятдан бери ўйлаб ўтирган бутун фикрларини ҳозиргина шу топда яқунлаганини ифодалаб ярқирамоқда эди. Ҳожибой ота кекса кўзлари блан бир қарашдаёқ бу ҳақиқатни англади-да, Ваняга тикилиб қолди.

— Ҳожибой ота, тўғри айтасиз, чиндан ҳам Саттор меҳрибон фарзанд экан, у буни урушда ҳам исбот қилди. Сиз уни жуда шўх эди дейсиз, ростини айтсам...

— Шўх эдики, асти қўяберинг, — деди чол унинг гапини бўлиб, — қилган шўхликларини айтаберсам ҳайрон қоласиз.

Ҳожибой ота чордона қуриб ўтириб олди, кўзларини юмди. Хаёл кўзлари блан бутун ўтмишни кўриб чиқди ва ўша кунларни махтаб-махтаб гапиргуси келди. Завқ блан сўзлайбошлади:

— Менинг отам номозхон одам ўтган. Лекин Сатторнинг шўхлигидан уйда номоз ўқий олмас эди. Бордию мачитга чиқолмай уйда номоз ўқиб қолгудай бўлса, отам саждага бош қўйиши блан боласи тушмагур бобосининг елкасига миниб оларди.

Ваня хандон ташлаб кулиб юборди.

— Ҳақиқатан ҳам Саттор болалик чоғида шундай шўх эдики, катта опасининг қайчисини сув тўла обдаста ичига ташлаб юбориб, ўзи кўчага қочиб кетар эди. Кейин кўчадан ўртоқларини бошлаб келар, ҳовлини бошига кўтариб „қуббо“ ва „кўмма“ ўйнашарди. Саккиз ёшга тўлганда, ҳали мактабга кирмаган бўлса ҳам, ўз номини ёза олар эди. 1 сентябрьга бир ҳафта вақт қолганда уни мактабга қабул қилишди. Саттор бу қисқа муддатни зўр-базўр ўтказди.

Қиш ўтди, ёз ҳам яримлаб қолди. Бир кун Саттор мактабдан терисига сигмай шод бўлиб қайтди. У, папкасини такчага қўйиб, ҳечкимга ҳечнарсга айтмай кўчага чиқиб кетди. Ҳатто онаси тайёрлаб қўйган овқатга қарагиси ҳам келмади. Унинг бу қилиғи уйдагиларни ҳайратга солди... Кечқурун Сатторнинг ўқитучиси келиб, Қумри холага ўз миннатдорчилигини билдирди:

— Ўғлингиз биринчи синфни а'ло баҳо блан битирди.

Саттор биринчи синфни а'ло баҳо блан битиргани учун мактаб дирекцияси унга ташаккур э'лон қилди. Лекин ўз умрида биринчи марта эришган бу мукофот тўғрисида махтанишдан уялгани туфайли, ҳечкимга чурқ этиб оғиз очмади. Ўз муваффақияти блан завқланиб, келаси ўқиш йилининг тараддудини кўрабошлади.

Булбул навозишлари блан аллаланган баҳорлар, тўкин ҳосил блан яшнаган кузлар бирин-кетин ўтаберди. Саттор ҳар йили бир марта — ўқиш тамомланганда — мактаб дирекциясидан ташаккур олаборди. Энг сўнгги йилда бошланғич мактабни битирди-ю, мукофотга бир талай китоб олди. Каникул кунларида ҳарбир иши

учун ота-онасидан раҳмат-офаринлар эшитди. Шундай қилиб, Саттор Чоштепалиларнинг севикли йигити бўлиб етишди.

1932 йил, январь. Ҳожибой ота оиласининг Намангандаги „Норин“ совхозига кўчиб келганидан кейин қарийб бир ой вақт ўтган. Январь ойининг аёз кунларидан бирида чол-камбир сандал олдида ўтиришиб, Сатторни уйлантиришга қарор қилишди.

Март. Далалар кўклам қўёшининг олтин нурлари блан ясанган, поёнсиз ерлар кўпчиб ётади. Саттор далада, кетман чопмоқда. Саттордан юз эллик қадамча наридаги участкага трактор келиб, ер ҳайлай бошлади. Тракторчи Саттордан беш ҳисса ортиқ ерни ҳайлаб бўлганда, Саттор ўзи мўлжаллаб қўйган ернинг ярмисини ҳам чопиб тамомламаган эди. Трактор бошқа ерга кетар экан, Саттор кўздан ғойиб бўлгунча унга тикилиб қолди; сўнгра, худди қасам'ёд қилаётган кишидай, „албатта бу ҳунарни ўрганиб оламан“ дейди ва ўз ишини давом этдиради.

Ёз. Ҳожибой отанинг уйидагилар яқинда бўладиган тўйга тайёргарлик кўрмоқда эдилар. Айниқса онаси Қумри хола севинчига сиғмайди.

Бир кун, Қумри хола келинига атаб тикилган атлас кўйлақларни қўшниси Ойнисабибига кўрсатиб махтаниб турганда, эшикдан Саттор кириб келди. Қумри хола қўшнисига „куёв уялмасин“ деган ма'нода имо қилиб, кўйлақларни сандуққа солиб қўйди. Саттор эса, қиш кирмагунча уйланмаслигини айтиб, кўчага чиқиб кетди. Қумри хола кечгача хуноб бўлиб ўтирди. Кечки овқат вақтида Ҳожибой ота ўз ўғлининг ўша гапини қувватлади:

— Ҳозир совхозда ер ҳайдаш пайти. Ҳали-замон экин-тикин ишлари қизиб кетади. Ўзинг биласан, ўғлинг уч ойлик тракторчилар курсини а'ло битирди, бунинг учун катта альбом сийлов олди. Энди у эртага далага чиқиб ер ҳайдаши керак. Шунинг учун тўйни пича орқага сурмасак бўлмайди.

Ерлар ҳайдалиб бўлинди. Планини бир ярим ҳисса ошириб бажарган ва 400 килограмм ёқилғи тежаган Саттор катта бўрдоқи кўй блан мукофотланди. Бу орада тўй ҳам ўтиб Сатторнинг бир боши икки бўлди.

Келаси йил кўкламда „Норин“ совхозда ер ҳайдаш ҳар йилгига қараганда қарийб 20 кун олдин бошланди. Сал вақт ўтмай тракторчилар орасида социалистик мусобақа шундай қизидики, улар ҳарбир минут вақтдан тўла ва унумли файдаланадиган бўлиб қолдилар. Саттор ҳам бошқа тракторчилар каби илк саҳар ишга кетар ва қўронғи тушганда уйга қайтар эди.

Ана шу қизгин кунларнинг бири...

Ёш келин Мунаввархон кечгача эрини кутиб ўтирди, ўзи ҳам овқатланмади. Аммо ундан ҳамон дарак йўқ. Ҳожибой ота келганда, келини бу ҳодисани сўйлаб берган эди, чол „келибқолар“ деб қўяқолди. Мунаввар бир соат кутди, икки соат сабр қилди, энг сўнг юрагини алланарса таталаётгандек бўлди-ю, ҳечкимга билдирмай кўчага чиқиб кетди.

Бу кенг далалар — Мунаввар туғилиб ўсган ерлар. У, тун изғиринларини ҳам писанд қилмай, трактор чироғлари блан ёришиб

ётган ерга қараб шошилди, ҳатто трактор шовқинини ҳам эшитмади.

— Ҳа, нима қилиб юрибсан?

Мунаввар трактор яқинига борар-бормас Сатторнинг шу гапини эшитиб таққа тўхтади. Уёқ-буёққа аланглаб чиқди, аммо эрини кўра олмади. Ҳайрон бўлди. Далада Сатторникидан бошқа трактор йўқ эди. Орадан ўн минутча вақт ўтгач, Саттор трактор остидан чиқиб хотинига гапирди:

— Мунаввар, сен югуриб бориб овқат олиб кел. Мен бугун ой ботгунча ишлайман. Ойдин кечада ишлаш жуда наш'али бўлар экан.

Мунаввар шудгордан чиқмасданок, кенг далани трактор шовқини тугиб кетди. Осмонда ой табассум блан термулаётир. Ҳаммаёқ худди кундузгидек ёруғ... Тунги меҳнат унинг завқини қитқилайди, Хиргойи қилиб ашула айтади.

Саттор шу куни ой ботгунча ишлади. Кунлик ер ҳайдаш планини 250 процентга етказиб бажарди. Эртасига ҳам бошқа тракторчилар блан баробар ишга чиқди. Шу кундан бошлаб бошқа тракторчилар ҳам, Саттордан ўрганиб, кечаси ишлайдиган бўлдилар.

Саттор шу совхозда 1942 йилгача ишлаб оддий тракторчиликдан бригада механиклиги даражасига кўтарилди. У ўн йил ичида ҳархил маркали тракторларнинг барча детальларини беш бармоқдай биладиган, ҳарқандай шикастни дарров тузата оладиган ва ўзининг бой тажрибаларини маҳорат блан шогирдларига ўргатадиган устоз бўлиб етишди.

1942 йилда Саттор Ҳожиев 25 ёшга кирди; у бақувват, тўла гавдали, чаққон, камтар, ақлли йигит бўлиб етишди. У шу йили она-Ватанини ҳимоя қилучилар қаторида Совет Армияси сафига сафарбар этилди.

Агар Ваня Саттор блан биргалашиб олдирган суратини чўнтагидан чиқариб, Ҳожибой отага узатмаганда, чол ҳали кўп гапирмоқчи, ўғлининг барча фазилатларини тўла-тўқис ҳикоя қилиб бермоқчи эди. Мана унинг қўлида ўғли Сатторнинг сурати. Ҳарбий кийим шундай ярашиптики, худди қуйиб қўйгандек... У фарзандининг узун-узун киприкларига, қуюқ қошларига, қалин лабларига, қорача чехрасидаги мош донасидан сал каттароқ холига оталик меҳри блан термилди. Сўнгра, узун нафас олиб, деди:

— Шунақа ўғлим, шўх бола бот қуйилар экан. Қуйилганда ҳам серғайрат, меҳнатга чаққон, иш биларман бўлар экан. Болагинам, меҳнатни ҳам шунақа қойил қилар эди. Анави куни чолукамбир икковимиз, Сатторнинг ўн йилда олган муқофотларини ҳисоблаб чиқиб, бошимиз османга етгандек булди. Ўн йилда икки бўрдоқи қўй, уч марта белул курорт путёвкиси, 8 минг сўмдан ортиқроқ пул... Буларнинг ҳаммасини болагинам ҳалол меҳнат қилиб топган эди...

Ваня фронт оловлари орасида ўзи блан бирга юрган, биргалашиб она-Ватанини ҳимоя қилган дўсти Саттор ҳақидаги бу гапларни эшитиб, фахрланди. Саттор Ҳожиевнинг фронтда кўрсатган ватанпарварлиги тўғрисида ҳикоя қилиб бергиси келди.

Хўрозлар қичқириғи эшитилиб қолди, Ҳожибой ота меҳмонга қалин қилиб жой солиб берди, ўзи ҳам меҳмонхонада тунаб қолди...

* * *

Эртаси куни эрталаб Ҳожибой отанинг уйи одамлар блан тўлди. Чол кетма-кет келаётган меҳмонларни елиб-югуриб кутиб олмақда. У кулар, йиғлар ва тагин кулар эди.

Кўнгил сўрагани келиб-кетаётганлар сон-саноксиз, Чунки „Сатторнинг ўртоғи келипти, Саттор ўртоғидан хат бериб юборган эмиш“ деган овоза фақат хутор эмас, бутун совхозни тутиб кетган эди.

Ҳожибай отанинг му'жазгина меҳмонхонаси хуторга хушxabар келтирган сержант Ваця блан кўришиш ва суҳбатлашиш учун йиғилган кишилар блан тўлди. Булар — Сатторнинг қавми-қариндошлари, ёру-буродорлари, ҳамкасб-тенгқурлари ва Садриддин Нуритдинов, Махсум Убайбуллаев каби шогирдларидан иборат эди.

Ҳожибой ота, чойнак кўтариб меҳмонхонага кириб келаётган пайтда ҳовлида — меҳмонхона деразаси тағида чўққайиб ўтирган қиз Саломатхонни кўриб, тўхтаб қолди. Бир зумда нима қилиб ўтирипти, бу қизи тушгур? Ҳа, ҳа, ростан, акаси тўғрисидаги гапларни ўз қулоқлари блан эшитиб олгиси келгандир. Майли, яхшилаб уқиб олган ма'қул, деган сўзлар кўнглидан ўтди-ю, бир илжайиб қўйиб, сўнгра меҳмонхонага кириб кетди.

14 ёшар Саломатхон Улуғ Ватан уруши фронтларида акасининг кўрсатган фидокорликлари ҳақида Ваня айтаётган сўзларни зўр мароқ блан тинглаб ўтирар эди. Ванянинг ҳикояси қизгинлашган сари Саломатхоннинг юраги шунча тез тепинар эди. У бирдан „Сатторнинг ўзи ҳам, тез фурсатда келиб колар“ деган сўзни эшитгандек бўлди. Сапчиб ўрнидан турди, бу хушxabарни онасига етказиш учун ошиқиб, учишга ҳозирланган қушдай ичкири ҳовлига югурди...

— Саттор фақат ота-онасигагина эмас, — деб давом этди Ваня, — Ватанга ҳам меҳрибон фарзанд экан. У бунини урушда кўп мартаб исбот қилди...

Меҳмонхона ичи жимжит, чурқ этган товуш эшитилмайди, ҳамма Ванянинг оғзини пойлаб ўтиради. Сержант дўсти Саттор ҳақидаги ҳикоясини давом этдирди...

... 1944 йил. Куз. Дарахт барглари сарғайган, ер устига тўкилган тунги шудринг тонгга қадар музлаб қолади. Ботқоқликлар тепасида чивинлар гўжгун уйнамайди. Изгирин кишининг башарасига нинадек санчилади. Днепр дар'ёсининг сувлари шишадек тиниқ. Шалолалар кенг дар'ё давруғи ҳақида шовқин солиб қуйилади. Кенглиги 750 метрча келадиган дар'ёнинг нариги бетида фашист босқинчилар айқиришар, „дар'ё бизники бўлади“ деб бўкиришар, тинмай ўққа тутишарди. Совет Армиясининг жангчилари эса „дар'ё уёқда турсин, бир томчи сувни ҳам бермаймпз!“ деб хужумга тайёрланмоқда эдилар. Саттор Ҳожиёв хужумга ҳозир-

ланган мана шу қаҳрамон сафда оддий миномётчи эди... Совет жангчилари ҳужумга ўтди, душман устига арслонларча ташланди. Қаттиқ жанглар қизиб кетди. Фашист-қузғунлар гала-гала бўлиб қоча бошлади. Саттор мана шу жангда ўз миномётидан душман устига офат ёғдириб турди. Днепр дар'ёсининг нариги бетини эгаллаб ётган душман тўрт километр улоқтириб ташланди. Совет Армияси ўз ҳужумини давом этдирди.

Бир кун... Яқин бир чакалакзорда немисларнинг дзоти бор экани аниқланди. Мана шу дзотни яқсон қилиш вазифаси Саттор Ҳожиёвга топширилди. Она-Ватанга меҳрибон бўлган фарзанд бу вазифани ҳам фахр блан бажарди. Дастлаб дзотнинг қаердалигини ва қандай кучга эгалигини аниқлади, сўнгра уни омонсиз равишда ўққа тутди... Топшириқ бажарилди.

Саттор Ҳожиёв Днепр бўйида кўрсатган мана шундай жонбозликлари учун „Жасурлик кўрсатгани учун“ медали блан мукофотланди. Саттор ВКП(б)нинг ҳақиқий а'золигига мана шу ерда қабул қилинди. У шундай руҳландики, Совет Армияси шон-шараф блан босиб ўтган ҳамма ерларда ўзининг Ватанга бўлган садоқатини намоёиш қилди.

Старий Рус, Белгород каби ўнларча Совет шаҳарларини фашист оламхўрлардан тозалаш учун ва Румония, Венгрия, Чехословакия, Югославия ва Австрия каби тутқун элларни босқинчилардан озод қилиш учун бўлган жангларда ўзининг оташин ватанпарварлигини исбот қилди. Тўрт йиллик жанговар ҳаётининг нақадар шонли эканини ифодалаш учун Саттор муяссар бўлган мукофотларни санаб чиқишнинг ўзи кифоя: у икки марта „Жасурлик кўрсатгани учун“ медали блан мукофотланди, ўртоқ Сталиндан 14 марта ташаккур олди...

— Ҳозир Саттор,— деди Ваня,— полкимизда байроқдор бўлиб хизмат қилади. Полк байроқдори бўлиш шарафига жангда, ишда синалган кишиларгина эриша олали...

Ваня ҳикоясини тугатмаган ҳам эди, Саломатхон сапчиб ўрнидан турди ва ғизиллаб ичкарига кириб кетди.

Офтоб тиккага келганда меҳмонлар тарқалишди.

* * *

1946 йил, июнь. Саттор Ҳожиёв, Совет Армиясидан бўшаб, тўппа-тўғри Чоштепа қишлоғига келди. У хотини Мунаввара олдида икки-уч кун турди. Кейин тўрт йилдан буён тиқ этса эшикка термилиб ўтирган ога-онасининг олдига — Намангандаги „Норин“ совхозига жўнади.

Саттор „Норин“ колхозига келган куни, оила а'золари тўй шодлиги блан яйраб қувондилар.

Саттор ота-онаси ва синглисининг Чоштепа қишлоғига кўчириб келди. Орадан кўп вақт ўтмади, ноябрь ойида Тошкент қишлоқ район 2-нчи МТС дирекциясига ишга кириш тўғрисида ариза берди ва аризага қўшиб „Норин“ совхоз дирекциясининг харақтеристикасини ҳам тақдим қилди.

МТС директори ва унинг ёрдамчиси биргалашиб Сатторнинг аризасини муҳокама қилдилар. Шунда директор „Норин“ совхози дирекцияси томонидан берилган характеристикани эслаб, ёрдамчисига шундай деди:

— 1937 йилда — оддий тракторчи бўлиб ишлаганда ЧТЗ трактори блан ҳар суткада 18 гектарга етказиб ер ҳайдаган, яъни планни 300 — 350 процент бажарган, республика илгор тракторчилар кенгашида қатнашган, шунда марҳум Йўлдош Охунбобоевдан мукофотга қўл саоти олган. У 1942 йилгача „Норин“ совхозида ишлаб, ўн йил ичида 20 дан ортиқ ёшларни тракторчи қилиб етиштирган. Ҳар йил ер ҳайдаш мавсумида ками 450 — 500 килограммдан ёқилғи тежаган. Яна битта муҳим томони борки, унинг тракторлари кўпинча фақат жорий ремонт блан ишга туширила берган. Бу унинг тракторларни яхши парвариш қилганини билдиради. Хуллас, стахановча ишлагани учун ва мусобақада ҳамма вақт олдинги сафда бўлгани учун ҳар йили икки мартадан мукофот олиб ишлаган бригада механиги экан.

МТС директори, Сатторни қарийб ярим соат махтаб шундай яқун ясади:

— Шундай қилиб, биз ҳам унга мукофот тайёрлаб қўймасак бўлмайдиганга ўхшайди.

Саттор Ҳожиёв 1946 йилнинг охири ойларини — қиш фаслини МТС паркида, тракторларни ремонт қилиб ўтказди...

... Саттор Ҳожиёв бошлиқ тракторчилар бригадаси „боқувда турган отдай“ яхшилаб ремонт қилинган тракторлари блан 1947 йил 25 мартдаёқ Тошкент Қишлоқ районидаги Сталин номли колхозда ер ҳайдашни бошлаб юборди. Шу кун ярим кечада, иккинчи сменада ишлаган тракторчилар ишдан бўшаганларида бригада а'золари Тўлаган Расулев, Шокир Дўсмаатов, Тожибой Усмонов, Ёқуб Хайритдинов ва Эркабой Ҳайитбоевлар дала шийпонига йиғилишдилар. Ҳарким ўзининг бир кунлик иши тўғрисида гапирди. Ўртоқларча суҳбат қилиб ўтиришди. Кам гапирадиган Саттор, одати бўйича аввол суҳбатга соми' бўлиб ўтирди, кейин ҳаммага бир-бир қараб чиқиб деди:

— Колхозчиларнинг мўл ҳосил етиштириши кўл жиҳатдан бизнинг ишимизга боғлиқ. Ҳарким агар юзим шамгин бўлмасин деса ҳалол ишласин, астойдил меҳнат қилсин.

Тракторчилар ўзларининг бригада механиги Сатторга бўлган садоқатларини амалда исбот қилдилар: унинг ҳарбир ўргатган нарсасини сидқи-дил блан адо этдилар. Унинг ташаббуси блан ўзаро, яккама-якка мусобақа қизиб кетди. Кейинроқ бу мусобақа район колхоз далаларида ер ҳайдаётган барча тракторчилар орасида кенг ёйилди.

Иккита ХТЗ трактори блан битта „Универсаль“га эга бўлган Саттор Ҳожиёв бригадаси Сталин номли колхознинг ҳамма ерини муддатидан олдин ҳайдаб, тамомлаб, „Қизил Юлдуз“ ва Навоий номли колхозларда ҳам 180—200 гектардан ер ҳайдади. Хуллас, шу йил ҳарбир трактор блан, 1250 гектар ер ҳайдалиб, 500 килограммдан кўпроқ ёқилғи тежади.

Сталин номля колхоз а'золари мана шу ерларга қанд лавлагя өкиб, ҳар гектаридан 470 центнердан ҳосил олдилар.

Кўклам. Бутун олам ҳаворанг бахмал кийиб безанган. Далалар ёқимли ҳид блан тўлган. Қушлар баланд парвоз қилишади. Узоқда зангори осмон. Унда-мунда дарахтлар. Қуёш тафтида кўлчиб ётган текист далалар. Ердан чиқаётган ҳовур офтоб қаршисида жимир-жимир товланмоқда, гўё ҳаммаёқни оплоқ тутун қоплаган эди.

Тарам-тарам тилимланган даланинг нариги четида бир трактор тўхтаб турипти. Кимдир биров шу трактор тагида ўймалашмоқда. 24 ёшар йигит, Шокир Дўсматов эса, қўлида — омбур блан трактор моторига тикилиб туради.

Ҳали кун қизиб кетадиган пайти бўлгани йўқ. Ўтлоқлар устига тўкилган шабнам эндигина эримоқда.

Трактор тагидан чиққан йигит блан Шокир бир-бирига термилишиб қолишди. Шокир қадди-қомати келишган, бароққош, кенг елкали, юмолоқ, қорача юзли кишига, унинг юзидаги мошдан сал каттароқ қора холига тикилиб турди-да, ерга қаради. Кейинги сафар бошини кўтарганда кўзлари бригада механиги Саттор Ҳожиевнинг жиддий нигоҳи блан тўқнаш келди. Шокир бу кўзларда шундай улугвор ма'нолар кўрдик, бу кўз эгаси устоз сифатида ҳурматга сазавор эди.

— Шундай қилинг, Шокирвой, — деди шу вақтгача чурқ этиб гапирмаган Саттор Ҳожиев, — тракторни авайлаб ишлатинг, иккинчи марта бунақа бўлмасин. Уч тишли плуг тиркаганингизда бунақа тез ҳайдаманг, агар яна бир марта шунақа қилсангиз рамкадан бошқа яроқли жойи қолмайди, ёқилғини сал тежаброқ сарф қилинг...

Шокир: „мен трактор юргизаётганимда Саттор акам йўқ эди, ҳозир менинг қандай тезликда ишлаганимни қандай билди экан? деб ҳайрон бўлиб турмади, чунки Шокир трактор ва унинг бутун майда-чуйда қисмлари бу устозга қанчалик ошна эканини яхши билади.

— Қани, юргизиб кўрингчи...

Бутун далани трактор шовқини тутиб кетди. Қишлоқнинг этагида, катта сайхон ернинг ўртасидан оқадиган сув шалолалари эшитилаётир. Узоқ-узоқларда, Сталин номли колхознинг 4-нчи бригадаси учун ажратилган ерда ҳам трактор овози гуриллаётир. Саттор Ҳожиев эса бўртиб ётган далалар бўйлаб шошилганича ўша ёққа — 4-нчи бригада ерига қараб кетмоқда.

Сатторнинг келаётганини кўрган тракторчи Тўлаган Расулев, тормозни босиб, тракторни тўхтатди. Бригада механиги унинг олдига етиб келди-да буюрди:

— Қани, нега қараб турибсиз, ишлайберинг...

Трактор азм куч блан плугни тортар ва ерни тилимлаб ағдариб кетар эди. Саттор жойидан қимирламай туриб, бу манзарани тамош қилди, сўнгра энгашиб, ҳайдалган ернинг чуқурлигини ўлчади-да бошини бир иргитиб, трактор орқасидан чопиб кетди. Бир зумда трактор олдига етиб борди, плугни чуқурроқ қилиб ҳайдайдиган қилиб тўғрилади, сўнгра:

— Бир ишни икки қилманг ахир, Тўлаган, — деди, бунақа саёз ҳайдасангиз, яна қайтиб ҳайдашга мажбур бўламиз-ку!..

Саттор гапни тугатмай, узоқда отаси кўринди. Ҳожибой ота бениҳоя хурсандлигидан ҳар ўн қадамда бир қоқилиб шошиб келмоқда эди. Саттор ўз ишини давом этдира берди. Чол трактор юриб турган ерга етиб келганда, ҳовлиққанидан зўрға-зўрға нафас олар эди. Гапирмоқчи бўлган сўзларини ҳам айтолмас эди. Кўзлари жиққа ёшга тўлган. Қучоғини барала очиб Саттор олдига келди, бор кучини йиғиб деди:

— Ўғлим фармон чиқипти...

— Қанақа фармон?

— Суриштириб ўтирма, тезроқ отлан! Меҳмонлар келиб қолишди. Тезроқ бўл!

— Қанақа меҳмон, қанақа фармон?

Чол ҳечнарсга айтолмай, узоқдан келаётган бир тўда кишини кўрсатди...

— Кимлар улар.

— Меҳмонлар, — жавоб берди чол.

Орадан кўп вақт ўтмади. Боя узоқда кўринган кишилар етиб келишди, булар орасида Сталин номли колхоз раиси, район партия комететининг секретари ва бошқалар бор эди.

Колхоз раиси, Саттор Ҳожиевни қучоқлаб ўпар экан, деди:

— СССР Олий Совети Президиумининг Фармониға мувофиқ Сизға Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Саттор ким блан қучоқлашиб кўришаётганини, ким уни ўпаётганини ва ким нима деб гапираётганини ҳам сезмай қолди. Қора мойга беланган қўллари блан сочларини тарайбошлади. Отасиға термилиб туриб, кўзидан томаётган ёшларни енг учи блан артди. Сўнгра жилмайиб турган колхоз раисига яқинлашиб:

— Раҳмат, мени бундай олий мукофотга лойиқ кўрган Сталинға раҳмат! — деди.

Ҳамма жим туриб, Сатторнинг юрак сўзларини эшитди.

Саттор тўппа-тўғри трактор яқиниға борди, бир ирғиб руль олдиға чиқди. Трактор рудини ушлаб туриб, тўғриға — поёнсиз далаларға тикилди. Сўнгра, кўкрагини тўлатиб чуқур бир нафас олди-да, тракторни юргизиб юборди.

1948 йил, сентябрь

ОРИФ ЮНУС

МАСТЕР МУСЛИМ ШОКИРОВ

Очерк

Завод директори телефонда алла ким блан сўзлашиб бўлгандан кейин ўрнидан турди, сочини орқасига қайирди ва икки қўлини ортга ташлаб, кабинетнинг уёғидан-буёғига юра бошлади. Шу маҳал дирекция секретари унинг қўлига каттарок конвертда бир хат олиб келиб топширди. У хатни қўлга олди-ку, лекин у қадар э'тибор бермади. Кейин конвертга кўз ташлади. У Москвадан шошилишч юборилган бир хат эди. Дарҳол очиб, ўқиб чиқди. Конверт ичида махсус чертёжи ҳам бор эди. Бу нарса заводнинг қуюв цехидаги қолипчилик бўлимига алоқадор бўлиб, директор бундай буюртмани ўз директорлиги даврида биринчи мартаба кўриб турар эди. Директор номига ёзилган бу хатда чертёжни яхшилаб кўриб чиқиш ва шундай буюртма бу заводда бажарила оладими, йўқми — шу ҳақда тезроқ жавоб бериш таклиф этилар эди.

Буни ким блан сўзлашиш мумкин энди? Шубҳа йўқки, бундай махсус топшириқ қолипчилик бўлимининг мастери ўртоқ Кудрявцев қўлидан келиши мумкин. Ҳозир албатта уни чақириш ва у блан ишни пишитиб олиш керак.

Бир маҳал директор кабинетига иш коржамасидаги, қадди эгикроқ, ориққина, қотмаюз, кишиларга кўз ойнагини бурун учига келтириб туриб қарайдиган, оқ кўнгил, 60 ёшлар чамасидаги киши кириб келди. Бу киши ўша қолипчилик бўлимининг эски тажрибакор мастери ўртоқ Кудрявцев эди. Директор уни махсус буюртма блан таништирди. Масаланинг нималигига қонган мастер жимгина ўлтирар ва алла нималар ҳақида ўйлар эди. Унинг оғзига тикилиб турган директор юраги ҳафриқиб кетди ва:

— Қани, уста, нима дейсиз, йўталиш энди! — деб илжайди.

Кудрявцев стол устида турган чертёжни қўлига олиб, яна бир қарра кўздан кечириб чиққандан кейин директорга қараб юмшоққина гапирди:

— Михаил Абрамович, ҳаммадан кўра сиз яхши биласизки, мен қўлимдан келадиган ҳарқандай ишни бажаришга тайёрман.— Лекин бу буюртмага қолганда нима дейишимни билмай турибман. Аввало бу мушкул иш, ундан кейин бизда бунга тегишли асбоблар етишмайди. Мен удалай олмасам-ку, катта оғизлик қилиб қабул эта берсам чертёждаги нарса Москва ўйлаганча чиқмаса, жуда хунук иш бўладида, мен бунни устимга олишим қийин.

Чертёжни иккави бирга яна кўриб чиқишди. Хуллас мастер Кудрявцев директорнинг илтимоси блан чертёжни қўлига олди, цехда яна бир бор кўриб, ўрганиб чиқмоқчи бўлди. Ўз бўлимига келди. Ишчи ва шогирдларнинг ишларини кўздан кечирди. Ана унинг шогирдлари, турли ҳажмдаги қолип ясаш блан авора. Бу бўлимда галвирдан ўтказилган тупроқ, кул, гўнгни зигир ёққа қориштириб ўша балчиқдан қолип ясалади. Қолипчилик анча оғир нарса. Лекин Москванинг муҳим буюртмаси бундан бир неча марта оғир эди.

Ҳамма ўз иши блан машғул. Мастер чўнтагидан чертёжни чиқариб, ўзининг бир чекада турган иш столи устига астагина ёзиб қўйди. Узоқ вақт тикилиб, нималарнидир ўзича муҳоқама қилди. Шу пайтда унинг ёнига Муслим Шокиров номли 20 ёшдаги думолоққина, қорачагина келган, оғир табиат, ўн гапирганингда, бир сўзлайдиган йигит келди. Кўрдик, устаси муҳим масала блан банд, унга ҳалал бермаслик учун бир чекада туриб чертёжга қаради, узоқ тикилиб қолди. Лекин бирон нима деб гапирмади. Ниҳоят уста чертёждан кўзини узди ва кўз ойнак тепасидан шогирдига қаради.

— Бунга тушиндингми Муслим, Москва буюртмаси. Жуда қийин иш экан. Бу қадар катта, мураккаб нарсага бизда тегишли асбоб-ускуналар етишмайди. Михаил Абрамовичнинг айтишича, бу буюртма жуда зарур ва шошилишч эмиш.

Мастер Кудрявцевнинг табиати жуда қизиқ. Ишига чин кўнглидан берилган, ҳунарини севган, заводни ўз уйддек билган, кеча-кундуз шу ерда ишлайбергуси келган бир киши эди. У қолипчилик бўлимидаги ўспирин шогирдларни ўз фарзандларидек кўрар, шулар блан ўтган умрини билмас эди. Ёши бир мунчага бориб қолган учун қариликнинг нухси урган. Лекин шунга қарамасдан зўр бериб ишлар, пландагидан кура кўп миқдорда маҳсулот чиқариб, ўз бўлимини ҳурмат тахтасидан туширмас эди. Кўлидаги кишилар ҳам бир тан-бир жон бўлиб ишлар, қолипчилик бўлимининг шуҳрати учун курашар эдилар. Мастер бугун уйдан чиқишида ўзини бетоброқ сизди. Тўғри завод амбулаториясига бориши керак эди. Ундай қилмади. Цехга келди. Кундалик ишни давом этдира берди. Муслим Шокиров мастернинг бугун тоби қочиброқ турганини биринчи бўлиб сезган эди. Ҳозир у блан сўзлашаётганда бу ҳол яна аниқроқ билинди, чунки мастер оғиздан гап ҳам зўрға чиқар, ранги қув ўчиб кетган, у ўзининг бетоблигини завод директорига ҳам сездирмаган эди. Муслим Шокиров мастерининг аҳволига ачинди:

— Ота, бугун мазангиз қочган кўринади-а? — деди унга қараб. Муслим, Кудрявцев қўлига келган биринчи кундаёқ уни ота деб атай бошлаган эди, — сиз ҳозир уйингизга ёки амбулаторияга бординг, ҳарбир кишига аввало сиҳат, керак.

Шундай бўлса ҳам мастер шогирдларининг ёнига бориб, уларнинг ишларини кўздан кечирди, ба'зи та'лимотларни берди. Қараса бўлмайдиган, ҳарорати ҳам кучая бошлади, шундан кейин чорночор уйига қайтишга мажбур бўлди. Эртаси куни ишга келмади, уйдан аёли келиб, унинг анча оғирроқ ётиб қолганини, қайсарлик қилиб касалхонага боришдан воз кечканини, врач кўриб дори-дармон қилганини билдирди.

Директорнинг боши қотди. Шошилишч буюртма энди нима бўлади, ким бажаради. У деразадан ташқарига қараб шу ҳақда ўйлар экан, кабинетга Муслим Шокиров кириб келди. Директор у блан сўрашгач, ўлтиришга таклиф қилди.

— Мен кеча Кудрявцевга бир муҳим топшириқ берган эдим, касал бўлиб қолипти, ишга келмапти, — деди директор Муслимга қараб, — боядан бери шу ҳақда ўйлаб турган эдим...

— Михаил Абрамович, сизнинг отага берган топширигингиздан хабардор эдим. Москванинг муҳим буюртмаси экан. Мана, мастериюми касал бўлиб қолди. Лекин буюртма албатта бажарилиши керак. Агар сизга малол келмаса, шу буюртмани менга берсангиз, бир ишлаб кўрсам...

Михаил Абрамович бу йигитнинг шу мақсадда келганини кутмаган эди. Бу ҳол унга қизиқ туюлди. Ма'лумки, кекса мастер Кудрявцев бу буюртмани бажаришда иккиланган эди. Энди келиб-келиб унинг қўлида шогирд бўлиб ишлаб турган бир ўспурин ишга талабгор бўлибди. Директор, муҳим иш олдида бир чекада қараб турмай, шунга ўз ҳиссасини қўшиш учун бел боғлаган, ҳарбир ишда заводнинг шон-шухратини кўтаришга тайёр турган бу йигитга таҳсин ўқиди.

— Муслимбай, бу нарса жуда катта иш, ўртоқ Кудрявцев ҳам бунини „жуда қийин“ деди. Лекин бир иложини қиламиз, деган эди. Мана, кўриб турибсизки, у киши касал бўлиб қолибди. Бу ишни жоним блан сизга топширар эдим-ку, лекин барибир уйдасидан чиқолмайсиз, икки ўртада уринганингиз қолади, — деди. Бу гапни айтишга айтиб кўйиб, шу топнинг ўзидаёқ кўнглига „Кудрявцев-ку касал, ҳали унинг бир-икки кунда ишга келиши нома'лум. Унгача Муслим қўлидан келган қадар бу ишга ун-наб турабермайдимми, ахир“ деган фикр келди ва шу блан бу талабгор ёшнинг ҳавасини ўстиришга ҳаракат қилди. Муслим нима дейишини билмай, қизариб ўлтирар эди. Директордан рад жавобини олгандан кейин галати аҳволга тушди. Директорнинг сўзи унга гўё: „э, бола, қўлингдан келадиган ишга ёпишсангчи!“ дегандай туюлган эди.

— Бир ҳаракат қилиб кўрар эдим-да, — деди Муслим.

Директор ўлтирган ўрnidан Муслимнинг ёнига яқинлашиб келди ва унга:

— Бўлмаса бундай қиламиз, — деди, — майли сиз бугундан ишга бошлайберинг, агар устангиз бугун — эрта тузалиб келиб қолса, икки ёрти бир бутун бўлиб шу нарсани битириб берасиз 15 кунгача бошқа ишлар блан айланишманг.

Муслим шу куни қолипчилик бўлимида буюртмага доир нарсаларни тайёрлаб бўлди, чизманинг барча икир-чикирларини кўздан кечирди, назарида энди ишни бошлай берса бўладиган кўринди. Иш соати тамом бўлди. Ҳамма нарсани шу ҳолда қолдирди-да, тўғри Кудрявцевнинг квартирига кетди. Ундан ҳол-аҳвол сўраб, соғлигини билгандан сўнг бу ҳақда сўз очмай, яна цехга қайтиб келди. Бутун тунни блан ишлаб қолди. Бу аҳвол етти кунгача давом этди. Унинг ётоқдаги дўстлари овқат ташиб ва ишидан хабар олиб турдилар. Узлуксиз ишлаш, уйқусизликнинг оғирлиги унинг чўкиб қолган кўзлари ва сарғая бошлаган юзларидан кўриниб турарди. Директор унинг ёнига тез-тез келиб хабар олиб турди. Еттинчи куни иш тамом бўлиш олдида Муслим ўзини оғир юк остидан қутилиб, енгил тортган бир киши каби ҳис этди, юзига қон югурди, ичида ўз-ўзидан хурсанд бўлди. Уёқ-буёғини тозаламади ҳам, қўлини ювмади ҳам, шу ҳолда цехдан чиқиб тўппа-тўғри директор кабинетига қараб кетди. Бу вақт директор кабинетда ёлғиз ўзи ўлтириб, алла қандай ҳужжатларга имзо чекар эди. Муслим кириб келгач, директор дарҳол ишини тўхтатди ва уни ёнига ўтқазди:

— Ҳўш, йигит, нима гап, ҳечнарсачиқадагиданми? — деб сўради.

Муслим директорга қараб илжайди ва Москва буюртмасининг ҳозиргина тўла бажарилганини билдирди. Директор бу вақт ҳийла-таажжубга ҳам борди. Дарров ўрнидан турди. Завод бош инженери блан қолипчилик бўлимига йўл олди. Бажарилган катта ишни текшириб чиқишди. Муслим қолип ясашни қандай бошлаб, қандай тамом қилганини, неча мартаба бузиб, неча мартаба қайтадан ясаганини ҳикоя қилиб берди. Буюртманинг а'ло даражада бажарилганини кўрган бош инженер қувониб кетиб Муслимни табриклади ва меҳр-муҳаббат блан қўлини сиқди. Михаил Абрамович бўлса бу ёш шогирдни кучоқлаб олди ва у ҳам қўлини сиқиб, деди:

— Яша, офарин! Бу шогирд эмиш, қаёқда шогирд, энг яхши мастер!

Кудрявцев Москва буюртмаси дарди блан эртасига ишга келди ва уни тайёр ҳолда кўриб ҳайратда қолди. Тўғри директорнинг ёнига борди. Буюртманинг ким томонидан бажарилганини сўради. Директор кулди ва:

— Бу нарсани тайёрлаган киши ўз бўлимингизда-ку, кўрмадингизми? — деди.

— Йўқ, у ерда ўз шогирдларимдан бошқа ҳечкимни кўрмадим.

— Бўлмаса яхши пайқамабсиз-да, юринг мен блан, сизга кўрсатай.

Қолипчилик цехига келишди. Кудрявцев кўрдик, бўлимда ўз кишиларидан бошқа ҳечким йўқ.

— Михаил Абрамович, қани у кишингиз? — деди яна.

Директор қувончини ичига сиғдиrolмагани ҳолда унга ҳазиллашар эди:

— Мана шу ўз бўлимингизда, кўрмаяпсизми, шу ерда моҳир мастер бор, кўз ойнагингизни олиб қаранг-а.

Кудрявцев директорнинг ҳазилига тушинди. Буюртманинг қайси мастер томонидан ижро этилганини қисқаталанг қилиб сўрай-берди. Бу пайтда Муслим улардан нарироқда ўз тенг-қури бир йигит блан алла қандай тайёр қолипни жойидан кўчирар эди. Директор мастер Кудрявцевни тўғри Муслимнинг ёнига бошлаб борди.


— Москва топширигини мана шу мастер бажарди! — деб Муслимни кўрсатди ва унинг елкасига қоқди, — қийин вазифани муваффақиятли бажаргани учун бугун унга мастер унвони берилди. Бу нарса шогирдлик блан мастерлик ўртасидаги босқични сакраб ўтиш демакдир.

Кудрявцевнинг ҳуши бошидан учди. Севинч ёшларини кўзларидан тиёлмади, бориб уни қучоқлаб олди ва пешонасидан ўпди:

— Устозидан ўтиб кетган шогирдга раҳмат! — деди. Муслим бўлса:

— Менга шунчалик ҳунар ўргатган сизга минг раҳмат! — деди. Цехдаги кишилар воқиага эндигина тушиндилар ва завод ҳаётида сийрак бўладиган бу ҳодисадан чуқур та'сирландилар.

Бу воқиа бултур ёз фаслида бўлиб ўтган эди. Муҳташам заводнинг қайноқ қучоғида ўсиб чиққан бу талантли, ижодкор йигит — Муслим Шокиров ҳозир шу завод қарамоғидаги фабрика-завод та'лими мактабининг энг яхши мастери сифатида ишлайди, ёш шогирдларга дарс беради. Бу мактабдан ўзига ўхшаш ихтисосли кишиларни кўпроқ тайёрлаб чиқариш бобида устозларидан ўрганган билим запасларини сарф этади, бор кучи блан меҳнат қилади, азоб чекади, бу азобдан роҳат туғилишини у жуда яхши тушинади.



М УЊИДАРИЖА

	Бет
Ғафур Ғулум. Инсоният байрами. Ше'р	3
Ойбек. Ҳамза. Достон	6
Шайхзода. Янги ше'рлар	25
Ҳамид Ғулум. Олмос қизи. Повесть (охири)	30
Қ. Муҳаммадий. Кузак. Ше'р	66
Назир Сафаров. Шарқ тонгида Пьеса	67
Саида Зуннунова. Қироат залида. Ше'р	111
Маннон Ғани. Жанг дафтаридан. Ше'р	112
М ФАЙЗИЙ. Чоштепа йигити	113
Ориф Юнус. Мастер Муслим Шокиров. Очерк	123

РЕДКОЛЛЕГИЯ Ойбек (мас'ул муҳаррир), Ғафур Ғулум, Яшин, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Ж. Шарифий, М. Ашрафий, Сами' Абдуллаев

На узбекском языке

„ШАРҚ ЮЛДУЗИ“ № 11

4655
ФАН-АВИА

Орган Союза советских писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Кзыл Узбекистан“ и „Правда Востока“

Ташкент — 1948

„Шарқ Юлдузи“ редакциясининг адреси:
Тошкент. Биринчи май кўчаси, уй № 28. Телефон 32-689.

Босишга рухсат этилди 29/ХII 1948 й. Р 21263 Қозғалт фирмати 60x92/16. Босма л. ети 8.
Тир-жи 6000. Нашр № 1278 Баҳоси 5 сўм.

Тошкент „Қизил Ўзбекистон“ ва „Правда Востока“ нашриёти босмадониси. Заказ 1248

APR 10

Баҳоси 5 сўм.

2409_